

**РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
МАРКАЗИ**

**Қиёмиддин Назаров**

**МАФКУРА**

**Тошкент-2014**

## **МУНДАРИЖА**

### **МАФКУРАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Мафкуранинг ҳаётий зарурати

Мафкуранинг тарихий кўринишлари ва таснифлари

Мафкуранинг ижтимоий-фалсафий таҳлил

Феноменологик анъаналарда мафкура муаммоси

Мафкуранинг онтологик жиҳатлари таҳлили

Мафкура - ижтимоий тажриба

Мафкура - ижтимоий мавжудлик муаммоси

### **БУГУНГИ ДУНЁДАГИ МАФКУРАЛАР ТЎҚНАШУВИ**

Бугунги дунёдаги мафкуралар тўқнашуви

Бузғунчи мафкура ижтимоий феномен сифатида

Космополитизм ғоясининг салбий оқибатлари

Миллатчиликнинг мафкуралашуви

Глобаллашув тенденциялари ва мафкура

### **ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ**

Ўзгараётган жамиятда мафкура шаклланиши

Мафкура ва ижтимоий-маданий ҳаёт

Маданият тизимидағи мафкура

## КИРИШ

Инсоният тарихида турли мамлакатларнинг мафкуравий тузилмалари ҳақиқий мафкуравий билимлар ва қадриятларни ҳам ўз ичига олган, булар жамиятнинг у ёки бу даврда қарор топиши ва ривожланишини белгилаб берган. Ҳукмрон мафкуралар жамиятнинг маънавий замини ҳисобланади, унинг устида сиёсий ва иқтисодий устқурмалар тикланади. Ҳукмрон мафкураларнинг мафкуравий қадриятлари янги ижтимоий тузилма ва соҳаларнинг ташкил топишини тақозо этади: масалан, аввалига мафкуравий таълимот яратилган, кейин бу таълимот қадриятлар ва билимлар асосида эски жамиятнинг ижтимоий тузилмаларига ва агар мафкура дунёвий характерга эга бўлса, янги тамаддунга айланди. Бунга мисоллар жуда кўп, ахир ҳеч ким буддизм таълимоти буддизм давлатлари ва умуман, буддизм маданияти пайдо бўлишидан олдин вужудга келганини рад этолмайди. Маълумки, социалистик тамаддун ўзидан аввалроқ тузилган коммунистик мафкура асосида ривожланган. Эҳтимол, агар Уйғониш даврида либерал-демократик мафкура тузилмаганида ва Янги давр замонида ривожланмаганида, Ғарбнинг XX асрда неолиберализм, неоконсерватизм, социал-демократия шаклларини олган либерал-демократик тамаддуни қарор топмаган бўларди.

Инсоннинг моддий бойлик орттириш ва тамаддун неъматларидан лаззатланишни устун қўядиган, бузуқлик ва маънавий қашшоқликка, маънавий қаҳатчиликка олиб келадиган инсонийликдан холи маданияти олдида тик туриш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларида америкача маънавиятнинг ёйилишига қарши янги мафкура, маънавий ва моддий бой шахсга йўналтирилган, албатта, бунда инсоннинг маънавий баркамоллиги устувор турган мафкура яратилиши лозим. Буларнинг бари XXI аср бошида асосий муаммо инсоннинг ижодий маънавий моҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган мафкуралар тизими бўлиши кераклигидан дарак беради.

Мафкура борасидаги тадқиқотларда мафкура ҳодисасини таҳлил қилишга онтогнезеологик ёндошув, бошқа ижтимоий фанлардан олинган усул ва тамойилларни уларнинг танқидий талқини билан қўшиб олиб борган ҳолда “мафкура” тушунчасини умумий ёритишга уринишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, турмуш талқини сифатидаги мафкуранинг ўзига хосликларини аниқлаш, мафкура асосларини имкон қадар холис изланишини амалга ошириш, мафкуранинг асосларини аниқлаш учун ижтимоий амалиёт, ижтимоий ўрганиш, у ижтимоий турмушнинг функционал жиҳати эканлигини ҳамда унинг мақсади ҳақиқатни топиш эмас, балки кишиларни муайян ҳатти-ҳаркатга йўналтириш эканлигини асослаб бериш, шахсий билимда ҳамда айrim таълим концепцияларнинг мазмунида аввал бошданоқ мафкуравий вазифаларнинг

мавжудлигини исботлаб бериш керак.

Айтиш мумкинки, мафкураны ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишда жамиятнинг мафкуравий тузилишини таҳлил қилиш алоҳида ўринга эга. Мафкура тузилишини олам, жамият, инсон, индивиднинг дунёдаги ўрни ва роли, дунёда шахс умрининг мазмуни ҳақидаги фалсафий, илмий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий билимлар ва қадриятларнинг аниқ тарихий яхлит тизими сифатида таърифлаш мумкин. Мафкура – бу ижтимоий соҳаларнинг қарор топиши ва ривожланишини белгилайдиган билим ва қадриятлар. Мафкура, шунингдек, жамият келажагининг дунёнинг барча фуқаролари интилиши лозим бўлган энг яхши қурилиши тўғрисидаги тасаввурдир. Мафкуравий билимлар ва қадриятлар жамият ҳаётининг маънавий, давлат, иқтисодий, ижтимоий ва оила-турмуш соҳаларидағи шахсларнинг фаолиятини ташкил қиласди, тартибга солади, йўналтиради ва бирлаштиради, бир турли мафкурага эга мамлакатларни бирлаштиради, Шарқ, Ғарб, Жануб тамаддуларининг ижтимоий минтақалари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни йўналтиради, Ер шарининг ижтимоий яхлитлигини таъминлайди.

## МАФКУРА – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ЗАРУР ОМИЛИ

Мафкуранинг ҳаётий зарурати

*Мафкура бўлмаса инсоният йўлини йўқотиши муқаррар.*

*Ислом Каримов*

Умуман, мафкура муаммосига ва хусусан, шакланаётган инсонпарвар мафкурага мурожаат замонавий жамиятнинг социализмдан демократияга, коммунистик мафкурадан либерал мафкурага, жамиятнинг тоталитар тузилишидан шахс эркинлигини назарда тутадиган тузилишга ўтишида ҳал қилинадиган вазифалар билан, шунингдек, жаҳон тартиби омиллари, глобал жамиятнинг ҳозирги даври ва глобал инсонпарварлик мафкурасининг хусусиятлари билан белгиланади.

Жамият ҳаётининг асосини мафкурага оид билимлар ва қадриятлар ташкил қиласи. Бу мафкуравий билимлар ва қадриятлар жамият асосида ётади. Табиийки, бу жамиятдаги асосий мафкурага доир билимлариридир. 1991 йил августдаги тўнтарилишдан кейин жамиятнинг мафкурадан холи қилиниши ижтимоий хаосга олиб келди. Натижада, ҳеч ким қандай жамият қуриш кераклигини, нимага интилиш кераклигини аниқ билмай қолди. Ижтимоий тараққиёт истиқболи йўқолди, келажаксиз жамиятда эса, бошбошдоқлик, бебошлиқ, ишончсизлик, куч кўрсатиш, орсизлик, зўравонлик авж олади.

Жамиятни мафкурадан холи қилиш ғояси илк бор демократислоҳотчилар томонидан маълум қилинган бир шароитда, фуқароларнинг маънавий чекланиши юзага келди. Айниқса, бу Гарбдан келган ғоя ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига таъсир қилди. Айниқса, ёшлар турли ғарб мафкураларининг тиқиширилиши ва оммавий маданият олдида ҳимоясиз қолди. Ёшлар орасида ўтказилган социологик тадқиқотлар кўрсатишича, жамиятнинг мафкурасиз қолиши ёшларнинг дунёқарашсиз шаклланишига олиб келди. Маълумки, ҳеч қандай дунёқарashi бўлмаган индивид хусусий одамга айланиб қолади. Бундай индивидлар учун инсон шаънини шакллантирадиган, инсонни улуғлайдиган, инсоният келажагини инсонпарварлаштирадиган олий, ва аввало, маънавий қадриятлар ётдир.

Инсоният инсоннинг маънавий уйғониши ва ахлоқий мукаммаллигини кўзда тутадиган янги инсонпарвар мафкурани яратадими ёки бўлмаса, инсониятни маънавий таназзулига олиб келадиган моддий бойликни биртомонлама ривожлантириши мўлжаллаб, сиёсий, иқтисодий ва экологик ҳалокатлар қаторида маънавий ҳалокатга юз тутадими? Шундай қилиб, инсоният ўзининг мавжудлигини шубҳа остига қўяди, бинобарин, инсоннинг моҳияти, энг аввало, унинг моддий таъминланганлиги ёки келиб чиқиши билан эмас, балки бутун умри давомида ўзлаштирилган, эришилган ва амалга оширилган билимлари билан белгиланади.

Замонавий цивилизация атроф-муҳитни ўзлаштиришда техник жиҳозлашнинг юқори даражасига эришиб, анъанавий эволюция доирасида инсониятнинг ривожланишига енгиб бўлмас тўсиқ сифатида юзага чиқаётган глобал муаммоларнинг бутун бир мажмуи билан тўқнашди. Атроф-муҳитнинг ифлосланишидан, табиий ресурсларнинг йўқолишидан, ядровий қирғинбарот ва бошқа кўплаб ҳодисалардан ташқари, инсониятнинг ривожланишига муҳим “чақириқ” сифатида аксилижтимоий мафкуравий мифологемаларнинг тарқалиши ҳам намоён бўлмоқда.

Энг хавфли ва ҳамма жойда авж олган мифологема – бу либерал-демократик ғоя ва барча ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш воситаси ҳақидаги мифологемадир. Ҳозирги жамиятнинг иккинчи жiddий мафкуравий мифологемаси ўзида янги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузилмаларга кишилар ўртасидаги “қонунда ман этилмаган ҳамма нарса мумкин” қабилидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солмай туриб ўтиш мумкинлиги тўғрисидаги мифдир. Кейинги мифологема сифатида шундай ғоя юзага чиқадики, унга кўра, мамлакат ичидаги барча ишлаб чиқаришлар ва истеъмолни фақат бозоргина ҳал қилиши мумкин. Жамоатчилик онгига “Бозор иқтисодиёти ижтимоий адолатга эришишнинг асосий воситасидир” деган ғояни сингдирилади. Энди бу мифологемани ҳатто унинг муаллифи Д.Сорос ҳам шубҳа остига қўймоқда. Мифологеманинг мафкуравий татбиқ этилишини муваффақиятли ташкил қилиш учун, жамиятда матбуот ва сўз эркинлиги кўринишидаги тўртинчи ҳокимият зарурлиги тўғрисидаги ғоя ўйлаб топилди.

Дунёда юзага келган вазият таҳлили шуни кўрсатадики, юқорида санаб ўтилган мифологемалар ва уларга мувофиқ қадриятлар тизимлари доирасида қолар экан, инсоният ҳозирги замон “чақириқ”ларини бартараф этишга қодир эмас. Ижтимоий ҳаётни зарур даражада ўзгартириш учун асос сифатида ижтимоий онгнинг ўзгариши хизмат қилади. Кўпинча, хусусий масалаларни ҳал қилишда самарали бўлган технократик усууллар ҳолатни фақат чуқурлаштиради, холос. Сабаби – улар ўзидан кейин янги, янада мураккаброқ муаммоларни келитириб чиқаради. Бунда ижтимоий онгни тубдан қайта қуриш талаб этилади ва бу инсониятнинг атроф-муҳитга нисбатан ваҳшиёна муносабати, гедонистик эгоцентризм, турли хил тажовузларни бартараф этишга қаратилиши лозим. Буни амалга оширишда асосий восита сифатида ижтимоий онгни муайян йўналишда ижтимоийлаштириб, ижтимоий онг соҳасига самарали таъсир кўрсата оладиган мафкура юзага чиқади. Айнан ҳукмрон мафкура алоҳида индивидлар қатори, бутун жамиятнинг ҳам яшаш услуги ва тарзини белгилайди, шунингдек, муайян дунёқарашни асосий қадриятлар, идеаллар, хулқ-атворт мөъёрларини тарғиб қилиш ёрдамида сингдиради.

Мафкурани белгиланган йўналишда ўзгартириш муаммоси энг камида иккита сабаб билан изоҳланади:

1) ушбу феномен тушунчасини фанда ёки субъектив, ёлғон, хаёлий онг сифатида, ёки бўлмаса, шахснинг маънавий эркинлигини чекловчи тоталитаризмнинг бир жиҳати сифатида тушуниш қабул қилинган;

2) Ғарб мафкураси ҳукмронлигининг глобал даражада тарқалиши.

Келтирилган сабаблар мавзунинг ўзига хос тарзда “ёпиқлиги”га, ушбу муаммога бағишлиланган илмий тадқиқотлар ва кенг муҳокаманинг йўқлигига шароит яратади.

Совет социалистик тизимининг парчаланиши ва коммунистик мафкуранинг барҳам топиши туфайли юзага келган кўтаринки рух (эйфория) ушбу мафкура феноменининг ўзининг йўқ бўлиб кетишини тақозо этадиган бутун инсониятнинг мафкурадан батамом холи бўлишини илмий асослашда ўз ифодасини топади. Кўпгина давлатлар, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ғоя ва қадриятларни танлаш эркинлигининг ифодаси сифатида мафкуравий плюрализм эълон қилинди.

Шунга қарамай, мафкура ижтимоий ҳаётни ташкиллаштиришда ажралмас омил бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, ахборот маданияти пайдо бўлганидан бўён, мафкуравий омил белгиловчи аҳамият касб этмоқда. Бу борада мафкуравий плюрализм декларацияси замонавий кўринишдаги либерал-капиталистик мафкуранинг “идеологема”ларининг биридан бошқа нарса эмас. Аслида эса, ҳозирги вақтда ҳар қандай ижтимоий ҳаётни ташкил қилишда ғарб либерал мафкурасининг жаҳонда ҳукмронлигини ёйишда ўзига хос “шов-шув”ли парда, ниқоб сифатида хизмат қиласидан бошқа мафкуравий тизимлар ва элементлар расман бор ёки йўқ бўлишидан қатъи назар, бирон-бир ҳукмрон мафкура мавжуд бўлади. Ушбу мафкура ўзида демократик ижтимоий қурилманинг ижобий тажрибасини мужассам этиб, юқори даражали техник тараққиёт ва омма онгини идора қилиш технологияларидан кенг фойдаланиб, инсониятни техноген ҳалокатга олиб борадиган ўзига хос жаҳон динига айланади. Ҳолат яна шу билан мураккаблашадики, кўриб чиқилаётган қадрият ва идеаллар тизими ўзида инсон ривожланишининг ягона тўғри магистрал йўли ролини мустаҳкамлайди ва шу асосда, ҳар қандай муқобил мафкураларни, шу билан бирга, маданийлашган маънавий-маданий хилма-хилликни ҳам йўқотиб юборади.

Ушбу ҳолат ҳозирги замон мафкуравий вазиятининг объектив таҳлилини ўтказиш заруратини изоҳлайди, бу вазият, аввало, глобаллашув жараёнлари ва миллий давлатчилик тузилмаларининг анъанавий маданиятини асраш муаммоси билан боғлиқ.

Бундан ташқари, омма онгини бошқаришга йўналтирилган манипулятив технологияларни тарқатиш муаммоларини ўрганиш

олимларнинг алоҳида эътиборига лойиқ. Ушбу мавзунинг долзарблиги нафақат мафкуранинг ҳукмронлиги механизмининг ҳозирги ўзига хослигини ифодалаш билан, балки аҳолининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан ҳам боғлиқ.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун мафкурага мафкуравий шакллар, усуслар ва услубларда рўй берган ўзгаришларни тушунтиришга, шунингдек, ушбу ҳодисанинг замонавий жамият ҳаётидаги ҳақиқий роли, ўрни ва аҳамиятини аниқлай олмайдиган анъанавий қарашларни бартараф этиш талаб қилинади.

Бунда ўз предмети доирасига у ёки бу мафкуравий элеменларни олган алоҳида фанлар (социология, маданиятшунослик, қадриятшунослик, ижтимоий психология, ижтимоий-сиёсий антропология ва б.) доирасида ўтказилган тадқиқотларнинг ўзи етарли эмас. Бунинг устига, мафкурани сиёсий ҳодисаларни талқин қилишнинг ўрта-назарий ва эмпирик даражасига йўналтирилган ҳамма томонлари ва қирраларини қамраб олиш имкони йўқ.

Мазкур муаммони жамият ҳаётининг турли соҳаларида жойлашган мафкуравий шаклларни бирлаштира ва таҳлил қила оладиган фалсафий тушуниш зарур. Буни амалга ошириш мафкуранинг ҳақиқий ишлаш механизми ва бутун жамият манфаатлардан келиб чиқиб, ушбу жараённи бошқариш имкониятларини очишга имкон беради.

Қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш ўз бошидан кўплаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий синовларни ўтказган, лекин шунда ҳам, ўз мафкуравий доктринаси борасида бир тўхтамга келмаган мамлакат учун алоҳида аҳамият касб этади. Расмий миллий-давлат мафкурасининг йўқлиги бошқалардан ўзлаштирилган айrim жамиятларнинг маънавий-маданий архетипларига мувофиқ келмайдиган мафкуравий тизимларнинг тарқалишига асос бўлади, бу эса бутун жамият ҳаётининг чекланишига олиб келади.

1. Мафкура ҳар қандай ташкил қилинган жамият ҳаёт фаолиятнинг зарур омили бўлиб, у сира ҳам ўзига ўзи юк бўлмайди, балки объектив ижтимоий муносабатларнинг туб илдизларини намоён қиласи.

2. Глобаллашув жараёни ғарб либерал мафкура томонидан миллий давлатчиликнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини йўқотувчи буржуа ижтимоий муносабатлари устидан режали амалга оширилган реваншнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ.

3. Мафкуранинг янги тури пайдо бўлди – бу шундай тизимнинг муниципулятив мафкурасики, унда биринчи – концептуал даражада ўзгармагани ҳолда, иккинчи ва учинчи даражанинг характерли хусусиятлари ўзгариб кетди.

5. Замонавий миллий жамият мафкураси ўзига шу жамиятнинг асосий маданий-тарихий архетипларини олиши ва Ватан халқларининг туб манфаатларига жавоб бериши лозим.

1. Мафкура дунёқарашнинг муайян тури, жамоатчилик онгига турли хил ижтимоий институтлар ёрдамида сингдирилаётган ва бутун ижтимоий ҳаёт фаолиятини ташкил қилувчи қадриятлар, идеаллар, хулқ-автор меъёрлари тизимини шакллантирувчи ғоялар йиғиндисидир.

2. Мафкура қатор муҳим функцияларни бажарувчи замонавий жамият ҳаётининг зарур омилидир, бу функцияларнинг асосийлари – жамиятнинг муайян идеаллар ва қадриятлар атрофида жамланиш, мақсадни уни ривожлантиришга қаратиш ва ўсаётган ёш авлодни ижтимоийлаштириш қобилияти сифатида юзага чиқади.

Умуман, қўйилган вазифалар ечилди, бу қўйидаги ҳолатларни исботлаш имконини беради:

1. Мафкуранинг тузилиши ўзида уч даражали тизимни ифода этади, бу ерда: биринчи – концептуал даражада олий қадриятлар ва иедаллар ифода этилади; иккинчи – доктринал даража, бир томондан, дастурий-меъёрий ва мифологик-рамзий дастакларни ўз ичига олади, бошқа томондан эса, у институционал ифодага эга; учинчи – амалий-эмпирик даража ўз ичига жамоатчилик онгига мафкуравий қоидаларни сингдириш технологияларини олади ва шунинг ёрдамида, назарияни амалиётга татбиқ этади.

2. Мафкура ўз ичига ижтимоий онгнинг турли даражалари, томонлари, шакллари ва ташкил қилувчиларини ўз ичига олган интегратив тизим сифатида юзага чиқади. Бу географик, техник, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа объектив мұхит билан ўзаро диалектик алоқадор муайян мафкуравий майдонни ҳосил қиласиди.

3. Замонавий мафкуранинг хусусиятларидан бири – маънавий-маърифий функциянинг давлатдан ажратилиши жараёни ва унинг жамият олдидаги давлат жавобгарлиги билан боғлиқ бўлмаган турли элитар гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи “мустақил” оммавий ахборот воситалари томонидан хусусийлаштирилишидир.

4. Замонавий мафкуралар таркибида мафкуранинг янги тури – манипулятив мафкуранинг пайдо бўлишига олиб келган ижтимоий онгда мафкуравий идеаллар ва қадриятларни тарқатиш, шунингдек, уларнинг ҳукмронлиги характеристи ва технологияси билан боғлиқ сифат ўзгаришлари бўлиб ўтди.

5. Глобаллашув субъекти хориж давлатига, авваламбор, глобаллашув обьекти бўлган мамлакатнинг миллий-маданий суверенитетини йўқ қилишга йўналтирилган мафкуравий экспансия воситасида кириб боради, бу эса кейинчалик обьектнинг маданий қадриятларга оид тизимининг ўз “умуминсоний қадриятлари”ни мустаҳкамлаш мақсадида издан чиқишига олиб келади.

6. Замонавий жамиятда мафкуравий концепцияларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш тадқиқот давомида илгари сурилган гипотезани, яъни икки тизим – капиталистик ва социалистик тизимнинг бир-бирига қарама-қаршилиги социалистик қадриятлар

аста-секинлик билан, режалаштирилган ва уюштирилган тарзда либерал-буржуа қадриятларга алмаштирилганлиги ҳақидаги гипотезани тасдиқлади. Бундан ташқари, ғарб идеологиясини “механик” тарзда кўчириб олиш жамиятнинг маданий асосини парчалашга қаратилган.

7. Умуман, “Мафкура замонавий жамият ҳаётининг зарур омили” номли мавзуни тадқиқ этиш қўйидагиларнинг исботланишига олиб келди:

- ижтимоий воқелик шуни тасдиқлайдики, оммавий ахборот воситаларининг миллийлаштирилиши муқаррар, айrim ҳолларда, жамиятнинг манфаатларидан келиб чиқиб, мафкуравий цензурани киритиш зарурати ҳам туғилади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш жараёнида муайян қийинчиликлар келиб чиқди. Айниқса, ижтимоий ҳаёт фаолиятининг мафкуравий ташкил қилувчисига заруратнинг ўзини асослаш алоҳида қийинчилик туғдирди. Бунинг учун жамиятни мафкуралардан холи қилиш ғояларини илмий инкор этиш ва плюрализм, жамоатчилик онгини идора қилиш технологиялари ортига яширган либерал-демократик мафкуранинг ҳақиқий табиати ва унинг ҳозирги ватқдаги ҳукмронлигини аниқлаш талаб этилди.

### **Мафкуранинг тарихий қўринишлари ва таснифлари**

Шоҳиди бўлганимиздек, XIX аср бўсағасида дунёда бир қанча ҳал қилинмаган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва экологик қарама-қаршиликлар юзага келди, булар ғарбона тамаддун инқирози (авваламбор, неолиберал мафкура қадриятларининг йўқотилиши) билан, бараварлаштирилган синфий социалистик ва мафкуравий қадриятларнинг қадрсизланиши, “Худонинг қасоси” сифатида қабул қилинган диний мафкуравий фундаментализмнинг ўсиши билан белгиланади. Кўплаб жамиятларда Ғарб либерал қадриятларини татбиқ этиш жараёнида ҳозирги жамиятларнинг маънавий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларининг турғунлиги ва бузилиши юз бердики, бунинг натижасида кўплаб фуқароларининг маънавий чекланиши ва инсонийликдан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилди. Буларнинг бари шундан далолат берадики, мафкуранинг ҳозирги замон дунёсидаги роли пасаймайди, балки ошади, чунки глобаллашув шароитларида турли ижтимоий-маданий ҳамжамиятларнинг мафкуравий белгилари йўқолади.

Қадимги даврлардаёқ мафкураларнинг тарихий турлари диндан олдинги афсона шаклидаги мафкура ва ҳақиқий диний мафкура бўлган, шунинг учун афсоналар ва дин ҳақидаги таълимотлар ўзида ўзига хос мифологик ва теологик шаклни ифода этган, яъни дастлаб мафкуравий тушунчалар “мифология” ва “теология” бўлган. Бу мифологик ва теологик қўринишдаги мафкурапастлик бўлиб, одатда, у теологиянинг таркибиغا кирган. Мафкура тўғрисидаги

таълимотда то мафкура тушунчаси пайдо бўлгунича ва мафкура тушунчасининг ўзи ўртасидаги оралиқ ролни бажарган “дин фалсафаси” шаклидаги мафкура катта аҳамият касб этган. Мафкура тушунчаси XVIII асрда вужудга келган мафкуранинг дунёвий турини тушунишга уринишга жавоб сифатида юзага келди. Маърифат даврининг мутафаккирлари жамиятнинг қандайdir тузилиши борлигини, у дин шаклида бўлиб, кейин диний бўлмаган шаклдаги тизим билан алмаштирилишини олдиндан сезишган. Ушбу жараённинг сезги орқали англанишининг натижаси ўлароқ, “мафкура” тушунчаси пайдо бўлди.

Мафкура нафақат индивидларнинг дунёқарашини шакллантирадиган назарий таълимот, индивидлар хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини идора қилувчи куч, булки бу жамиятнинг яхлит, бутун, мураккаб тузилишидир. Мафкура жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий таркиби ва соҳалари билан шунчаки бир қаторда турмайди, балки жамиятнинг ҳаёт фаолиятининг юқорида саналган барча соҳаларини белгилайди. Жамиятнинг мафкуравий тузилиши барча бошқа тузилмаларга кириб боради, уларнинг “ижтимоий тўқимаси”га ўрнашиб олади. Шунинг учун уни инсон организмининг асаб тизими билан таққослаш мумкин. Мафкуранинг моҳиятини жамиятнинг мафкуравий тузилишига ўхшаш тарзда бундай тушуниш бизнинг мафкура тўғрисидаги тасаввурларимиз аввалги мафкурапастларнинг ишларида келтирилган тасаввурлардан фарқ қиласди. Қисқача айтганда, мафкура – бу авваламбор, жамиятнинг ижтимоий соҳа ва тузилмаларининг шаклланиши ва ривожланишини белгилайдиган билимлар ва қадриятлардир.

Дунё мафкуралари қуйидаги ўзига хос жиҳатлар ва хусусиятларга эга: мафкуралар доимо дунёнинг яхлит манзарасини тасвиirlаб берган ва унда инсоннинг бу дунёдаги ўрни ва ролига урғу берган, мафкуралар доимо ўзидан аввалги аждодлар эгаллаган билим ва қадриятларни бир жойга жамлаган. Мафкуранинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, ҳукмрон мафкура жамият ҳаётининг турли соҳаларида эришилган билимларни умумлаштиради ва инсон хулқ-атворига туртки беради, ҳаракатга келтиради ва йўналтиради, шу билан бирга, жамиятдаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларини бирлаштиради. Мутахассислар мафкуранинг ўзига хос хусусиятларидан ташқари, унинг билишга оид, баҳоловчи, бирлаштирувчи, тартибга солувчи, ҳимоя қилувчи, футурологик ва бошқа қатор функцияларини ажратиб кўрсатадилар. Шунингдек, мафкуранинг хоссалари ва функцияларидан ташқари, унинг назарий, ташвиқотга оид, одатий, психологик ривожланиш даражаларини ҳам алоҳида таъкидлайдилар. Мафкура муайян мақсадга хизмат қиласиган тизимлаштирилган таълимот сифатида ўзида битта мақсадга йўғрилган, умумий ғоя билан суғорилган ягона бутунликни

ифодалайди.

Мафкура – бу шунчаки мафкуравий таълимот эмас, балки бутун жамиятнинг мафкуравий тузилишидир, уни Олам, инсон тўғрисидаги, индивидларнинг коинотдаги ўрни ва роли, дунёда шахс ҳётигининг мазмуни ҳақидаги фалсафий, илмий, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, социологик билимлар ва қадриятлар сифатида таърифлаш мумкин. Шу билан бирга, мафкура жамият келажагини энг яхши тарзда қурилиши тўғрисида тасаввур ҳам беради. Мафкуравий билимлар ва қадриятлар жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида шахсларнинг фаолиятини ташкиллаштиради, бошқаради, йўналтиради ва жамлайди, тамаддунда бир турли мафкурага эга мамлакатларни бирлаштиради.

Мафкура билан шуғулланувчи ташкилотлар мафкуравий таълимотларни ишлаб чиқади ва шахсларнинг онгиға сингдиради, жамиятдаги ижтимоий тузилмалар ва турли ҳокимиёт тармоқларининг фаолиятини назорат қиласи. Мафкуравий тузилма барча ижтимоий соҳалар билан бирга ҳаракатланиб, мафкура ва жамиятнинг ўзаро илғор ривожланишига олиб келади. Умуман, мутахассислар мафкуранинг таркибидаги 40 та унсурларни алоҳида қайд қилиб, уларга асосий мафкуравий таълимотдан бошлаб, то мафкуравий предметлар ва иншаотларгача, шу жумладан, мафкуравий таъсир ва мафкуравий ташкилотлар тизимини ҳам ўз ичига оладиган жиҳатларни киритадилар.

Инсоният тарихида мафкураларнинг шаклланиши ва ривожланишининг бир қатор асосий босқичларини босиб ўтди. Бу борада илк босқич – мафкуранинг яралиши, шаклланишидир. Кейинги босқич – мафкуравий ғояларнинг тарқалиши, эски мафкуралар маддоҳлари билан янги мафкура учун курашиш давридир. Навбатдаги босқичда мафкура ҳукмрон ёки давлат мафкураси мақомини олди, жамиятнинг янги мафкуравий тузилмасини ташкил қилди. Бу юксалиш даври, халқ оммасининг мафкуравий жўшқинлиги даври ҳисобланади. Навбатдаги босқич – мафкура ва жамиятнинг ўзаро жадал ривожланиши бўлиб, у жамиятнинг мафкуравий тузилишининг инқизози ва модернизациялашуви, ислоҳ қилинган ҳукмрон мафкуранинг янги тўлқини вужудга келишига шароит яратди. Шунингдек, мафкуралар тарихида ҳукмрон мафкуравий доктринанинг асосий тамойилларининг имкониятларини ишлатиб тамом қилиши ва бир вақтнинг ўзида, жамиятнинг ҳаракатдан тўхтаб қолиши босқичи, турғунлик даври ҳамда унинг жамиятнинг ўзгарган шароитларига тўлиқ мос келмаслиги босқичидир. Бу давр аввалги мафкуравий тузилишга асосланган мафкура ва жамиятнинг таназзулга юз тутиши даври ва бир вақтнинг ўзида, янги мафкуруни излаш ва яратиш давридир.

Инсоният тарихида мафкуралар хилма-хиллигидан уларнинг

асосий шаклларини ажратиш мумкин. Мутахассислар томонидан билимларнинг турлари бўйича қуидаги таснифланади:

- ибтидоий жамиятларга хос интеграл ёки мифологик шаклдаги;
- ўзида турли таркибий элементларнинг фарқланишини назарда тутадиган дифференциал шаклдаги;
- қисман билимларга асосланган қисман шаклдаги;
- дунё ва унда инсоннинг роли ҳақидаги бир бутун билимларга асосланган яхлит шаклдаги;
- асосий (негиз) тамойилларнинг ривожланишига ва уларни янгиларига алмаштирилишига йўл қўймайдиган қотиб қолган шаклдаги;
- қотиб қолмаган, доимий ривожланишдаги мафкура;
- сохта қадриятлар устунлик қилган утопик шаклдаги;
- билимлар устувор, утопик бўлмаган шаклдаги мафкура.

Мафкураларнинг ташкил топиш усули бўйича қуидаги шаклларини ажратиш мумкин:

- марказлашган, ягона марказдан идора қилишни кўзда тутадиган;
- марказлашмаган;
- тоталитар, тоталитар сиёсий тартиботларга хос;
- тоталитар бўлмаган;
- мафкуравий қадриятлар куч билан сингдириладиган мажбурий шаклдаги;
- мажбурий бўлмаган шаклдаги.

Мафкуравий таъсирининг ҳажми ва қамрови бўйича қуидаги шаклларни кўрсатиш мумкин:

- индивидуал, мафкуравий таълимотнинг яратилиши босқичида мафкуранинг яратувчиларига хос;
- грухга оид, битта мафкура тарафдорларининг бир грухига хос;
- партиявий;
- синфий;
- миллий;
- давлат мафкураси;
- тамаддунга оид;
- умуминсоний шаклдаги.

Дунё мафкураларининг ривожланиш тарихида мафкураларнинг бошқа турларини ҳам ажратиш мумкин:

- синкетик қўринишдаги мафкура. Ибтидоий жамиятда мафкуравий ва уруғ-қабилавий ҳукмонлик қўшилиб кетади;
- бирлаштирувчи ёки бириктирувчи мафкура. Қатор қадимги жамиятларда мафкуравий ва давлат ҳокимияти бирликда юзага чиқади, лекин қўшилиб кетмайди;
- ҳам мафкура ҳукмонлиги, ҳам давлат ҳокимиятининг биргаликда мавжуд бўлишини тақозо этадиган тенг аҳамиятга эга қўринишдаги мафкура;
- давлат мафкураси. У давлатнинг ҳокимлиги мафкура

- ҳокимлигидан устун бўлган жамиятларга хос;
- ҳукмрон мафкура ёки мафкуранинг идеократик тури. Айрим жамиятларда мафкуравий ҳокимлик давлат ҳокимлигидан устун бўлади, булар идеократик жамиятлардир.

Инсониятнинг узоқ тарихида мафкуранинг қуидаги тарихий шаклларини ажратиш мумкин:

- дингача бўлган;
- дингача бўлган-анимистик, яъни эмпирик билимлар ва турли руҳлар шаклидаги илоҳий тасаввурларнинг уйғунлигини назарда тутадиган;
- соф анимистик, бу фақат руҳларга ишонишни назарда тутади;
- анимистик-теистик – руҳларга ва бир вақтнинг ўзида, худоларга эътиқодни уйғунлаштирган мафкура;
- фақат худоларга эътиқод қилишни кўзда тутадиган диний ёки теистик турдаги мафкура;
- диний-дунёвий – бу мафкура диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлигини тақозо этади;
- дунёвий мафкура. Ушбу турдаги мафкуранинг ўзига хос жиҳати дунё, жамият ва инсон ҳақидаги тасаввурларнинг илоҳийлаштирилмаганидир.

Инсоният ривожланишининг турли тарихий даврларида мафкураларнинг турли турлари, шакллари ва кўринишларининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаси сифатидаги турли тарихий вазиятлар юзага келган. Мафкураларнинг тарихий даврга боғланиши ва ўзаро биргаликдаги ҳаракати - муросасиз кураш, тинчлик-осудалик, ўзаро ривожланиш ва бир-бирини бойитиш ва бошқа турли шаклларда бўлган.

Бу борада палеолит, мезолит, неолит даврида юзага келган дин пайдо бўлгунича, анимистик, диний мафкуралар кўринишидаги мафкуравий вазиятлар, Қадимги дунё мамлакатларида анимистик, диний ва диний-дунёвий мафкуралар турларининг боғланиши сифатидаги мафкуравий жараёнлар, кейиги даврлардаги турли диний мафкураларнинг ўзаро ҳаракати ёки кейинчалик рўй берган диний, диний-дунёвий ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро боғлиқлиги жараёнларини кузатиш мумкин.

Хозирги мафкуравий вазият ўзида дунёдаги мавжуд турли диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро бирлигини ифодалайди. Масалан, дунёвий мафкуралар ўртасидаги ўзаро бирлик (неолиберал, неоконсерватив, социал-демократик) нафақат ҳамжиҳатликда мавжуд бўлишни, балки Ғарб тамаддунининг либерал-демократик мафкураси доирасида бир-бирини бойитиш, ўзаро ривожлантириш характеристига эга. “Совуқ уруш”да ушбу мафкуранинг ғалабаси АҚШнинг жаҳонда ҳукмрон мафкурага асоссиз эътиrozларини келтириб чиқарди. Хозирги вақтда ҳамма жойларда, бир томондан, ғарбий либерал қадриятларни, бошқа томондан эса – эски диний

мафкураларнинг тикланишига уринишлар содир бўлмоқда. Дунёning замонавий мафкураларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати жараёнида кўпгина мафкуралар қадриятларининг эскириши ва йўқолиб кетиши юз беради. Ҳозирги вақтда замин тамаддунининг глобаллашуви жараёни боряпти ва бунда дунёning яхлит мафкурасини яратиш муаммоси юзага келмоқда.

Инсонпарвар жамиятда барча тузилма ва соҳалар шундай ўзгариши керакки, бунда инсон жамиятнинг барча жабҳаларида билимлар ижодкори сифатида шакллансин ва ривож топсин, яъни жамиятни инсоннинг ижодий моҳиятига мувофиқ қарор топтириш лозим. Бунинг учун инсон меҳнатини ўзгартириш, унда фақат соф инсоний фаолиятни қолдириш зарур. Бу – маънавий, ижтимоий-сиёсий, моддий ишлаб чиқаришларни қайта қуриш жараёнида илмий, бошқарув, технологик фаолиятларнинг ижод билан боғлиқ бўлмаган барча турлари компьютерлашган ва роботлаштирилган тизимларга ўtkазилиши, инсонга эса фақат соф инсоний фаолият, яъни янги билимларни ишлаб чиқаришга қаратилган ижод қолишини англатади. Инсонпарвар жамиятда маънавий ва моддий бойликнинг чамбарчас уйғуналиги, шунингдек, индивидлар, давлатлар ва тамаддуналарнинг адолатли тенглиги амалга оширилади.

Жамиятнинг демократик ўзгаришлари жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳаларнинг турғуналиги ва барбод бўлиши юз бермоқда. Ижтимоий тузилмалар ва соҳаларнинг ишлаши издан чиқиб кетди. Коррупция, олигархия, янги бюрократик давлат элитасининг кўпайиши, мафиоз тузилмаларнинг ташкил топиши, бизнеснинг жинойлашуви, мамлакат хомашё ресурсларининг талонтарож бўлиши ана шундай салбий жараёнларнинг натижасидир.

Ислоҳотлар жараёнида айrim қўшни мамлакатларда демократлар совет жамиятидан қолган мафкуравий тузилмасини барбод қилдилар, лекин унинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдира олмадилар, яъни улар янги демократик мафкурани на яратмадилар ва на жорий этмадилар. Жамиятнинг барча ресурслари иқтисодиётни ривожлантиришга, эркин бозорни яратишга, жамиятнинг энг асосий мақсади ва қадрияти баркамол шахсни шакллантириш эканлигини унутмаган ҳолда, унинг муносиб яшаши ва турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратишга сафарбар этилмоқда.

Албатта, мафкуравий қадриятларсиз жамият яшай олмайди, бинобарин, у ана шу қадриятларга асосланади. Шунинг учун миллий хусусиятга эга социалистик қадриятлар ўрнига ғарбий либерал қадриятларни сиёсий ва ҳуқуқий технологиялар даражасида жорий этишга киришишди, зеро маълумки, назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ягона, бир бутун мафкура бўлмас экан, ҳукмрон давлат тузилмалари амалий характердаги сиёсий ва ҳуқуқий мафкурани ишлаб чиқа бошлайди ҳамда шу асосда ижтимоий жараёнларни бошқара бошлайди.

Келажақдаги инсонпарвар жамиятнинг энг асосий асоси, олий мақсади сифатида жамиятнинг барча соҳа ва тузилмаларида инсоннинг билимлар ижодкори сифатидаги ижодий моҳиятининг рўёбга чиқарилиши хизмат қиласи. Қачонки, маънавий ва моддий бойлик уйғунликда ривожлансагина (албатта, янги жамиятнинг ривожини белгиловчиси сифатида маънавий бойликни устун қўйган ҳолда), инсонпарвар жамият ҳақиқий инсоний жамият бўлади, у Олам, жамият, инсоннинг аввалги бутун эволюциясининг натижаси ҳисобланади. Бундай жамиятда инсоннинг ижодий моҳиятини тўла, ҳартомонлама, яхлит очиб бериш кўзда тутилади.

Келажакда инсонпарвар жамиятда инсоннинг билимлар ижодкори сифатидаги ижодий моҳияти тўла, умумий ва яхлит шаклда очилади. Инсоннинг қисман эмас, тўла ўзини намоён қила олиши шуни тақозо этадики, меҳнатнинг ижодий мазмуни ҳукмон ҳисобланади, яъни индивиднинг фаолияти фақат ижодий фаолият бўлади, ижодиёт шахс ишининг жараёнида белгиловчи хусусиятга айланади. Шахс ҳаётида ижодий фаолият устун бўлиши жараёнида инсоннинг ижодий моҳиятининг тўлиқ очилиши амалга оширилади.

Ислоҳотчилар томонидан издан чиқарилган, бузиб кўрсатилган жамиятни ўзгартира оладиган куч – бу инсонпарвар мафкура, аниқроғи, давлатнинг инсонпарварлик мафкурасига асосланган янги мафкуравий тузилмасидир. Инсонпарварлик мафкураси ўзида, аввалимбор, инсонийликка хоч билимлар ва қадриятларни ифода этади, улар жамиятни ўзгартиришда асос бўлиб хизмат қиласи. Шунингдек, диссертация ишида шаклланаётган жамиятнинг мафкуравий тузилиши асосида янгиланган ҳаёт фаолиятининг маънавий-маданий соҳаси, давлат тузилмалари, иқтисодий соҳаси, ижтимоий ва оиласвий-турмуш соҳасининг инсонпарварлик руҳида ўзгариши амалга оширилади.

Бу шуни англатадики, келажакда инсонпарвар жамиятда барча соҳа ва тузилмалар шундай ўзгариши керакки, бунда жамиятнинг барча жабҳаларида инсон билимлар ижодкори сифатида шаклланади ва ривожланади, яъни жамиятни инсоннинг ижодий моҳиятига мувофиқ тарзда яратиш, қуриш зарур. Бунинг учун инсон фаолиятини ўзгартириш, инсоннинг фақат соф ижодий меҳнати қоладиган қилиб ўзгартириш лозим. Бу келгуси жамиятнинг маънавий ишлаб чиқаришини қайта қуришда маънавий меҳнатнинг барча ижодий бўлмаган турлари эркин маънавий ишлаб чиқаришда банд бўлган инсоннинг ижодий фаолияти учун хизмат қиладиган компьютер тизимларига узатилади деганидир. Маънавий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқаришда инсонда фақат инсонга хос, билимлар ва маънавий қадриятларни ишлаб чиқарадиган ижодий фаолият қолади. Худди шундай, ҳокимиётдаги бошқарув фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзгариши юз беради. Ижодий бўлмаган бошқарув меҳнати аста-секин ижтимоий жараёнларни автоматлаштирилган тарзда

бошқариш тизимларига (АБТ) ўтади. Қисман бошқарув меҳнатининг АБТга ўтиши билан ҳақиқий яхлит инсонга хос ижодий бошқарув фаолияти ривож топади. Инсонпарвар эжамиятнинг моддий ишлаб чиқариши шундай ўзгарадики, натижада билимларни ишлаб чиқармайдиган ноижодий фаолият ёпиқ технологик жараёнлар кўринишида ишлайдиган машиналарга узатилади. Моддий ишлаб чиқаришнинг ижодий соҳасида ишлаётгган шахсда эса, фақат янги технологияларни яратишга йўналтирилган ижодий фаолиятнинг ўзи қолади.

Умуман, жамиятнинг қайд этилган барча соҳаларида инсонпарвар мафкура билимлари ва қадриятлари асосида кескин, тубдан қайта қуриш амалга оширилмоқда. Авваламбор, жамият ҳаётининг инсонпарвар жамиятнинг олий мақсадига, яъни шахсни билимлар ижодкори сифатида шакллантиришга мувофиқ қайта йўналиши юз беради, албатта, маънавий бойликка устуворлик берилгани ҳолда маънавий ва моддий бойликнинг уйғунликда ривожланиши шарти билан. Демак, жамиятни инсоннинг ижодий моҳиятига мос равишда яратиш, қуриш лозим. Инсонпарвар шахс маънавий ва моддий жиҳатдан бой, шунингдек, жисмонан соғлом шахс сифатида шаклланади. Шахс ривожланишида маънавий бойлик инсон ишлаб чиқарган билимлар туфайли, моддий бойликнинг асоси сифатида устувор аҳамият касб этади.

XVIII аср охиригача “мафкура” деган тушунча мавжуд бўлмаган. Албатта, жамиятнинг мафкуравий тузилмаларининг мафкураси тушунчасини онгли равишда киритилгунга қадар уларни қадимги, ўрта ва янги жамиятларда ўрганиб чиқилган, лекин бошқа атамалар билан номланган. Азал-азалдан мафкуранинг тарихий тури диний мафкура бўлгани учун, дин тўғрисидаги таълимотлар диний шаклдаги мафкурапастликни ифодалаган. Қоидага кўра, бу таълимот теология таркибиға кирган. Мафкуралар тўғрисидаги таълимотларда “дин фалсафаси” тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. “Мафкура” атамасининг онгли равишда киритилишига француз мутафаккири Дестют де Траси сабабчи бўлган, у “илк мафкурачилар” гурӯхини тузган. XIX асрнинг биринчи ярмида мафкура деганда, сохта онгга асосланган таълимотни тушунишган. Мафкура тушунчасини сохта онг мафкураси сифатида баҳолаш, аввало, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ярмидаги кўзга кўринган файласуфлар ва социологларга хос бўлган.

Қисқача айтганда, мафкуранинг моҳиятини, аввало, жамият ривожи ва ишлаши асосида ётган билим ва қадриятлар сифатида талқин қилиш мумкин. Мафкура – бу шунчаки мафкуравий таълимот эмас, балки бутун бир жамиятнинг мафкуравий тузилиши, унинг ўзига хос “мияси ва тарқалиб кетган асаб тизими”дир. Мафкуранинг моҳиятини тадқиқ этишда дунё мафкураларининг функциялари ва ривожланиш даражаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мафкуранинг асосий функцияларига билишга оид (мафкура шаклларида билиш ва олинган билимнинг тизимлашириш амалга оширилади), баҳолашга оид (мафкуравий таълимотларда жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва сиёсий қадриятларига баҳо берилади), тартибга солишга доир (мафкура индивидлар ва кишилар гуруҳининг хулқ-авторини тартибга солади). Бу функциялардан ташқари, мафкуралар дастурий-мақсадли, бирлаштирувчи ва ҳаракатлантирувчи функцияларга эга. Футурологик функция ҳам катта аҳамиятга эга, чунки мафкуралар доимо жамиятнинг келгусида ривожланиши ҳақида тасаввур беради. Мафкура ташкилот, бошқарув тамойилларини белгилайди, шу билан бирга, жамият ривожини назорат қилишни амалга оширади.

Мафкуранинг функциялари қаторида мафкураларни ривожлантириш даражаларини ажратиш лозим. Назарий даража у ёки бу мафкуранинг асоси ҳисобланган фундаментал билим ва қадриятларни ишлаб чиқиш ва шахслар онгига сингдиришни назарда тутади. Мафкуранинг иккинчи даражаси умумий қабул қилинган мафкуравий қадриятларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан боғлиқ. Бу даража кўпинча оммавий мафкуравий ташвиқот билан айнанлаштирилади. Мафкуранинг учинчи даражаси эса, мафкуравий қадриятларнинг одатий мафкуравий тасаввурлар ва қарашлар даражасида шаклланиши ва ишлашини тақозо этади. Шунингдек, ҳар қандай мафкуравий тизимда мафкуравий психология сифатида таърифланадиган мафкура даражаси мавжуд. Бу даражага мафкурага оид ҳис-туйғуларни киритиш мумкин.

Айтиш мумкинки, мафкурани ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишда жамиятнинг мафкуравий тузилишини таҳлил қилиш алоҳида ўринга эга. Мафкура тузилишини олам, жамият, инсон, индивиднинг дунёдаги ўрни ва роли, дунёда шахс умрининг мазмуни ҳақидаги фалсафий, илмий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий билимлар ва қадриятларнинг аниқ тарихий яхлит тизими сифатида таърифлаш мумкин. Мафкура – бу ижтимоий соҳаларнинг қарор топиши ва ривожланишини белгилайдиган билим ва қадриятлар. Мафкура, шунингдек, жамият келажагининг дунёнинг барча фуқаролари интилиши лозим бўлган энг яхши қурилиши тўғрисидаги тасаввурдир. Мафкуравий билимлар ва қадриятлар жамият ҳаётининг маънавий, давлат, иқтисодий, ижтимоий ва оила-турмуш соҳаларида шахсларнинг фаолиятини ташкил қиласи, тартибга солади, йўналтиради ва бирлаштиради, бир турли мафкурага эга мамлакатларни бирлаштиради, Шарқ, Ғарб, Жануб тамаддулларининг ижтимоий минтақалари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни йўналтиради, Ер шарининг ижтимоий яхлитлигини таъминлайди.

Умуминсоний мақсад - ўзида нафақат ғарбий, балки

умуминсоний, асосан, либерал инсонпарвар қадриятларга асосланган бутунсайёра умуминсоний тамаддунини ёки глобал инсонпарварликни қуриш мақсадини мужассамлаштирган янги умумлаштирувчи дунё мафкураси зарур. Бу инсонпарварлик мафкураси жамиятни шундай шакллантиришни назарда тутадики, унда инсон фаолиятини автоматлаштириш, компьютерлаштириш ва роботлаштириш асосида инсонга табиат томонидан инъом этилган ижодни, яъни инсоннинг ижодий моҳиятини тўлиқ очиш учун барча шарт-шароитлар яратилади. Инсонпарвар мафкурада индивидларнинг ижодий қобилияtlарини рўёбга чиқариш учун маънавий бойлик юқори қўйиладиган жамият тузилиши кўзда тутилган. Шунингдек, инсонпарвар мафкура нокапиталистик ва носоциалистик, ўзида жамоавийлик ва индивидуализмни уйғуллаштирган янги жамият бўлишини тақозо этади. Бу ўзида Шарқнинг жамоавийлиги ва Ғарбнинг индивидуаллигини уйғун ҳолда мужассамлаштирган жамият бўлади, бунда уларнинг ҳеч бири мутлақлаштирилмайди, лекин асосийси – Шарқ, Ғарб ва Жанубнинг индивидлари, мамлакатлари, маданиятларининг адолатли тенглиги ўрнатилган жамият тузилади.

### **Мафкуранинг ижтимоий-фалсафий таҳлили**

Ижтимоий фалсафада мураккаб тарихий тақдирга эга бўлган тушунчалар кам эмас. Бироқ хатто шундай турли туманликда ҳам “мафкура” тушунчаси ҳам кенг қўлланилиши билан, ҳам ўзидаги ёрқин ўзгаришларнинг мутлақлиги билан ажralиб туради. Яқиндагина қўпчиликка “Мафкура” тушунчаси ва сўзи умуман истеъмолдан чиққан мафкура назариясининг ўзи эса фан томонидан рад этилган концепциялар архивига топширилгандек кўринар эди, аммо бирданига ижтимоий фикр худди сехрлаб қўйилганидек яна шу тушунчага мурожаат қилди. Мурожаат қилганда ҳам “мафкура” тушунчаси ва ундан фойдаланиб ёзилган мақолалар, китоблар ва мунозаралар ижтимоий онгнинг, ижтимоий фанларнинг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда кескин кўпая бошлади. Бунинг оқибатларини эса қўриб турибмиз. Сиёсий воқелик ва сиёсий-иктисодий амалиёт соҳасида ушбу сўзнинг ишлатилишига эътибор қаратилмаганида ҳам бутун XX аср давомида мафкура тушунчаси ўта нуфузли мутаффакирлар томонидан қўлланиб келингланлигини ва ҳунузга қадар турли маъно ва мазмунда ишлатиб келинаётганлигини осонгина илғаб олишимиз мумкин. Бу эса сиёсиф-фалсафий тафаккурда вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш зарурлигини кўrsатмоқда.

Бунинг оқибатлари яққол кўриниб турибди. Аммо унинг сабаблари тўғрисида ҳам бош қотириш зарур. Бунга қўл уришдан олдин эса яна бир яққол кўриниб турган нарсани таъкидлашимиз

жоиз: мафкура муаммосининг долзарблигини рад этиш ҳеч кимнинг калласига келмайди. Шундай бўлсада, буларнинг барчаси мафкура тушунчаси атрофида вужудга келаётган муаммолар калавасиничуватиш учун унча яроқли эмас, балки аксинча ўзининг ташки назарий юкланганлик мұхитида портлаш хатари бўлган вазият туфайли бу муаммони назарий ривожлантиришни кескин мураккаблаштириб юбормоқда. Шу боис “мафкура” тушунчасининг назарий масалаларини ойдинлаштириш борасидаги кичик қадамлар ҳам ўта мушкуллик билан қўйилмоқда: назарий таҳлил йўлидаги ҳар битта бурилишда бартараф этиб бўлмайдиган ақлга зид ҳодисаларнинг боши берк кўчасига кириб қолиш хатари вужудга келмоқда. Шунинг учун билимнинг ушбу соҳасидаги эҳтиёtkорона ҳаракат – аввал бошданоқ муаммоларнинг назарий тўғри қўйилишини талаб қилувчи ҳаракат мафкурани тадқиқ қилиш назарий истиқболларининг барча чуқурликларини тушунишга яқинлашишнинг ягона усули деган ишончни орттиromoқда.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки “Фан ва мафкура” ўртасидаги тугалмас бўлиб кўринган бахсни шубҳасиз воқеликни ўзи ҳал қиласди. Аммо бундан олдинги таҳлилдан келиб чиққан умумий ижтимоий ёндошув мафкура назариясининг бош келишмовчиликларини бартараф этиш жараёнида барча бошқа жиҳатлардан афзал кўринган жиҳат – бу скептик мақсадга муносиблик ва танқидий скептицизм ёндошувидир.

Айни пайтда постмодернизм инқирози ва асрлар ўртасидаги ижтимоий вазият натижасида яна ҳаётга қайтарилган мафкура назарияси тикланиш жараёнида турибди. Шунга боғлиқ ҳолда мафкура муаммосининг тарихини ҳар томонлама тафтишдан ўтказиш, XX аср ижтимоий фалсафасида шаклланиб улгурган муаммоларни қайтадан кўтариш ҳаётий мұхим бўлиб кўримоқда ўтган аср давомидаги фикрлардан пайдо бўлган назарий мунозаралар маъносида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фақат янгиланган истча анъана, буни шартли равишда трансистча анъана деб айтиш мумкин, яъни ўз қадриятида умум эътироф этилган истча тузилишни сақлаб қолган, ҳамда бир вақтнинг ўзида “изм”лар ривожидаги мафкурий бузилишларни бартараф этган ҳолда мафкурий назарияни ҳақиқий илмий таракқиётнинг янги босқичига олиб чиқиш мумкин.

“Мафкура” тушунчасининг таҳлили бу маънода шундай холосага келиш имконини берадики, киши ўзининг мафкуравий ёндошувларини, ҳам умуман жамиятнинг мафкуравий таъсирини ўта пухта хиссий таҳлилдан ўтказгандагина илмий билимга эришиш мумкин. Бундай ёндошувдаги мафкура тушунчаси буни илмий тушуниш учун фақат тадқиқотчи ҳам ўзининг ҳам мафкуравий фикрлари ҳам умуман жамиятдаги мафкуравий тасвирини пухта хис қилган ҳолда таҳлилдан ўтказишиш мумкинлиги ҳақидаги холоса

олиб келмоқда. Файласуфнинг ҳолис бўлмаган содда-партияйий ёндошуви ретроспектив таҳлилда яққол кўринадиган муаммоларни ҳам кўришга имкон бермайди. Илмий дискурсдаги мафкуравий бегоналикни тўла бартараф этишнинг имкони йўқ. Бироқ хис қилиш илмий ҳақиқатга давогарликни сақлаб қолишга имкон беради. Шу аснода диссертант таъкидлаганидек, ижтимоий-фалсафий тадқиқотларда мафкура муаммосини кўздан қочиришга уринишлар жамиятнинг “қандай бўлса ўшандайлигича” тасвирини олишга имкон бермаган ҳолда кўпинча бундай турдаги афсуски ҳозирги замонавий, ижтимоий сиёсатшунослик ва фалсафий тафаккурдаги кўрлиқда мафкуравий уриниш борлигини кўрсатмоқда.

“Мафкура” тушунчасининг таҳлили биринчидан, билимлар тизими тўғрисидаги, иккинчидан ижтимоий ҳаракатга йўналтирилган дунёқарашнинг бир қисми сифатидаги ва учинчидан, ижтимоий амалиётга киритилган ҳаракатга бевосита раҳбарлик сифатидаги мафкура тўғрисидаги тасуввурни ривожлантиришга имкон беради. Маъноларнинг бундай фарқланиши туфайли мафкурага диалектик тарихчилик нуқтаи назаридан қараш имконияти пайдо бўлади. Яъни мафкуранинг ҳаётпарамтликдан ҳукмронлик давригача бўлган босқичларини ажратиб кўрсатишга имкон яралади.

Мафкурани тадқиқот мавзуи қилиб танлаганимизнинг сабаби қадриятларнинг ижтимоий бозорида ушбу муаммога қизиқиш ортиб бормоқда. “Янгича” мафкура яратишга давлат томонидан буюртма ҳам мавжуд. Мафкурани ишлаб чиқиш мафкурачиларнинг касбий ишидир. Муаммони, унинг мантиқини, унинг тарихини тафаккурдан ўтказиш ва келажак авлоднинг олдидағи масъулиятни эслатиб туриш файласуфнинг касбий ишидир.

Д.Белленинг “Мафкуранинг хотимаси” тўғрисидаги фарази XX аср ўрталаридағи маънавий маданиятга ўта кучли таъсир кўрсатди. Мафкура хотимаси тушунчасининг ўзи 1946 йилда Альберт Камью томонидан адабий тилга олиб кирилган эди. Бироқ ўша вақтда мафкурани “тубан сўз ва гуноҳ иш” деб ҳисоблангани учун у қадар долзарблашмади.

Мафкуранинг ўзи нима? Нима учун мафкура фақат давлат таянчига айланибгина қолмасдан дунёқараш билимларининг фундаментал категориясиға XX аср тимсолига айланмоқда?

Гуманистик ғояларнинг баландпарвоз охангларига берилиб кетган ҳолда биз хомҳаёлларга дучор бўлмаслигимиз лозим. Шуниси ҳам борки, мафкуравий хомҳаёллар мавжуд ижтимоий муносабатларнинг акс этишидир. Мафкурача ҳазилкаш рассом сингари кескин чизиқлар ва бир-бирига зид ранглардан фойдаланган ҳолда ҳаётни бўрттириб тасвирлайди, нима бўлганда ҳам ҳаётни тасвирлайди.

Мафкура сўзи атрофидаги муносабатлар тушунчани ўзидағи чалкашликларни янада кучайтриб юборади. Масалан, айримлар Адам

Смитни мафкурачи деб ҳисоблаган, у эса ўзини олим деб ҳисоблаган. Яқин вақтларга қадар ҳам биз илмий (истча) илмий бўлмаган (буржуазия) ҳақида сўз юритган бўлсак, эндиликда мафкуранинг мавжудлигини рад этмоқдамиз. 25 йиллар олдин ўта кўп тақорорланадиган бу сўз бугунги кунда ўрта умумтаълим мактаблари, лицейлар ва гимназиялар учун тавсия қилинаётган дарсликлар луғатида учрамайди. Бу дарсликларнинг муаллифлари давлат, ҳокимият, демократия, эркинлик, маргиналлик, харизма, миллатчилик ва бошқа кўпгина тушунчаларни изоҳлашга уринган ҳолда “мафкура” сўзини хатто ишлатмайдилар. Агар биз ўзимизга “ёқмайдиган” ижтимоий ҳодисалар ва институтларни тасвирлашдан қочадиган бўлсак, жамият табиатини очиб бера олишимизга умид қилишимиз мумкинми?

Мафкура ҳодисасининг мураккаблиги унинг табиати ўзига хослигидан келиб чиқади. Мафкура – бу доимо шахслар, ижтимоий грухлар манфаатларининг турли-туман йўналишларига эга эканлигини кўрсатувчи, талқин қилиб берувчи онгдир. Мафкура жамиятнинг моддий ҳаёти, ижтимоий ва шахсий онг ўртасидаги алоқаларни ўрнатади. Мафкура қадриятли хусусиятга эга ва жамиятдаги қадриятларнинг рақобатлашувчи йиғиндисини акс эттиради. Сиёсий мафкуранинг функцияларидан бир ижтимоий тартиб устидан стратегик назоратни олиб боришидир. Мафкура муаммоси барча ижтимоий-сиёсий фанларни ўз атрофига тўплайдиган концептуал ва дунёқараш негизи сифатида юзага чиқади.

Муаммога ижтимоий-фалсафий ёндошувнинг долзарблиги бир қатор вазиятлардан: биринчидан, жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлардан келиб чиқмоқда. Булар мафкура мансуб бўлган бир қатор фундаментал муаммоларни янгича ёритишни тақозо этмоқда. Мафкура муаммосини аввалги амалга оширилган фалсафий-ижтимоий ишланмалари расман ҳукмрон бўлган ижтимоий назария доирасидан ташқарига чиқмаган, чунки бу назариянинг ўзи мафкура эди; иккинчидан, жамиятдаги диний миллий ва геосиёсий зиддиятларнинг ортиб боришига қараб мафкуранинг аҳамияти ҳам ошмоқда; учинчидан, мафкура муаммосининг мазмуни ва мақоми Гарбдаги ва мамлакатимиздаги фалсафий фанда ҳар хил тасвирланган. Бу энг аввало, тадқиқотчиларнинг турли-туман дунёқарашлари қадриятли – мафкуравий ва сиёсий ёндошувлардан келиб чиқади. Шунинг учун турли қарашлар, назариятлар ва фаразларни таққослаш бизнинг фикримизча илмий заруриятдир. Мафкура асосларини излаш акс этган янги илмий фаразларни шакллантириш ўрганаётган мавзуимиз тўғрисидаги бизнинг тасаввурларимизни кенгайтиради ва долзарблаштиради; тўртинчидан, фан ва технология бизнинг ҳаётимизда инқилоб ясади.

Ҳозирги юз йиллик бошлангандан бери ижтимоий ўзгаришларнинг суръати кескин ошди, сиёсий, бадиий, илмий ғоялар ва шу билан биргаликда ижтимоий институтларнинг бирлашуви юз берди. Дунёга тизимли қараш ҳукмрон бўлиб қолди. Бироқ бизнинг ҳаракатларимиз ҳанузгача тарихий хотира ва анъаналардан эмас, балки мафкурадан келиб чиқмоқда. Мафкура – бу ижтимоий ҳодисаларнинг “табиий” таркибий қисми, “ижтимоий тузилмаларни бир-бирига бирлаштирувчи елимдир”.

Кишиларнинг дунёқараш тажрибаси шаклларидан бири сифатидаги мафкуранинг ўзига хосликларини аниқлаш зарурати пишиб етилди. Шу боис фалсафий, мифологик ва диний дунёқарашлар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқларни тадқиқ қилиш алоҳида қизиқиш уйғотмоқда; бешинчидан, коммуникатив – ахборотлашган жамиятдаги мафкура – бу ўзига хос механизmdir. Шунинг учун ўзига хослиги сездирмай таъсир этиш қудрати ва ҳукмронлик вазифаси, оммавий онгга таъсир кўрсатиши ҳам алоҳида изоҳларни тақозо этмоқда; олтинчидан бизнинг онгимизни шаклантирувчи ва ўзгартирувчи энг фаол омиллардан бири бу – тилдир. Тилнинг онг “яратиш” ва “унга ишлов бериш” функцияси сиёсий мафкуравий тилда ёрқинроқ кўзга ташланади.

Мафкура ва сиёsat тили файласуф учун тилшуносга нисбатан ҳам қизиқроқдир; еттинчидан, муаммонинг долзарблиги барча ўрганиш тузилмаларида мафкуранинг мавжудлигидан ҳам келиб чиқади. Мафкура ҳодисасини ўрганиш учун у нафақат ижтимоий онгда, балки шахсий онгда ҳам қай даражада ривожланганлиги борасида тасаввурга эришиши зарур. Жамиятда мафкура амал қилинишининг, унинг ижтимоий функциялари усувларини очиб бериш мафкура жамиятга хослигини ҳамда мафкурадан бутқул қутилишга ҳар қандай уринишлар бемаъно эканлиги тушунишга имкон беради.

Мафкурани тадқиқ қилиш долзарблиги ва зарурати унинг кўп функцияга эга эканлигидан ҳам келиб чиқади. Мафкура – бу унсурлари ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига сингиб кетган тизимдир, маънавий соҳада мафкура таълим тизим ва тузилмасига ҳам сингиб кетгандир. Мафкура ва таълим жамият ва инсон учун ўта муҳим функцияни - ижтимоий функцияларни адо этади.

Биз учун чегаралар муаммоси: мафкура таълим жараёни чегаралайдими ёки таълимнинг ўзи мафкурани чегаралаши мумкинми деган савол алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Мафкура ҳодисасига танқидий очиқ қарашларни яратиш шахснинг мустақил ва ижодий тафаккури шаклланишига имкон яратади. Ҳар қандай билимлар хусусан, ижтимоий билим инсон учун унинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамлигини, ҳодисаларни олдиндан била олиш кўнижмасини бир қадам олдинда юриш имкониятини таъминлайди. Шахснинг жамиятдаги иқтисодий, мафкуравий, сиёсий асосларидаги ўзгаришларга мослашуви, ижтимоий фаоллик, шахсий эркинлик

кафолати сифатида юзага чиқади. Аммо бундай эркинлик доимо жамият, давлат ва хусусан биз ўтмишимизни мерос қолдираётган болаларимиз олдидағи юксак даражада масъулиятга эгалигимизни назарда тутади.

Хориждаги ва мамлакатимиздаги файласуфлар, социологлар, ижтимоий психологиялар, сиёсатчилар, тарихчилар, лингвистларнинг ишлари тадқиқотимиз учун манба бўлиб хизмат қилди. Турли муаллифларнинг мафкура муаммосига қарашлари, ушбу тушунчага таъриф беришга уринишлари ўта турлича ва баъзан бир-бирига бутунлай зид. Баъзан очиқдан-очиқ субъектив фикрлардир. Бироқ улар шубҳасиз, қизиқиш уйғотади, чунки қарашлар ва фикрлар хилмачиллигини кенгайтиради ва бойитади.

Мамлакатимиздаги ва Ғарб фалсафасидаги мазкур муаммонинг ўрганилганлик даражаси кишиларнинг дунёқараш тажрибаси шакли сифатидаги мафкуранинг вужудга келиши, унинг асослари ва моҳияти борасида узил-кесил хulosалар чиқаришга етарли эмас, шу кунгача мафкура назариясининг ўзи кескин ғоявий (ва баъзан мафкуравий) кураш муаммосидир.

Мераб Мамардашвили ўзининг маъruzаларидан бирида файласуфлар турли ташхислардан ва ақлга зид фаразлардан ўзини тийиши лозимлигини кўрсатиб ўтган. Файласуфнинг иши “аниқлашга” йўналтирилиши лозим. Фалсафий тафаккур турли қарашлар ва нуқтаи назарларнинг кўп қиёфалигини назарда тутади. Жамият ва унинг ҳодисаларига, масалан мафкурага қарашларида фалсафий фикрларнинг барча қирралари топилиши мумкин.

Мамлакатимиз фанида мафкура муаммоси ўтмишдаги ўн ийлликда истча ижтимоий-сиёсий назариялар ҳамда методологияларида (Н.Биккенин ва бошқалар) фаол кўриб чиқилган.

Мамлакатимиздаги ишлар таҳлили қуйидаги хulosаларни чиқаришга имкон берди:

- ижтимоий муаммолар бўйича фалсафий тадқиқотлар чекланган мафкуравий шаклини йўқотди ва бу унга концептуал ҳамда услубий кўпқиёфалилик баҳш этди;

- ҳар қандай ижтимоий муаммога тадқиқ қилиш учун муқобил қарашлар ва ёндошувлар кескин мафкуравий зиддиятлар, қарама-қарши сиёсий ва дунёқараш ёндошувларини аниқлаш олишга имкон беради, бу эса ижтимоий фалсафий таҳлилга муҳтоҷ бўлган илмий муаммо сифатидаги мафкурани янада долзарблаштиради;

Мафкура муаммосини ўрганган Ғарб ижтимоий фалсафаси бир мунча кенгроқ, бироқ таҳлил ва мухокама даражаси асосан соддалаштирилган амалий тажриба даражадасидир. Р.Боудон, П.Дуприз, Н.Луман, И.Межарос, Ф.Саттонларнинг ишларида айнан шундай мафкура келтирилади. Мафкуранинг позитивистча ва неопозитивистча концепцияси Г.Барт, К.Мангейм, П.Тепе, М.Шелер ғоялари билан келтирилган. Хусусан Ч.Миллз, ва Ю.Хабермас

ғояларининг издоши бўлган И Горовицнинг мафкурага бўлган қарашлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Ю.Хабермас “интеракция” (рамзий воситалашган коммуникцион ҳаракат) орқали мафкура бартараф этилади деб фараз қиласди. Мафкура назарияси соҳасидаги иррационал концепция Е.Лемберг, К.Саламун, Э.Топич, Э.Шилс қарашларида келтирилган. Г.Альберт, Т.Гейгер, Х.Зайферт мафкурани аксиологик тизим сифатида кўриб чиқсан.

Мафкура муаммоси бўйича Ғарб адабиётлари таҳлили қўйидагича хulosалар чиқаришга имкон беради:

- сўнгги ўн йилликларда Ғарб ижтимоий фанидаги мумтоз мутаффакирлар Д.Белл, М.Вебер, К.Мангейм, А.Тойнби, Т.Парсонс, К. Попперларнинг ишларида келтирилган мафкура ва унинг функциялари тўғрисидаги қарашларга қизиқиш ортди;

- “мафкура” тушунчасини аниқлашга бўлган кўплаб уринишлар хали Ғарб фалсафа фанида тизимили умумлашган таҳлил шаклида жамланган. Ҳанузгача мафкура “эгасиз ер” (К Поппер) сифатида кўриб чиқилмоқда ва бу сўз атрофидаги мунозаралар тушунчанинг ўзидаги чалкашликларни чуқурлаштируммоқда.

Фалсафий таҳлил тадқиқотнинг муайян услубини: тартиботлар, иш концепциялари, фаразлари ва қоидалари мажмуига эга бўлишни тақозо этади. Бироқ услубият – бу муаммога қарашнинг ўзига хос муайян усули, дунёқараш ёндошуви ҳамдир. Айнан услубият бизнинг тушунчамиз доираларига ёки чегараларига айланмоқда. Дунёни тушунишнинг бир усулини қабул қилган ҳолда бошқача усулларини биз у ёки бу тарзда рад этамиз. Карл Ясперс доктринани излаган киши асосий масалани назаридан қочиради деб таъкидлаган. Доктрина деганда у мавжуд бўлган ҳақиқатга мос келадиган, танловни оширишга йўл қўядиган, муайян анъанавий “тафаккур мактаби”ни тушунган. Тадқиқот усуллари доимо илмий назариянинг бир қисмидир.

Бироқ мафкура ҳодисасини қайси фан ўрганади? Сиёsatшуносликми, социологиями, фалсафами, тарихми? Ёки ҳақиқатан ҳам мафкура ҳеч кимнинг ери эмасми?

Ғарбда жамиятшуносликда сиёsatшунослик муҳим ўрин эгаллайди. Америка сиёсий фанлар уюшмаси Америка сиёсий фалсафа ва ҳуқуқ фалсафаси жамияти, Англиядаги сиёсий тадқиқотлар уюшмаси, Француз сиёсий фанлар миллий жамғармаси ўта машҳурдир. 1949 йилдан бери ЮНЕСКО қошидаги сиёсий фанлар халқаро ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрастиб келмоқда. Мустақил фан сифатидаги сиёсий фан энди шаклланаётган пайтда Э.Фримен “Тарих – бу ўтмишдаги сиёsat, сиёsat эса бугунги тарихдир” деб таъкидлаган эди. Фуқаролик жамияти асосан социологиянинг тадқиқотлар обьекти, ундаги сиёsat эса сиёsatшунослик обьектидир. Бироқ фуқаролик жамияти ва давлат бир-биридан қатъий ажralган эмас. Шу боис ҳар қандай

чеклашлар ва ҳар қандай бошқача тасниф шартлидир. Мазкур объектлар орасида “оралиқ майдон” мавжуд бўлиб, мафкура ҳам шунга киради. Сиёсий онг ўта ўзига хос ҳодисадир. У бир томондан муайян синфга, миллатга, партияга, етакчига “ишонч” қидиради, бошқа томондан тегишли кафолатларни талаб қилади. Ишонч – бу метафизик тушунча, кафолот эса – аниқ мавжуд нарсадир. Кафолот ҳукмрон мафкурага таянувчи ҳокимият, давлат томонидан таъминланади. Сиёсатшунослик давлат сиёсий институтларининг вазифалари ва функцияларини ўрганишга мўлжалланган “давлат” фани сифатида шаклланган. Шунинг учун мафкура сиёсатшуносларни энг аввало, сиёсий мафкура сифатида қизиқтиради.

Америкалик социологлар Р.Бендикс ва С.Липседнинг фикрига кўра сиёсий социология давлатдан эмас, балки жамиятдан келиб чиқади. У жамиятнинг давлатга таъсирини, яъни ҳокимиятнинг тақсимлаш ва амалга оширишга хизмат қилувчи расмий институтларга таъсирини ўрганади. Бу ерда мафкура ҳодисаси бир мунча кенгроқ кўриб чиқилади.

Мафкуранинг генесеологик ва онтологик асосларини фалсафа ўрганади. Жамиятнинг маданий коди ҳукмрон фалсафий парадигмаларига таянади. Маданий коднингаҳамиятлари ва меъёрларига таянган ҳолда жамият сиёсий ва ижтимоий ғояларни ҳамда муассасаларни шакллантиради. Улар ўз навбатида жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларини акс эттиради. Ҳақиқий файласуфлик сиёсат ва мафкура билан чиқишимаслиги борасидаги тасаввур афсонадан бошқа нарса эмас. Аксиологик жиҳатдан бетараф бўлишга уриниш шахсий эътиқодлар йўқлигини англатмайди.

Файласуфнинг ёндашуви мафкуравий ва долзарбдир. Ҳодиса сифатидаги мафкуранинг ўзи яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас ҳақиқат ҳам ёлғон ҳам эмасдир. Тузилмали “изм”чилик мактабининг вакили Луи Алъюссер мафкура “ижтимоий умумийлик”нинг таркибий қисми “тарихий нафас олиш ва ҳаёт учун зарурий мұхит” эканлигини таъкидлайди. Мафкура фанга нисбатан бирмунча бошқача асосларга қурилган, бошқачароқ фаолият кўрсатади ва бошқа вазифани адо этади. Немис социология ва сиёсатшуноси П.Тепе “қадриятли тўлдирилган мафкурасиз ҳеч қандай маданий имкони йўқлигини” таъкидлайди.

Шундай қилиб, мафкуранинг асоси ва ҳодисасини тадқиқ қилувчи қандайдир бирон фанни – фалсафа, сиёсатшунослик, тарих, социологияни концептуал ва услубий жиҳатдан ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ. Тизимли ёндошув, нафақат фалсафий ижтимоий фанларнигина эмас, балки сиёсатшунослик, ижтимоий психология, ижтимоий тилшунослик, тарих фанларининг маълумотларидан фойдаланиш тадқиқотчилик имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун мафкура ҳодисасини таҳлил қилишда ижтимоий ва тарихий ўрганишда қўлланиладиган тадқиқотнинг ҳам

умумилмий усуллари, ҳам хусусий тамойиллари ўта зарур бўлиб чиқди: тадқиқиот объектини унинг кўринишлари ягоналигига қайд этадиган яхлитлик тамойили; ҳодисаларнинг ижтимоий-маданий фарқланиш тамойили; ижтимоий ҳаёт кўринишлари ва ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларига эгалиги тамойили; ўхшатиш ва ўхашашлик тамойили; тарихчилик тамойили; ахборотни ислоҳ қилиш тамойили; фикрларни миқдорий таҳлил қилиш усули ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Мафкура ҳодисасининг мураккаблиги ва кўп функцияга эгалиги тадқиқотнинг услубий жиҳатига умумлашган ёндашувни тақозо этади. Бошқа ижтимоий фанлардан олинган усуллар ва тамойилларни уларни танқидий талқин қилган ҳолда қўллаш билан биргаликда амалга оширилиши мафкуранинг намоён бўлиши ва фаолият кўрсатишининг энг тўла тасвирини беришга имкон яратди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мафкура ҳақида сўз кетганда гарчи ушбу тушунчанинг кўп маънолилиги ва мавҳумлиги аниқ бўлса-да, гап барибир ҳаёт талқини ҳодисаси тўғрисида боради. Фақат ҳокимият муносабатлари давлат, сиёsat эмас, балки инсон ва жамиятнинг ижтимоий турмушини ташкил этувчи барча нарсалар – тамойиллар, кишиларнинг ижтимоий ҳатти-ҳаракат меъёрлари, қадриятли мақсадлари, хом ҳаёллари ва тафаккур тарзи талқин қилинади. Шунинг учун мазкур тадқиқотдаги талқин усули етакчи усуллардан биридир.

Мафкура орқали кишиларнинг нафақат манфаатлари, балки ҳаётий иродаси ҳам амалга оширилади. Мафкуранинг, хусусан ҳукмрон мафкуранинг қудрати буюkdir. Бироқ бу ҳукмрон синфларнинг қўлида улкан моддий куч ва маданий заҳиралар борлигидан эмас, бундай мафкуравий куч илохийлаштириш туфайли вужудга келади. Кишилар аслида уларнинг ҳаётий манфаатларига буткул душман бўлиши мумкин бўлган қадриятлар ва амалий сиёsatни қўллашга ва қонуний деб эътироф этишга мажбурдирлар.

Мавҳумлик мафкуранинг марказий хусусиятидир. Бирон бир мафкура ҳақиқатга олиб бормайди. Мафкурани қандай қилиб кўриб чиқиш ва “мафкуранинг мафкуравий назариясини” бошламаслик мумкин? Нима учун кишилар ҳар қандай, шу жумладан ёлғон ғояларни ҳам қабул қилишга тайёр туришади. Агар улар рози бўлмаганида бирон бир мафкура пайдо бўлмаган бўлар эди, унинг ижтимоий ҳаёт тўқимасида мустақил тарзда ўрнашиб олиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. “Кишилар мафкурага ишонмаслиги мумкин” деб таъкидлаган М.Мамардашивили, аммо улар қандайдир моддий тимсоллар билан ўралган муҳитда яшашга мажбур бўлсалар улар ҳақиқатдан ҳам аслида нимани ўйлаётганликларини билолмайдилар. Айнан шу сабабдан мафкуранинг асосланиши ва унинг жамият ҳаётига сингиб киришини ўрганиш ўта қизиқарли бўлиб кўринмоқда. Ушбу муаммо мазкур тадқиқот вазифалари

мажмуига киритилгандир.

Жамият моддий ва маънавий ҳаётини узлуксиз амалга ошириш нуқтаи назаридан мафкуранинг тизимли онтогносеологик таҳлил қилишда қўйидаги бир қатор вазифаларни ҳал қилишни назарда тутади:

1. “Мафкура” тушунчаси мазмунига турлича қарашларни таҳлил қилиш ва ушбу тушунчани ижтимоий ўрганишни сиёсий, гнесеологик, оксиологик, ирроционал – мифологик, тилшунослик ва фаолият нуқтаи назаридан аниқлаштиришdir.

2. Мафкуранинг асосларини излаш ҳамда Ғарбда ва мамлакатимиизда нашр қилинган адабиётлар асосида айrim фаразларни илгари суришdir.

3. Ижтимоий ўрганиш соҳасининг мафкуравий-таркибий қисмини, шунингдек, ижтимоий амалиёт ва ижтимоий назариянинг мафкуравий талқинлари ўхшашлигини тадқиқ қилиш.

4. Айrim таълим концепцияларининг мазмунида ва шахсий билимда мафкуравий қарашларнинг аввал бошданоқ мавжудлигини аниқлаш.

Биз анъанага қўра мафкурани XX аср билан таққослаймиз. Ҳақиқатан ҳам XX асрда мафкура ижтимоий ҳаётнинг рамзига айланди. Бироқ эрамизгача бўлган VI асрдаёқ Хитойда Конфуций “аввал халқни бойитиш, сўнgra уларни тарбиялаш лозимлиги” фаразини илгари сурган эди. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам шиор ва ҳаракат дастури эмасми. VIII асрда Фома Аквинский “муаллиф нима дейиши хоҳлаётганлиги унча катта аҳамиятга эга эмас, у фойдаланиш учун нима айтгани муҳимлигини” таъкидлаган. У файласуф ва диншунос бўлган ҳолда ғояларнинг ижтимоий қийматини ва аҳамиятини жуда яхши тушунган. Яна бир мисол, маънавиятга қўра христиан бўлган ўрта асрдаги Европа эзгу ишларни бирлик билан гуноҳни эса кўп қиёфалиликка таққослаган XX асрнинг 70-йилларида Шўроларнинг фалсафий ва социологик адабиёти “буржуазия плюрализмини” кўп қиёфали ёвузлик сифатида тақдим этгани хали ёдимиздан кўтарилигани йўқ. “Қайта қуриш” бошланиши билан бизнинг мафкурачиларимиз олдинги қоидалардан дарҳол бош тортишга журъат эта олмадилар ва “фикрларнинг социалистик плюрализми”ни истеъмолга киритдилар. Эндиликда бу тушунчалар қаерда қолди?

Шундай қилиб биз мафкурадан ташқарида фикрлай оламизми мафкура бизнинг фикр ва ҳаракатларимизга қандай чекланишлар қўяди? Шахс тузилмасида мафкура қандай ўринни эгаллайди? Жамият ҳаётининг барча соҳаларига мафкуранинг ялпи суқилиб кириш жараёни юз бердими? Ҳафсаланинг пир бўлиши ва мансублик инқизози мафкуранинг йўқолишига олиб келадими ёки унинг мустаҳкамланишига? Мафкуранинг “ювилиб кетиши” охир оқибатда мафкуравий ҳокимиятнинг кучайишига олиб келадими? Мафкуранинг

ўзи нима: маросим кодексими, илохийлаштиришми, сиёсий воқеликми ёки Дэниэль Белл “халқча” воқеликми? Мафкура барча нарсани ҳам билим, ҳам эътиқодни аста-секин йўқ қиласиган ҳалокатли оқимга айланмайдими? Бундай саволлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бундай саволларга айрим жавобларни илмий ўрганиш соҳасидан ижтимоий ўрганишнинг ўзига хослик соҳаларидан тарихий ўрганишдан ҳақиқатни излашлардан воқеликнинг мифологик, диний ва фалсафий акс эттиришнинг ўзига хосликларидан топиш мумкин.

Мафкура муаммосининг фалсафий тадқиқи замонавий жамиятдаги сифат ўзгаришларидан юзага келган объектив эҳтиёж: жамиятнинг ахборот коммуникатив хусусияти, тарқалиб бораётган мансублик инқизози, кучайиб бораётган геосиёсий зиддиятлар дунё тасвирига нисбатан шаклланаётган синергетик қарашлардан келиб чиқаётган объектив эҳтиёжга айланиб улгурди. Бундай ҳолатларда мафкура тарихлараро эмас, балки ўта тарихий ролни ўйнайди. *Sui generis* онг шакли сифатида у фақат жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини узлуксиз амалга ошириш нуқтаи назаридан тушунарли бўлиши мумкин. Мафкура жамиятнинг фаолиятли онги сифатида вужудга келади ва яратилади.

### **Феноменологик анъаналарда мафкура муаммоси**

Воқелик тўғрисидаги “ҳаёлий тасаввур” сифатидаги мафкура тўғрисидаги масала “онгдаги шубҳа” тенденциясини шаклланишига имкон яратди. Гарчи “шубҳа” ҳам онгнинг бир бўлраги бўлсада, тилга олинган тенценция фалсафада ҳамда постмодернизмнинг адабий танқидида “субъектнинг ўлими”, “марказдан узоқлашиш” ва “шахссизланиш” рукни остида ўта ёрқин ифодаланди. Бу маънодаги мафкура субъектив хис қилишнинг ҳар қандай шаклларини бирлаштирувчи иштимоий, тил амалиётлари ва механизmlарни ўта мавхум мажмуаси сифатида тушунила бошланди. Шу боис мафкура назарияси фалсафа ва ижтимоий фанларда ўта кенг ишланмалар билан тақдим этилганлигига қарамасдан онг ва мафкура муносабати масаласи қуйидагича бир маънода тақдим этиб келинди: онг ижтимоий, онган ташқари ва тил тузилмаларига нисбатан ёки киритилган ёхуд иккиламчи хусусиятга эга.

“Мафкура” атамасининг зиддиятли ва муаммоли хусусиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир томондан, мафкура - бу қандайдир муайян ҳамжамиятнинг қадриятларининг ижтимоийлашуви ва қабул қилиниши шартларидан биридир. Бу ерда мафкура қадриятларнинг энг кичик меъёри сифатида юзага чиқади. Бошқа томондан, мафкура анъаналарда танқидий атамаларда “пуч”, “ёлғон”, “садда” ва кўпинча “тажовузкор” ва “ялпи” онг сифатида қайд қилинади. Мазкур ҳолатда мафкура - бу онгнинг “аномал”, “бузилган” “нотанқидий идрок этилган” меъёрлари ва вазифалари йиғиндисидир.

Тадқиқот муаммоси бу шаклда жаранглашининг сабаби мана шу – қандай шароитларда ва қандай асосларда мафкурани онг тажрибаси сифатида тасвирлаш мумкин?

Шу боис муаммоли вазият қуйидаги тарзда белгинаши мумкин:

1. Мафкура тұғрисидаги дискурс субъектни анъанавий тарифини танқид қилиш натижасида вужудга келади.

2. Истча анъаналарда мафкура танқиди инқизорзни бошдан кечирмоқда. Танқид асосларига “Онгга ишончсизлик”, “Субъектни бартарф этиш”, “Метанарратив ҳалокати” натижасида путур етган. Шундай бўлсада “мафкура” тушунчаси ҳам назарий изланишлар, ҳам сиёсий даъватлар ва ҳаракатлар майдонида мавжуддир.

3. Нимани танқид қилиш лозим – онгни белгиловчи тузилмаларими ёки бу тузилмаларга киритилган онгни ўзини танқид қилиш масаласи ҳал қилинмай қолмоқда. Онгнинг муаммоли мақоми “мафкура” атамаси турли контекстларда ва ментал маконларда тарқоқ бўлишига олиб келмоқда.

4. Мафкура тұғрисидаги помтмодернистча дискурс бизни қуйидаги сабабларга кўра қондирмайди. “Субъект ўлими” нуқтаи назаридан онг аввал бошданоқ эркин бўлмаган моҳият сифатида намоён бўлади, яъни әгасиз ижтимоий ва тил моделларининг иш функцияси сифатида англанади.

Шу тарзда мафкура ҳодисасини қўриб чиқиш шароитлари тұғрисидаги масала очиқлигича қолмоқда. Буни ҳал қилиш эса фақат кенг кўламли анъаналарга мурожаат этишни эмас, балки ўзига хос назарий-услубий ёндошувларни ишлаб чиқишиңи тақозо этмоқда.

Трансцендентал фалсафадаги онгни ишлаб чиқишиңи мафкурани замонавий маконида мафкура мақомини белгилашнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Мазкур парадигма доираларида онг ҳар қандай тажрибанинг билими сифатида, мафкура эса онгнинг дастлабки тажрибаси издан чиқиши сифатида тасаввур қилинади. Бу маънода “мафкуранинг ўзи нима?” деган савол эмас, балки “онг тажрибаси” сифатида мафкура бўлиши мумкинми? деган савол жўялироқ бўлиб кўринмоқда. Бу мафкура ҳодисасига анъанавий ёндошувларни муаммолаштиришга онгнинг издан чиққан тажрибаси сифатидаги мафкурага қай тарзда кириб боришни кўрсатишга имкон яратади.

1. Мазкур ишда онг тажрибасидан олдин келадиган алоҳида воқелик сифатидаги мафкура ҳодисасини қўриб чиқиши мафкурани ва ижтимоий тажрибани таққослашга ҳамда мафкуравий ҳамда ижтимоий ҳосилалардан келиб чиқадиган ғайри оддий ҳодиса сифатидаги онгни талқин қилишга олиб келиши асослаб берилган .

2. Мафкура тұғрисидаги ҳар қандай танқидий дискурснинг амалда чекланганлигига зид равишда “мафкуравий онгнинг” идеаллаштирилган модели тадқиқотчининг ўзидаги онгни мустасно этувчи умумийликка даъво қилиши кўрсатиб берилган. Бироқ агар

мафкура онгга нисбатан бирламчи хусусиятга эга бўлса онгнинг муайян тажрибаси сифатидаги мафкура назариясини яратишни ўзи мафкура бўлиб чиқади.

3. Мафкурага нисбатан феноменологик ёндашувни қўллаш уни онгни юзага чиқарувчи ижтимоий тажриба эмас, балки онг тажрибасини ўзини издан чиқарувчи ва айнан тажриба турларини охир-оқибатда қиёслашнинг барқарор тизимида қайд қилиниши, яъни онгнинг тарихий бўлмаган маълумотлари сифатида тасаввур қилишга имкон бериши тасдиқланган. Мафкурани онгнинг издан чиққан тажрибаси сифатида кўриб чиқиш танқидий фалсафа юритувчи субъектнинг “экзистент” ёндошуви натижасида вужудга келиши, бунинг оқибатида танқид индивидуаллашишнинг бир турига айланиши, яъни “садда” вазифадан “ҳиссий” вазифага, кундалик ўртачаликдан ўз мавжудлигини амалга ошириши намойиш қилинган. Шу асосда “онг-жамият”, “хусусий-оммавий” сингари муҳолифларни фарқлаш тарихий ҳамда тасодифий хусусиятга эга бўлган издан чиқиши сифатидаги мафкурани таърифлаш шарти сифатида тақдим этилиши мумкин.

4. Мафкура табиатини таклиф этилаётган талқини сифатида мафкурани “ялпи” талқин қилиш ижтимоий тажриба бирдамликнинг муайян универсал мезонларига эргашиши сифатидаги ижтимоий тажриба чекланган ҳамда субъектнинг мустақиллигига бориб тақаладиган “танқидий ҳаёлпарастлик” жанрига ўзгартирилиши кўрсатиб берилган.

Айни пайтда ижтимоий-фалсафий маънодаги энг “кескин” муаммолардан бири айнан мафкура муаммосини концептуаллаштиришdir. Шунга қарамасдан кўплаб замонавий-фалсафий йўналишлар муайян вақтда “субъект ўлими” ва “мафкура хотимаси” билан бир қаторда замонавий тадқиқотларда истча меросни тафтишдан ўtkазиш энг асосий муаммолардан бирлигича қолмоқда.

Гарчи “ижобий субъект” олдинги ижтимоий фалсафий ва сиёсий назариялар асоси сифатида уни рад этишга қадар кескин қайта кўриб чиқишига тортилган бўлсада, олдинги ўринга кўтарилиган “инсон” (М.Фуко) жамият ўзини тасвирлайдиган ва ўз ҳаётини ташкил этадиган инстанцияга айланмади.

Ишнинг концептуал қоидалардан бири сифатида мафкура муаммосини қўйиш муайян тарихий контекстдан келиб чиқиши ва айнан онгдаги шубҳа (П.Рикёр) тенденцияси билан бирга кетиши баён қилинган. К., Ғарбча метофизикани якунловчилардан бири сифатида субъектнинг ўзини аниқловчи концепциясига қарама-қарши тарзда субъектнинг “ижтимоий амалиёт” билан объектив тарзда аниқланиши мафкура муаммоси эканлигини кўрсатиб берди. Бу маънода субъектив хис қилиш энди унчалик мустақил бўла олмайди. Бу хис қилишга туртки берадиган “куч” объектив ҳолда мавжуд – ва умуман

олганда айнан шу нарса мафкуранинг истча муаммосидир. Бошланғич нұқта сифатидаги мафкура муаммосини танқид қилувчи навбатдаги назарий концепцияларда ҳам К.Манхейннинг билимлар социологиясида, ҳам Франкфурт мактабининг танқидий неоистча аңъаналарида күриб чиқылған “ижтимоий муносабатлар ансамбли” мана шу күчга айланди. Бириңчи ҳолатда “учиб юрган интеллектуал” ёндашуви, иккінчі ҳолатда Франкфурт мактаби либерал жамиятнинг оқилона асосларига птур етганини қайд этган ҳолда “инсоний бирдамликнинг” янги усуларини таклиф этмған. Натижада “мафкурани ялпи танқид қилиш” ичидан зиддиятли бўлиб қолди.

Феноменологик аңъанага ёндашув шу лаҳзадан бошланадики, мафкура субъектив хис қилишнинг аниқловчи ижтимоий амалиётлар ва тил механизмининг ўта мавхум мажмуаси сифатида тушунила бошланди. Мафкуранинг ижтимоий онтологиядан фалсафий онтологияга “ўтказиш”ни күриб чиқиш ўта мухим бўлиб қолди. К. нұқтадан сўнгги ҳар қандай фалсафий тузилма (ушбу атамани қўллаш “умумийлик натижасида”) фалсафий матннинг ўзидағи ташқи шароитлардан келиб чиққан сифатида кўрилиши мумкин. Фалсафий асарнинг “ички реаллиги” файласуф ўзи англамаган кириб келган эскича қараашлар натижаси сифатида тушуниш мумкинлиги мана шундан келиб чиқади. Назарий изланишларда онг бирмунча “кучлироқ” онгдан ташқари лингвистик ҳамда ижтимоий тузилмаларнинг ғайриоддий тузилмаси сифатида юзага чиқади ҳамда “қандайдир мустақил бўлмаган” нимадандир иборат бўлади. Агар мафкура “ялпи” бўлса, унда танқидий хис қилишнинг “имконият шароитлари” тўғрисидаги масалани кўтариш зарур бўлади.

Неоистик концепциялардаги баён қилинган мафкуранинг “умумийлиги” М.Хайдеггернинг “фундаментал онтологияси”нинг трансцендентал нұқтаи назаридан күриб чиқылған эди. Ушбу таққослаш натижасида “мафкуранинг ялпи танқидига” чекланган хусусият бахш этилди. Танқиднинг ялпилиги онгни тасаввурлар маконидаги “ғайриоддий ҳодиса” сифатида кўриб чиқишдан бошқа нарса эмас. Бу тасаввурлардан ҳар қандай мафкуравий онг чиқариб ташланиши мумкин. “Мафкуравий онг” тажрибасини тасвирлаш муаммоси онгнинг идеаллаштирилган модели тадқиқотчининг ўзидағи онг тажрибасини мустасно этган ҳолда умумийликка даъвогарлик қилишига олиб келади. Бу эса мафкура назариясининг ўзини-ўзи асослаш муаммосига олиб келади. Бу ишда мафкура маъно алоқалари буюмларининг ўзидағи алоқалар сифатида намоён бўладиган “табиий вазифа” сифатида таҳлил қилиниши кўрсатиб берилган. Шу аснода таҳлил қилинаётган онгнинг ўзи ўзининг объективлаштирилаётганлигидан келиб чиқадиган “ғайриоддий” хусусият касб этади. Агар мафкура онгга нисбатан бирламчи ва умумий хусусиятга эга бўлса, муайян тажриба сифатидаги мафкура назариясини яратишнинг ўзи муайян мафкурадир. Шу аснода

мафкура тұғрисидаги масала (“табиий вазифанинг” қандайдыр издан чиққанлиги сифатида) “табиий вазифа”дан келиб чиқади. “Интенционал тарих”нинг феноменологик маънолариға ҳамда “кундаликка” мурожаат қилиш энг камида ҳақли бўлиб кўриниши мана шундан келиб чиқади. Бундай мурожаат “асллик” ва “ноасллик”, “соддалик” ва “хиссийлик” модусларидағи танқидий тафаккур манбай ва келиб чиқишини кўрсатиб берди.

Қойд этиў жоизки, В.И.Мольчановнинг “Фарқланишлар феноменологияси” нуқтаи назаридан мафкура муаммосини таҳлил қилиш мумкин. Бундай ёндошув шуниси билан хусусиятлики, онг ҳар қандай тажрибага кира олади. Агар мафкура муамоси таҳлилиниң бошланғич нуқтаси сифатида онгнинг дастлабки тажрибаси сифатидаги “фарқланиш” яъни нафақат мафкурадан, балки ҳар қандай мазмундан эркин бўлган тажриба сифатида олинса, унда мафкура барқарор мансубликка эга бўлган онг тажрибасининг турли кўринишлари аралашуви натижаси сифатидаги “онг тажрибасининг издан чиқишидан” иборатдир. Агар онг ижтимоий тажрибасининг натижаси фарқланишларнинг муайян мажмуаси бўлса, (издан чиқиш ёки мафкура) уларнинг етишмаслигидан дарак беради. Шу аснода ижтимоий тажриба ва тажрибанинг бошқа кўринишлари (“иродани муҳокама қилиш тажрибаси”, “психологик тажриба”, “маънавий тажриба” ва хоказолар) ҳам тажрибанинг алохида ўзига хослигидан дарак бермоқда.

Фикр тажрибасининг алохида шакли ва фарқланиш тажрибаси сифатидаги “утопик” назариялаштиришга мурожаат қилиш ҳақли бўлиб кўринганлиги мана шундандир. Бу танқидий “ҳаёлпаратслик жанри” сифатидаги мафкура танқидига “қандай бўлса шундайлигича” ҳамда “бўлиши лозим” сифатида қарашга имкон беради. Бундай ҳолатда диссертацияда кўриб чиқилган Р.Рортининг “либерал утопия” лойиҳаси “фарқлаш” сифатидаги онг тажрибаси устига қурилган назариянинг бир кўринишидир. Эркин кесатиқчи ўзини ўз мустақиллиги (ички тажрибанинг: маънавий, ахлоқий, миллий, фалсафий... мислсиз фарқланиши) ҳамда ижтимоий интерсубъект тажрибаси ўртасидаги фарқланиш мутлоқ эканлигини, яъни ҳеч қандай аралashiшга йўл қўймайдиган субъект сифатида тасаввур қиласи.

Мазкур ҳолатда “эркин кесатиқчи” – трансцендентал субъект, “инвидуация” (Р.Рорти атамаларида эса “ўзини яратган мавжудот бўлиб”) муайян мазмунга, тўлиқликка ҳамда ўз мустақилигига эга ижтимоий тажрибанинг фундаментал фарқланиши устида яратилгандир. Онгнинг ижтимоий тажрибаси (“бошқаларга” нисбатан қаттиққўлликни бартараф этишга асосланган либерал ҳуқуқлар ва эркинликлар) ички тажрибанинг барча турларига нисбатан алоқасиздек бўлиб кўринади. Утопия мафкуранинг модификациялашган танқиди сифатида “оммавий соҳанинг”

трансцендентлигини бартараф этади ҳамда лозимлик соҳасига мурожаат қиласи ва тажрибанинг яширин шакллари билан фарқлангандинир. Шу аснода “хусусий” ва “оммавий” ўртасидаги фарқ мутлоқдир, “оммавийлик” намунасининг дастлабки танлови унинг чегаралари ва мазмуни тадқиқотчининг тарихий ва “экзистент” ёндошуви натижасидир. Утопияни амалга ошириш тажриба издан чиқиши бўлмаган мафкура танқиди эса, бемаънога айланадиган ишлар ҳолатини англатади.

### **Мафкуранинг онтологик жиҳатлари**

Сўнгги вақтда замонавий оламда ижтимоий яхлитлик инқирози билан аниқланувчи жамиятнинг конструктив ижтимоий-маданий мансублиги ва ўз-ўзига мансублиги муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Аслида мансублик инқирозининг жамиятдаги муаммоси мафкура инқирози билан бевосита боғлиқдир. Бундай вазият мафкура ҳодисасини янги услубий ёндошувлар билан тадқиқ қилиш ҳамда янги ижтимоий парадигмани яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Замонавий тадқиқотларда мафкура кундан-кунга ижтимоий зиддиятлар ва инқирозларни мукаммал ҳал қилиш шарти сифатида кўриб чиқилмоқда. Шу аснода мафкуранинг моҳиятини ҳамда унинг онтологик асосларини янги услубий вазифалар нуқтаи назаридан қайта тафаккурдан ўтказиш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Муаммо шундан иборатки мафкуруни ўрганишдаги мавжуд бўлган ёндошувлар бугунги кундаги ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишнинг янгича алъоритмини келгусида излаш ва яратиш учун етарли бўлмай қолди. Мафкура борасидаги аксарият тадқиқотларда кўпинча “мақсадга муносиб – мақсадга муносиб бўлмаган”, “жамоавий – шахсий” дихотомияси доираларидағи амбивалент тамойилларидан бири мутлоқлаштирилади. Умуман олганда ушбу тенденция XX асрдаги асосий етакчи мафкуравий оқимларга айланган назарий тизимлар – либерал ва тоталитар тизимлар шаклланишини белгилаб берди.

Ушбу идеологик ва услубий мақсадларга интилиш жамият ва шахс ўртасидаги зиддиятларни бошқарибина қолмасдан замонавий-ижтимоий инқирозларнинг ривожланишини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб берди. Бундай шароитларда мафкуруни тадқиқ қилиш учун ҳамда унинг ижобий онтологик асосини шакллантириш учун мос келадиган услубиятни ишлаб чиқишига имкон яратувчи назарий шароитларни излаш зарурати вужудга келмоқда. Бу маънода умум ягоналиқ фалсафаси намоёндаларининг ишларида кўтарилиган ижтимоий жараёнларнинг моҳияти ва йўналишларини ҳар томонлама мулоҳазадан ўтказиш тажрибаси долзарблашиб бормоқда.

Умумягоналиқ фалсафасининг умумназарий мезонлари яхлит

ҳамда мантиқий тугалланган конструкциядан иборат бўлиб, ундаги онтологик ва услубий жиҳатлар воқеликнинг барча босқичларидағи тенг бирлик тизимини шакллантирган ҳолда бир-бирини ўзаро тўлдиради.

Мазкур тадқиқотнинг асосий муаммоси шундан иборатки, мафкура ҳодисаси борасидаги мавжуд тадқиқотлар ё ўта умумий хусусиятга эга ёки мафкуранинг айрим жиҳатларини (ижтимоий функцияларини, сиёсий ва тарихий сабабларини, дунёқарашларнинг ўзига хослигини) кўриб чиқади, бироқ унинг онтологик шароитларини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан мафкуруни фалсафий-назарий батафсил тадқиқоти деярли мавжуд эмас. Мафкуранинг ушбу жиҳатларини яхлит ва ҳар томонлама кўриб чиқишга мафкуруни тадқиқ қилишнинг конструктив услубий воситаси сифатида умумягоналик концепциясининг фундаментал тамойилларини жалб қилган шароитдагинга имкон яратилади.

Янги мафкуравий муҳит яратиш имкониятига тегишли энг муҳим жиҳат дунёни фикрдан ўтказишга ҳозирги тажрибага асосланган иқтисодий ёндошувдан тубдан фарқланувчи янги турдаги “синтетик” тафаккурни яратишга бўлган жамиятнинг салоҳитиядир. Муқобил ижтимоий моделни яратиш учун буткул янги назарияни шакллантириш ҳам мафкура ҳодисасини, ҳам унинг аниқ тарихий турларини янгича таҳлил қилишни қўллашсиз амалга ошмайди. Масалан, сўнгги вақтларда ҳам либерал парадигма, ҳам дунёни идрок қилишнинг тоталитар тури кўпроқ танқидга тортилмоқда. Буларга муқобил тарзда ижтимоий онгда ижтимоий бирлашишнинг турли шакллари, янгича дунё тартиботини яратиш ҳамда буткул инсонга хос бўлган онг, ирода ва қудратни мутлоқлаштиришга боғлиқ ҳолда вужудга келган глобал зиддиятларни бартараф этиш учун турли туман йуллар вужудга келмоқда. Ҳозирги жамиятда ўта кенг тарқалган ва ҳукмрон бўлган шундай йўналишлардан бири “глобаллашув” ҳодисаси бўлиб, у оммавий онгда бағрикенг бирлашув ҳамда кенг кўламли ўзгришлар йўналишини аниқ белгилаб берди. Аммо бундай турдаги лойиҳаларнинг бир турли эмаслиги ҳамда ҳанузгача мувофиқлаштирилмаган зиддиятлари ҳам умумназарий маънода, ҳам мафкуравий ва этик жиҳатдан шубҳа уйғотмоқда. Мазкур муаммошуносликни яратишнинг ҳам услубий механизмига, шунингдек унинг аксиологик негизини шакллантириш омилларига бўлган ишончсизликни ҳам шунга киритиш мумкин.

Бундай турдаги ҳодисаларнинг вужудга келиши табиийдир. Булар инсон табиати хусусиятидан яна бир бор келиб чиқадиган фундаментал зиддиятларнинг оқибатидир. Унинг намоён бўлиши кўринишларидан бири инсон мавжудлигининг фундаментал асосларини мутлоқлаштиришга интилишдир: ё мақсадга муносиб ёхуд мақсадга мос келмайдиган ибтидони танлаш; шунингдек бу оммавий ондаги ё индивидул, ёхуд жамоавий ҳукмрон бўлган

жиҳатларга тегишлидир. Бугунги кундаги ижтимоий вазият ҳам назарий ва услубий тадқиқот датурларини ўзгартиришни, ҳам қадриятли дунёқараш мақсадларини ўзгартиришни тақозо этмоқда. Муалифнинг фикрига кўра ижтимоий воқеликда зиддиятларнинг тенг томонли ўзаро ҳаракати услубиятига асосланган мафкуравий кўринишдагина мана шундай имконият вужудга келиши мумкин. Ижтимоий зиддиятларни йўлга солишда бир томондан назарий ва амалий маънодаги ислоҳотлар тизимидағи услубий технологик маънога, бошқа томондан эса мафкура тузилмасидаги дунёқараш ҳамда аксиологик-этник шаклларга боғлиқдир.

Шунга боғлиқ ҳолда тенг ҳуқуқли ва ҳукмронсизлик турли-туман онтологик тамойилларнинг ўзаро мавжуд бўлиши сифатидаги умумий бирлик назарияси тамойилларини ривожлантириш учун даъволаш имкониятлари ҳамда конструктив ғоявий мақсад салохиятлари мажмуидаги ижтимоий мафкурани янги ижтимоий турини яратиш назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу тарзда мазкур тадқиқотда асосий ижтимоий-фалсафий концепциялардаги онтологик ҳамда услубий асосларни мутлоқлаштириш омили таъсири остида юзага келган зиддиятли ҳамда “етарли бўлмаган” ҳодисаларнинг умумий бирлиги фалсафаси нуқтаи назаридан мумтоз мафкуралар таҳлилини амалга ошириш эди. Тадқиқотнинг тегишли бўлимларидағи хulosалар натижасида ижтимоий-индивидуал зиддиятларнинг қарама-қаршилигини ўта кам ҳолатга келтирадиган умумий бирлик назарияси остидаги мафкуранинг муқобил тизимини шакллантириш учун янги услубий тизхимни барпо этиш имконияти белгиланди.

Мафкуранинг мумтоз шакллари (либарапализм ва тоталитаризм) манбаларини тадқиқ қилган ҳолда биз мазкур ижтимоий тизимлар жамоавийлик ёки индивидуаллик, мақсадга муносиблик ёки ирроционаллик онтологик тамойилларнинг издан чиққан ёки салбий маҳсулидир деган хulosага келмоқдамиз. Бу маънодаги мутлоқлаштириш қандайдир метофизик ибтидонинг ҳукмронлигидаги энг юқори даража бизнинг мисолимизда эса, жамоавийлик ёки индивидуаллик мақсадга муносиблик ёки ирроционаллик сифатида тушинилади. Империк воқеликда мазкур ҳодиса бузғунчи оқибатларга олиб келади ҳамда ижтимоий тизимнинг бекарорлик ҳолати ёки издан чиқишини аниқлаб беради. Мафкуравий шаклларнинг таҳлилини амалга ошириш учун услубий пойdevor сифатида биз метафизика шароитлари тизимини ва умумий бирлик мантигини танладик.

Онтологик-услубий, шунингдек ижтимоий-этик ва аксиологик зиддиятларни ҳал қилиш шарти сифатидаги “барчадаги барча нарса” умумий тамойили умумий бирлик назариясининг концептуал асосидир. Умумий бирлик фалсафасининг таҳлили жараёнида умумий бирлик назарияси Ғарбий Европа тафаккури ривожланиши

жараёнида шакланган фалсафий назарий синтетик тафаккурнинг муайян кўриниши эканлиги аниқланди.

Мазкур ишда “барча нарсадаги нарса” тамойилига ирсий жиҳатдан яқин бўлган назарияларнинг турли-туманлиги шароитида айнан XIX асрнинг охири XX аср бошларидағи диний рус анъанаси умумий бирлик ғоясининг бутун салоҳиятини тўлиқ ҳамда мантиқий ўзаро боғлиқликда намоён этиши мумкин эканлиги ҳолати асослаб берилган. Айнан, умумий бирликнинг русча кўриниши мақсадга муносиб-мантиқий ҳамда ирроционал-диний, жамоавий-ижтимоий ва индивидуал-шахсий “узоқлашган” тамойилларни умумлаштирилган ҳамда тартибга соган тузилмага энг яхлит ва тизимли бирлаштириши мумкин эди. Онтологик ибтидоларни (мақсадга муносиб ва ирроционал, жамоавий ва индивидуал) ижтимоий воқеликларни амалга ошириш натижаси сифатидаги мафкурани кўриб чиқсан ҳолда биз умумий бирлик услубиятига таянган ҳолда уларнинг ижтимоий дунёқараш тизимиға таъсир кўрсатиш шакллари ва даражасини қайд қилдик. Мафкуранинг трансцендентал мезонларини тадқиқ қилган ҳолда регельяттив-аксиологик салоҳиятга эга бўлган ҳамда ижтимоий ҳаётнинг барча асосий соҳаларини бирлаштирувчи асосий универсал тамойилга назарий таянган ижтимоий методоктрина эканлигини белгилади.

Масалан, мафкурани дунёни идрок этишнинг умумий асосларини белгиловчи модел сифатида тадқиқ қилиш мумкин. У ижтимоий ривожланишнинг моҳияти, мазмуни, устуворликлари ва мақсадларини кўрсатиб беради. Ижтимоий соҳадаги ижтимоий ибтидонинг мутлоқлашуви кўриниши сифатида биз мафкуранинг ялпи шаклини кўриб чиқдик. Ялпи мафкуранинг фалсафий назарий жиҳатларининг таҳлили жараёнда биз ижтимоий дунёқараш тизимидағи, шунингдек индивидуал тафаккур тизимидағи ҳукмрон ҳолатни қайд этдик. Бу мазкур турдаги жамиятнинг маънавий ва амалий фаолияти мажмууда салбий тарзда акс этган эди. Ялпи мафкурада умумийлаштирувчи асос сифатида биз жамоавийлик тамойилини кўрсатдик.

Ижтимоий воқеликдаги индивидуал ибтидонинг онтологик ҳукмронлигини биз либерал мафкура мисолида кўрсатиб бердик. Либерализм тузилмасидаги мақсадга муносиблик тамойилини мутлоқлаштириш ижтимоий тизимдаги салбий ҳаракат ҳамда ўзини издан чиқариш жараёнларига асос бўлишини таҳлилимиз кўрсатиб берди. Индивидуаллик тамойили эса ижтимоий тизимдаги мафкуравий ҳамда амалий механизмларининг умумийлаштириш омили сифатида юзага чиқади.

Тадқиқотнинг асосий фарази замонавий ижтимоий тизимларнинг зиддиятилиги ва беқарорлиги борасидаги салбийликни бартараф этиш йўли мафкурани яратишда эканлигидадир. Ижтимоий методоктрина мақомига даъвогарлик

қилувчи асосий назарий тузилманинг услубий жиҳати мухим даъволовчи хусусиятга эга. Мана шу асосда биз қарама-қаршиликларнинг синтетик мувозанати тамойилларига асосланган русча умумбирлик назарияси ижобий-услубий асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини аниқладик. Шундай қилиб “умумийбирлик диалектикаси” воситасининг лоакал назарий даражасида мақсадга муносиблик ва ирроционаллик, жамоавийлик ҳамда индивидуаллик тамойилларини амалга ошириш мумкин.

Умумий бирлик назариясининг этник мазмуни асосида ишлаб чиқилган тегишли аксиологик моделни яратиш асносида мафкурани ижтимоий-амалий жиҳатидан амалга ошириш мумкин. Мазкур аксиологик тизимнинг мухим жиҳати биринчи навбатда онтологик даражада утилитар ҳамда субъектив-прогматик асослардан кўра маънавий ҳамда умумаҳамиятлик қадриятлар ва мақсадларнинг объективлиги ва устуворлигини белгилашdir. Шундай қилиб мафкуравий тузилмага умумийбирлик тамойилига асосланган аксиологик тизимнинг киритиш воситасида ижтимоий ривожланишнинг истиқболдаги ижобий иқтисодий-сиёсий ижтимоий стратегиясини шакллантириш мумкин. Ижтимоий воқеликнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий мазмунига умумийбирликнинг мақсадга муносиб кўриниши сифатидаги синергетик методологияни қўллаб-қувватлаш орқали технологик жиҳатдан жорий этиш мумкин. Ижтимоий жараёнларни барқарорлаштириш, шунингдек, бугунги шароитлардаги оммавий онгни даъволаш самарасига русча умумий бирлик диний анъаналарда келтирилган ирроционал омиллар ҳамда очиқ тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш назариясида илмий назарий жиҳатдан шакллантирилган мақсадга муносибликнинг янги шаклларини бирлаштириш асосида эришиш мумкин бўлиб кўринмоқда. Масалан, “бошқариш – ўз-ўзини бошқариш механизмини” жамоавий – индивидуал мавжудликни бошқариш жараёнларидағи умумий бирлик ғояларининг диний-этик аксиологик салоҳиятини амалда жорий этиш учун услубий жиҳатдан қўлаш мумкин.

Умумийбирлик назарияси асосида яратилган мафкуравий доктринада ҳам умумий аҳамиятга эга бўлган универсал тартибдаги (жаомавийлик тамойили соҳаси) субъектив-релятив даржаларини (индивидуаллик соҳаси) қадариятларини ички жиҳатдан келиштириш мумкин бўлиб кўринмоқда. Бундай бирлаштириш учун асос бир томондан ҳам мақсадга муносиб технологик майдонда (бу мафкурий дунёқарашни келгусида сиёсий ва амалий жиҳатдан амалга оширишини таъминлаш учун синергетик услубиятга илмий асос яратиш предмети бўлиши мумкин) қарор топади, бошқа томондан жамиятнинг ментал соҳаларида илдиз отган ирроционал – онгдан ташқари майдонда бўлиши мумкин.

Мазкур жиҳатни таҳлил қилиш жараёнида ижтимоий тарққиёт ҳамда мафкуравий бошқариш стратегиясини яратиш учун бир

томондан хиссий ўз-ўзини ташкил этиш жараёнлари моҳиятини белгиловчи жамият, халқнинг ментал ўзига мансублигини ҳисобга олиш зарурати тақозо этилмоқда. Бошқа томондан эса ижтимоий бошқаришнинг муҳим қуроли сифатида белгиланувчи трансцендент умумий ёки умумбашарий қадриятларга жамиятни маънавий жиҳатдан йўналтириш ўта муҳим бўлиб кўринмоқда мазкур ҳолатда аксиология тизимидағи универсал қадриятларнинг устувор мақоми дунёқарашдаги маънавий қадриятларнинг ҳукмрон мавқеини белгилаб беради ҳамда уларга риоя қилиш умуммажбурий эканлигини асослаб беради. Бундай ташқари бунга ўхшаш қадриятлар ижтимоий бошқарув жараёнларини тўғри йўлга солиш ҳамда замонавий жамиятнинг яхлитлиги ва ривожланиши шарти сифатидаги барқарор ҳамда мувозанатли ҳолатни сақлашнинг асосий йўлга солувчи воситасидир.

Айнан умумий бирлик мафкураси асосида бир томондан ижтимоий-хиссий ўз-ўзини ташкил этиш омилларини табиий тарзда бирлаштириш мумкин. Ўз-ўзини ташкил этиш (анънавий дунёқарашга ҳамда трансцендент-мутлоқ қадриятларга асосланган) ҳамда регулятив бошқариш тамойилларини (бу ҳам универсал ҳамда умумаҳамиятга эга бўлган ижтимоий меъёрларга таянади) мувофиқлаштириш, энг аваало, инсоний мавжудликни маънавий-ахлоқий соҳаларини эркин ўзлаштиришга мўлжалланган муваффақиятли ислоҳ қилувчи – даъволовчи ижтимоий ўзгаришларга имкон яратади.

Яхлит маънавий тузилма сифатидаги умумийбирлик концепцияси унинг асосий тамойиллари ягона мафкуравий майдонга йиғилса, жамиятнинг дунёқараш, аксиологик ва мақсад белгилаш асосларини ислоҳ қилиши мумкин бўлиб кўринмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бундай мафкуравий тузилмага индивидуал ва шахсийлик, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро бир-биридан келиб чиқадиган мантиқ асосида ҳаракатланадиган мақсадга муносиблик ва ирроционалликнинг иккиёқлама онтологик тамойилларини синтетик мувозантлаштириш учун услубий ҳамда онтологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай турдаги назарий модел ижтимоий воқеликнинг жамоавий индивидуал шакллар мавжуддигининг турли кўринишларини бирлаштириш ва бу билан ижтимоий мавжудликнинг ҳам маънавий- шахсий, ҳам моддий-иқтисодий даражаларидаги ижтимоий тизимнимнг барча тузилмавий унсурларини ўзгартириши ва такомилаштириши мумкин.

Шунга боғлиқ ҳолда умумийбирлик назариясининг методологик асосий умумийликнинг онтологик тамойилини яратиш воситасида фундаментал зиддиятларни уйғунлаштириш учун “ижобий шакл” бўлиб кўринмоқда.

Мазкур ҳолатда “умумийлик” воқеликни идеал барпо этиш тамойили ҳамда замонавий ижтимоий тизимга яратувчан таъсир

күрсатиш учун барча назарий асосларга эга бўлган ижтимоий-атропологик дискурс воситаси бўлиб кўринмоқда. Бундай тизим яратувчи шароит мақсадга муносиб-ирроционал ва жаомавий индивидуал қарама-қаршиликларнинг бошқариш жараёнларини ижобий эркинлиги тамойили асосидаги ижобий ўзгаришлар омилидир. Буни муқобил мафкуравий моделни яратишдаги мутлоқлаштиришга жило бериш асосида амалга ошириш мумкин.

Бинобарин муқобил мафкура учун модел сифатидаги умумий бирлик назарияси ижтимоий-индивидуал ўзаро ҳаракатларнинг тенглиги маънавий ҳамда бағрикенглик дунёқараши қадриятларининг умумаҳамиятлилиги тамойилини амалга оширишга, шунингдек ижтимоий тизимни барқарор ва мустаҳкам ривожини яратишга мўлжалланган амалий чораларни амалга ошириш учун ғоявий асосни белгилашга имкон беради.

### **Ижтимоий тажриба нуқтаи назаридан мафкура – фалсафий таҳлил**

Ўта кенг кўламли “мафкура” атамаси Дестю де Тра-си томонидан таклиф этилган маънавий фаолиятнинг қатъий асосларини белгиланишга мўлжалланган. Мафкуранинг умумқамровли фани (ғоялар келиб чиқиши тўғрисидаги таълимот) луғати лойиҳаси билан бойитилди. Уйғониш даврида “мафкура” тушунчаси камситилди уни ғоялар яратиш жараёни билан таққослаш бошланди. “мафкурачиларни” воқеъликни фикрда (ўзларининг олий “бош чаноғидан”) эркин талқин қилувчи мутахассислар деб атаган Маркс ва Энгельс ҳам шунга яқин талқиндан фойдаланган. Кейинчалик талқин қилиш анъанаси бир мунча ўзгарди. Эндиликда талқин қилиш анъанаси қайта мулоҳазадан ўтказилиб ижтимоий-фалсафий талқинда мафкура ғоялар (қарашлар) тизими сифатида икки ёқлама а) дунёни тушуниш (кишиларнинг борлиққа, ўзига, ўзига ўхшаш мавжудотларга муносабати – алоҳида олинган ижтимоий манфаатлар, мақсадлар нуқтаи назаридан дунё тасвири); дунёга муносабат (айнан ўша алоҳида олинган ижтимоий манфаатлар, мақсадлар нуқтаи назаридан борлиқни ўзgartiriш дастури) сифатида талқин қилинадиган бўлди.

Хозирги вақтда мафкура маънавий ва амалий-маънавий ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи ялпи ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида юзага чиқмоқда; бу ерда ғояларни ишлаб чиқиш (фалсафадан фарқли ўлароқ) ҳам мақсадлар ҳимоясини, ҳам уларни амалга ошириш технологияларидан иборат бўлган идеал намуналар орқали воқеъликни ўзgartiriш вазифалари билан бу ерда чамбарчас боғлангандир. Ўзининг функционал моҳиятига кўра мафкура соғ маънавий ёки амалий-маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин эмас. У инсон фаолиятини ?????????????????? сифатида акс эттирувчи (аралаш) синкетик ҳосиладир.

Кундалик фаолиятда мафкура мақомини қамраб олувчи мавзулар соҳасини тадқиқ қилиш омилларнинг икки гурухи: ижтимоий фаолиятда мафкура борасидаги узук-юлуқ асоссиз фикрлардан қутилиш зарурати; мафкуранинг ижобий ижтимоий яратувчиликка асос яратувчи, фуқароларни сафарбар қилиш хислатларидан фойдаланиш зарурати дан келиб чиқади.

Маънавий ва маънавий-амалий мажмуа сифатидаги мафкурани ҳис қилишга бўлган доимий қизиқиш инсониятнинг сийқаси чиқсан тарихига қизиқишдан келиб чиқаётгани йўқ. Мақсадга йўналтирувчи, ташаббусга ундовчи рағбатлантирувчи ролга эга бўлган “ҳақиқатни субъектив эътироф этиш”нинг назарий-ўрганиш талабларига жавоб берган ҳолда мафкура ўта қудратли кучга эга. Нафақат “илмий бўлмаган” ғоялар издошлари Кампанелладан Соловьевга қадар бўлган илоҳий салтанат лойиҳаси сифатидаги таърифни келтиришнинг ўзи етарлидир. Позитивизм ва изм сифатидаги онгнинг ҳаёлий қўринишига эга бўлган бу муросасиз курашчиларнинг қарашларида ички “мафкуравий” қардошлиқ борлигини таъкидлаш жоиз. Тарихнинг асосий далилларини ўргангандан ҳолда Милл ҳудди алгебрадаги сингари чексиз қаторлардаги бир неча аъзони аниқлаган ҳолда “аъзоларнинг ҳар қандай миқдори қаторнинг навбатдаги бўғини қандай бўлишини ва уларнинг шакланишидаги доимийлик тамойилини кашф қилиш” га имкон берадиган тараққиётнинг мажбурловчи қонуни бир кун келиб қарор топишини таҳмин қилган эди.

Прогрессизмнинг концептуал мағзини номоён этувчи, сабаблийкни мутлақлаштиришга қўшимча бўлишга мўлжалланган гнесеологик функционализм тизимдаги унсурларнинг роли, ўрни, вазифаси тушунчасини тарқатишга имкон яратади. Бу нуқтаи назардан таҳлилчининг қизиқиши яхлитлик ва қисмлар ўртасида боғлиқни ўрнатишга қаратилган бўлади. Гап шундаки услубий функционализм ижтимоий ғоя салоҳиятини кучайтира ва кенгайтира олмайди. Анча истиқболли бўлган бу йўналишнинг асосий камчиликлари мавҳумлик, турғунлик, мутаносибликка йўл қўйишнинг соҳталиги, хусусий жиҳатларга эътибор бермаслиқдир. Бинобарин, ғоявий прогрессизмни таъминлаш заҳираси сифатида услубий функционализмдан фойдаланиб бўлмайди.

Ижтимоий воқеъликларни олдиндан пайқаш асоси сифатидаги прогрессизм асосини позитивизм ва изм озиқлантиради. Буларнинг бир бирига маънавий яқинлиги нимагадир ҳанузгача тегишли тарзда талқин қилинмаган.

- Универсиализм: инсоният тарихи ижтимоий организмлар ривожининг ягона қонуни билан қондириладир – ижтимоий тизимлар (босқичлар, формациялар) қурилишини маънавий (Конт) ёки моддий алмаштириш модели;

- Эволюционизм: озми кўпми мукаммал босқичларга фарқланган

ҳаракат; Конт варианти –(интеллектуал, маънавий ўсиш;) моддий (ишлаб чиқариш кучлари) ўсиш;

- Финализм; комилликнинг якуний босқичларини назарда тутиш; Конт варианти –позитив ҳолат; (Спенсер варианти – “мукаммал баҳт”); вариант – коммунизм;

- Профетизм (пайғамбарларга хос таълимот): “кўз ўнгимиизда” келажакни ёрқин тасвиirlаб бериш;

- Активизм: орзиқиб кутилган баҳт ташаббуси; Конт варианти – инсоният учун янги динни тарғиб қилиш; а вариант – интернационал – жамиятни инқилобий ўзгартириш. Агар прогрессизмга Миллча ёндошув функционализм нуқсонларига эга бўлса, Контча ёндошув механизм нуқсонларига эга. Бу ёндошувдаги нуқсонлар келажак тўғрисида “ўтмиш ва бугунги кундан” келиб чиқсан ҳолда мулоҳаза юритолмаслиқдан ва тарихдаги жонли ижодкорликнинг кутилмаган ҳодисаларини назардан қочиришдан келиб чиқади.

Мафкура ва мафкурадаги хатолар ўта қимматга тушади. Бунга инсоният тарихижаги кўпдаб воқеалар мисол бўла олади. Буни ёдда тутган ҳолда ҳаётни мафкурасиз қўйиб бўлмаслигини (инсон бир нарсага интилиб яшаши боис маънавият бўшлиқقا тоқат қила олмайди, у нафратланиш шакли бўлган тубан бепарволик билан тўлиши мумкин) унутмаслик лозим.

Ёзаётганидек умр кечир, қандай умр кечираётган бўлсанг шундай ёз, акс ҳолда созинг оҳанглари сохта бўлиб чиқади деб васият қилган эди К.Батюшков, янгича мафкуранинг қимматли негизи мана шундай бўлиши лозим.бу ерда авторитар, шак-шубҳага йўл қўймайдиган онгнинг эмас ва фуқароларча масъул онг мафкураси назарда тутилмоқда.

Бунинг иложи борми? “мафкура” келиб чиқиши борасида “эътиқод”га яқинроқ туришини эслатиб ўтган эдик. Эътиқодни қандай қилиб мустаҳкамлаш мумкин? Ч.Пирснинг фикрига кўра эътиқодни қарор топдиришнинг уч усули мавжуд, қатъийлик усули: танлаш ҳаракатларини такрорлаш ва ижтимоий мустаҳкамлаш билан бирга кечадиган мустақил асосларни қабул қилиш орқали мақсадга эришиш; обрў-эътибор усули: бу дунё зўравонларига таянган ҳолда ижтимоий фикри шакллантириш; илмий оқлаш усули.

Шундай қилиб, барибир илмий оқлаш усулига келдик. “Эътиқод” дан фарқли ўлароқ “мафкура” тадқиқот услубиятига яқин воситалар ёрдамида яратилади. Мафкура илмий бўлиши мумкин эмас, у илмий асосланган бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган фикрлар идеократияга (онгли ғояларга асосланган тизим) нисбатан тегишли урғулар қўйишга имкон беради. Ижтимоий қурилишнинг мазмундор асоси сифатидаги идеократия бўлиши мумкин эмас. Бунинг маъноси йўқ. Шундай бўлсада Ватанни соғлом ҳис этиш сифатидаги мафкура бўлиши мумкин.

К.Аксаковнинг ибораси билан айтганда ўз ерига хурмат, ўз

халқининг ўзига хос тарихий ҳаётига ва уйғун ривожланишга бўлган ҳуқуқини эътироф этиш, олдимизда ҳар нарса ясаш мумкин бўлган жонсиз материал эмас, балки буюқ, ўзига хос, қудратли халқ турганлигини доимо ёдда тутиш мафкурага асос бўлиши мумкин. Сўзнинг аниқ маъносида умуммиллий мафкура замонавий тушунишда ўзини улуғлашни эмас балки муайян мамлакат ва унинг халқи ўзига етарли эканли борасидаги ғояни қайд қиласади, бошқаларга етказади. Чунки мамлакатга қуруқ ваъз-насиҳатлар, бажарилмайдиган ваъдалар керак эмас, балки кишиларда ўз шаъни, ҳуқуқлари, соғлом фикр ва адолатга мос келадиган қонунлар ҳиссини уйғотиш зарур. Гоҳ ашаддийлик, гоҳ етимчалик ҳиссига тўла диндорлик, тобеълик, иккинчи тоифа кишиларга, учинчи жаҳон мамлакатлари гуруҳига мансублик ҳиссларини улоқтириб ташлаш зарур.

Хозирча тарихий ривожланиш билан миллий фарқларни текислаб бўлмаслиги, миллий мансублик қарашлари муҳим бўлганлиги боис миллий манфаатларни алоҳида эътибор билан ватанпарварлик туйғулари устида барпо этаётган миллий мафкураси айнан шу масалани кўтармоқда: фуқаролар учун ватан манфаатларидан юксакроқ манфаатлар бўлиши мумкин эмас; ҳеч қачон унинг манфаатларини қурбон қилиб бўлмайди.

Миллий ғоянинг моҳият-мазмуни – кўпмиллатлилик, турли халқлар, маданиятлар, анъаналар, динларнинг уйғун бирлашуви. Мамлакатдаги барча яхши жиҳатлар .....

### **Мафкура - ижтимоий мавжудлик муаммоси сифатида**

Мафкура борасидаги ҳар қандай ишнинг долзарблиги икки жиҳат билан боғлиқ экани аниқ: биринчидан, фалсафий муаммо сифатидаги мафкура ҳодисасининг назарий тадқиқотида муайян бўшлиқ мавжуд. Бу ерда бизнинг назаримизда бу иш мазкур масалани ошкора муҳокама қилиш учун эндиғина имкониятга эришганимиз ёки ўз ишимизда ғарб назариётчиларининг фикрларидан фойдалана олмаётганимизда эмас. Муаммо бир мунча чуқурроқ: фалсафанинг ўз йўлини ўзи белгилашидаги, йигирманчи асрда ҳаётда юз берган бурилишлар фалсафа учун асосий бўлган бир қатор тушунчаларни қайта кўриб чиқишини тақозо этмоқда. Мафкура онг билан бир қаторда XIX асрдаги фалсафий концепцияларга услубий таянган ёндошувларни қўллаб бўлмайдиган тадқиқотнинг кўп қиррали обьекти бўлиб чиқмоқда. Мафкура назарияси афтидан “тизимли инқизорни бошидан кечирмоқда” ва ҳозирги вақтда лингвистика ва психотаҳлил соҳаларидаги бир мунча тор ишланмаларда кўзга ташланмоқда.

Иккинчидан жамиятимиз сўнгги йигирма йилликларда анча ўзгаришларни бошидан кечирди. Ҳаётнинг барча соҳасида юз берган

силжишлар бир қатор ички муаммоларни вужудга келтирмоқда, янги ҳаёт шароитларининг фаолиятдаги эски қолипларга мос келмаслиги ва янгича қолиплар учун умумий мақсадлар ва мезонлар шакллантирилмагани бу муаммоларга хос жиҳатлар бўлиб кўринмоқда. Ижтимоий ҳаёт суръати шахснинг ўз ўрни ва функциялари, ўзини номоён этиш ва ижтимоий рол борасидаги илгари оддий ва бир-бирига боғлиқ тушунчаларни парчалаб ташлади. Бу “ижтимоий ҳаётнинг мақсадсизлиги, бемаънолиги, сифатсизлиги”га, ундан ошиш шакллари яратилмаганлигига олиб келмоқда. Айнан мана шундай шароитда муайян инсон ва умуман ижтимоий организмнинг қандайдир ижтимоий стратегиясини, мақсадлари, мазмуни ва мўлжаллаган уфқларини кўрсатиб берниувчи мафкурани шакллантириш муаммоси долзарблашиб бормоқда. Вазият шу билан ҳам мураккаблашадики, биз СССРдан қолган якка мафкурачилик шароитларида мафкуравий кўп фикрлиликни яратиш заруратига дуч келмоқдамиз

Ваниҳоят, бугунги дунёда юз бераётган ҳамда умумий ижтимоий маконнинг шаклланиши, “дунёвий тамаддуннинг вужудга келиши”турли маданиятлар, турли жамиятларнинг ўзаро ҳаракат усуслари ва механизмлари тўғрисидаги масалани, турли қадриятлар ва мафкуралар бирлашувининг асослари ва воситалари тўғрисидаги масалани ўта долзарблаштироқда. Шундай қилиб мафкура умумфалсафий мулоҳазалардан четда қолган мавзу эмас, у ижтимоий-фалсафий тадқиқотнинг муайян предмети сифатида номоён бўлмоқда.

Айни пайтда мафкура сингари ижтимоий ҳодисага муайян эскича қарашлар асосида қарор топган фалсафий шароитларни; бугунги аксарият тадқиқотчиларга лоақал назарий даражада бўлсада бугунги турли-туман жамиятда “умумий” мафкурани ҳал қилишга имкон бермаяётган шароитларни аниқлаш долзарблигича қолмоқда. Аслида зиддиятлар (жамият ва унинг “ғоялари” ўртасидаги) сифатида ушбу мавзуни кўтаришнинг ўзи мафкурани таърифлаш ва моделлаштиришнинг олдинги услубий заҳиралари ниҳоясига етганлигини англашади.

Сўнгги йилларда “Мафкура назарияси” бўйича асосий ишлар таҳлили бизнингча, йигирманчи асрнинг ўрталарида қадар мафкура гносеология соҳасидаги муаммо сифатида таърифланганлигин унинг “муаммолилиги” инсон онгининг ўз функцияларидаги мавжуд воқеъликни холис акс эттиришдаги узилишлар билан белгиланишини кўрсатади. Мафкурани тасвирлашга айнан гносеологик ёндашувнинг устиворлиги ҳам Янги замон фалсафасининг илмийлашви, ҳам моҳиятига кўра сиёсий вазифаларга гносеологик схемаларнинг осонлик билан қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Бу XX аср охирига қадар мафкура муаммоси “бўлмаганлини”

англатмайди. Гап шундаки сўров усулининг ўзида қалбакилашув (симуляция) юз беради – жавоб аслида фалсафанинг ўзидаги йўл қўйишлар билан тайёрлаб қўйилган, яъни барча кишиларда бир хил мақсадга муносиблик ёки ўрганиш обьекти сифатидаги ижтимоий воқеъликнинг бир хиллиги тўғрисидаги йўл қўйишларнинг мавжудлиги. Ҳамонки кишилар ва жамият “умуман олганда” бир хил экан мафкуранинг “моҳияти” тўғрисидаги масала ҳам лоақал “умумий” кўринишда “бир марта ва ҳамиша учун” ҳал қилиниши лозим.

Бизнингча, биз ҳеч қачон мафкуранинг “сўнгги” таърифини ололмаймиз, чунки мафкура бу доимо мафкуралар бўлиб у турли жамиятларга тегишлидир ҳамда ижтимоий ҳодиса бўлиб биз “умуман” мафкуралар турлари ва ижтимоийлик турлари борасида сўз юрита олмаймиз. Ишнинг мазкур босқичидаги онтологик ёндошув мафкурани ижтимоийликка олиб бориб тақаш, унининг вазифаларини аниқлаш, биз мафкурани таснифлашимиз мумкин бўлган мезонларини топишдан иборат эди.

Мафкура жамиятнинг у ёки бу ижтимоий тузилмалари, “тизимчалари” (Н. Луман) ва “майдонларини” (П. Бурдье) яратишнинг ўзига хос воситаси бўлиб чиқди; унинг ўзига хослиги муайян қадриятларнинг ҳаракати билан боғлиқ; унинг тури ижтимоийликда тутган ўрни ва мафкура ўз вазифасини бажариш учун қўллайдиган усувлар (воситалар) билан белгиланади. Шунингдек мафкуравий жиҳатни ижтимоий йўлга солишининг бошқа усувлари сифатида ҳам тасвиrlаш мумкин: яъни мафкура фаолиятнинг “тирик” тўқимасига бирлаштирилган қандайдир субстрат, “бириктириш” нуқтасидир (Жижек).

Дастлабки маънода мифология ва дин “мафкуравий”дир; хатто анъана ҳам жамият ўзини яратишининг мафкуравий усулидир (Луман). Мафкуранинг биз одатланган кўринишда “пайдо бўлиши” (Голдман) буткул янги ижтимоий оламларни яратиш заруратидан келиб чиқадики бу мафкуранинг ижтимоий “табиатини” ва аҳамиятини таъкидлайди. Бошқарув жараёнларига тортилган сари мафкуралар “анъанавий”, “оддий”, “соғлом маъно” бўлишга мойил бўла бошлайди, яъни маданий тасвиrlаш материалига айланади – мафкуралар барча “эҳтимолдаги” оламларнинг асоси бўлган кундалик ҳаётда “умр кечиради” ва қайта яратилади. Турли хилдаги мафкуралар бугунги замонада тўқнашади ва жамиятларнинг турлича эканлигини назарда тутган ҳолда биз турли мафкураларни мослаштириш усули, ўрни, заҳираси тўғрисидаги масалага қайси мафкура тўғри келиши борасидаги масалани аралаштириб юборамиз.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу масалани ҳал қилиш учун эндиликда ижтимоий ҳаётнинг олдинги моделлари ҳам етарли эмаслиги аниқ бўлиб қолди. Устига устак хусусий ҳодисани (мафкурани) тасвиrlашнинг муайян анъанасини танқид қилиш бизни

ҳаётда бурилишни бошдан кечирган фалсафанинг ўзидаги эски воситаларни қайта кўриб чиқиш ва янгила воситаларни яратишга ундамоқда.

Шундай қилиб бу борада қуйидаги икки жиҳатни янада аниқ ва диққат билан кўриб чиқишга боғлиқ. Биринчиси биз тилга олган ғоя – мафкуранинг ўзидаги замонга боғлиқлик ва тузилмавийлик билан боғлиқ бўлиб бу мафкура ижтимоий тизимлар моҳияти, “коди” ҳатто замон-макон бирлиги, “маконда жойлашган “ташқи қиёфа” (Бурдье), “замонда давом этадиган “тузилма” (Гидденс) эканлиги борасидаги фаразни батафсилроқ очиб беришимизга имкон яратади. Бундай ёндашув ижтимоий тавсифлашга урғу берган ҳолда онтологик назарни кучайтириб жамиятларни мафкура орқали, мафкураларни эса жамиятлар орқали тасвирлаш учун яна бир “доира” яратишга имкон берган бўлар эди

Иккичи жиҳат тадқиқотнинг асл фалсафий доираларини “кенгайтириш” билан боғлиқ. Турли мафкуралар бирга мавжуд бўлиш борасидаги “хусусий” масалани ҳал қилишда онтология “ўрнига” гетерология (ҳодисаларнинг турли-туманлиги борасидаги назария) имкониятларини ўрганиш қизиқарли бўлиб кўринмоқда. Ҳозирги вақтда муаллифга гетерология муаммони бундай қўйиш имкониятларига эга бўлиб кўринмоқда, бироқ бу ечимни сиёсий амалиётда қўллаш чеклангандир.

Жамиятимиздаги сўнгги ўн йилликда мавжуд бўлган уч мафкура ва уларни “танқид қилиш” усуулларини таҳлил қилишга уриниш натижасида биз давлат ва жамиятнинг мос келиши шароитларидағи қатъий йўл, мафкура моделини ўзига бўйсундирганини ёки кундалик ҳаётдан келиб чиқадиган вазиятга боғлиқ мафкураларни оралиқ мафкурага айлантирган вазиятдан миллий ғояни шакллантириш ва жамиятда турли туман мафкураларнинг катта миқдори мавжудлиги ўртасида “ёпишмаслик”, жарлик мавжудлиги вазиятига чиқиб келдик.

“Узилган ҳалқа”нинг бундай ҳолати жамиятнинг ўзидаги иерархик тузилмадан келиб чиқади, бунда давлат антологик мақомга эга функцияларни ўзи бажаради, ҳуқуқий бошқариш ва қайта алоқа механизмлари шаклланган фуқаролик жамиятига мос тартибда ишламайди. Бу аниқ ижтимоий стратегияни шакллантиришга бўлган уринишлар икки ёқлама бўлишига олиб келади: ижтимоий кайфият соат кафтгирига ўхшаб мафкуралишдан ҳоли бўлиш ва мутаассиблик ўртасида тебраниб туради. Биз ҳам бу муаммони турлича таърифламоқдамиз, чунки сўнгги параграф материаллари замонавий мафкуранинг умумий назарияси бу ҳодисага анъанавий ёндошув ғояларига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Юзага келган вазиятни бартараф этиш йўллари тўғрисидаги фаразни илгари суриш мумкин. Бизнинг фикримизча энг оқилона йўл “ўрта” синфи қўллаб-қувватлаш сиёсати, ҳуқуқий тизимни йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш сиёсати билан, яъни “ҳуқуқий давлатни”,

давлат “фаровонликнинг ҳеч қандай хусусий концепциясини тақсимламайдиган” фуқаролик жамиятни босқичма босқич шакллантириш билан боғлиқдир. Амалда бу қадриятли негизини “бойлик сифатидаги ҳуқуқ” ташкил этадиган мафкурани “ишга тушириб юборишни” англатади. Бу ерда икки ёқлама қийинчилик шундан иборатки, мафкура эндиликда “энг яхши” бўлолмаган ҳолда “асосий” бўлишига тўғри келади.

Гарчи муайян назарий озуқага эга бўлсада, жамиятда кўп субъектли ва кўп маданиятли ижтимоийлик барпо этиш йўлидаги “горизонтал” сиёsat истиқболлари ҳозирча бир мунча мавҳум ва анчагина баландпарвоз бўлиб кўринмоқда. Бу маънода ҳар қандай турдаги мафкура таҳлили ва алоқаларининг имкониятлари ва услубий ҳаракатининг истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ қадамлар, гарчи бу мафкуралар муносиб тарзда мавжуд бўлиши учун қандайдир майдонни (айтайлик, ҳуқуқ майдонини) шакллантириш заруратини кўрсатаётган бўлсада, “назарий жиҳатдан олдинда бориш” ёрлиғини олган ҳолда амалга ошмай қолмоқда.

Шундай қилиб, бугунги жамиятда мафкурани шакллантириш истиқболлари бизнинг фикримизча учта ривожланиш йўлига қадар торайиб бормоқда: биз ё “ўрта бўғинни” тиклаймиз ва жамиятнинг горизонтал ва вертикал меъёрлардаги мақбул ўзаро ҳаракатини таъминловчи тузилмаларни қўллаб-қувватлаймиз (ана ўшанда турли мафкуралар ижтимоийликнинг турли “секторлари”, “бўғинлари” ва ҳудудлари учун ишлайди), ёки бир турдаги жамиятнинг “қатъий” моделига мувофиқ давлат томонидан ҳукмронлик воситаларини ишга соглан ҳолда фарқларни олиб ташлаб уйғунлик ва тартибга эришилади. Ёхуд биз “ҳамма нарсани ўз ҳолида қолдиришимиз” ва бу билан миллатчилик мафкуралари учун олдинга чиқиб олиш учун йўл очиб беришига индамай қараб туришимиз керак бўлади.

Ижтимоий ҳаёт, маданий майдондаги обьектлашган дунёқарашибакларини таҳлил қилишдан олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган мафкура ҳаракати концепцияси мафкуранинг мислсиз дунёқараашлар қаймоғи сифатидаги кўринишини аниқлашга имкон берди. Мафкуранинг дунёқараашдан фарқи ҳам исботланди: дунёқарашибакларини мазмунга эга чунки мафкура унинг мазмунини шакллантиради. Мафкура билан ўзаро ҳаракатга кирган ҳолда афсона моддийлаштириш обьектига айланади; фалсафа – ижтимоий ҳаётнинг фаол бўғинини қайд қилиш сифатида мафкуранинг маъно яратувчи кўп қиёғалилигидир. Якка ҳолда мифология, дин ва фалсафа инсоннинг дунёни ўзлашитиришдаги умумий жиҳатларини ўзида бирлаштиради, бироқ улар индивидуал бетакрор дунёқарашибакларини мавжуд бўлади. Руҳнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши мафкура орқали кечади. Бинобарин мафкура ижтимоий ҳаёт атрибути сифатида инсон дунёқараашлари турли-туманлигининг бирлигидир ва ўз навбатида ижтимоий онгнинг барча ҳосилалари

булар орқали ўтади. Мафкуранинг ижтимоий ҳаёт атрубути эканлиги умумий маданиятнинг акс эттиришнинг муаян усулида номоён бўлади. Шу аснода мафкуранинг ўзига хослиги шундаки, у дунёга инсон муносабати усувларининг ўта умумлагани бўлган ҳолда мафкура доимо ўз объекти сифатидаги мустақил маънавий ҳосилаларга эгадир.

Мафкура таъсири остида маданиятдан объектлашган дунёқараш шаклларини ажратиб олиш жараёнининг амалга оширилган таҳлили буни қуидаги тарзда кўрсатмоқда. Дунёниг мафкуравий тасвири ижтимоий ҳаётда инсоний жамият вужудга келганидан буён мавжуд ва инсоннинг дунёни маънавий ўзлаштириши объективлаштирилиши усулидан иборатдир. Мазмунига кўра бундай мафкура инсоннинг ўз-ӯзини ва уни ўраб турган борлиқни англаш жараёнларининг умумий жиҳатларидан иборатдир. Бу эса мафкура инсон маданияти турли шаклларидан уларнинг муайян кўринишларининг аниқ бирлиги сифатида бу маданиятлар мазмунидан устун туришини англатади. Яъни мафкура инсон ва муҳит ўзаро ҳаракатларининг ўзгариши, дунёниг, инсоннинг ўзгаришига қараб ўзгариб боради. Бироқ уни тарихий даврнинг муайян руҳига боғлаб бўлмайди. Булар мафкура асосида вужудга келадиган тегишли мустақил шаклларга бирлашади. Бу маънода мафкура ижтимоий ҳаёт маънавий ҳосилалари мазмунига нисбатан юзакидир. Онтологик қонуниятларда мафкура масалан ҳуқуқий воқеълик сингари ижтимоий ҳодисаларга ўхшаб кетади. Ҳуқуқнинг тарқалиши айнан шакл орқали юз беради, чунки ҳуқуқ асосида мазмун тенглиги эмас расмий тенглик қарор топгандир.

Ижтимоий ҳаёт ўзининг барча кўринишларида яхлитдир. Мафкура бу яхлитликни орзулар даражасида бўлиб юборади. Аммо бундай ҳаёт субстансиал ибтидога эга – бу инсон ҳаётидир. Шу боис мафкура асосида, унинг ривожланишида “моддийлаштириш” ва “моддийлаштириш воситаси” даги жараёнлар қарор топгандир. Шу аснода моддийлаштириш воситаси ҳам яхлитдир ва бир вақтнинг ўзида инсоннинг олам билан ва ўз-ӯзи билан ўзаро ҳаракатини назарда тутади. Мазкур ишда фалсафадаги бундай ўзаро ҳаракатлар талқинига мафкуравий жараёнларнинг асосий детерминистик ва функционал-корреляцион алоқаларидағи оламни мафкуравий акс эттиришнинг муҳим жиҳатларини аниқлаш мақсадидаги ёндошувларнинг турли туманлиги ўрганиб чиқилди. Бу инсоний фаолиятда мафкуравий жиҳатлар мавжудлигини асосли тарзда очиб беради. Хусусан, инсон табиатининг ўзгармаслигини рад этиш ва инсон моҳиятини узлуксиз мантиққа зид ижодиётга олиб бориб тақаш орқали постмодернизмни кўриб чиқиш инсон ижоди унинг ўзи ва олам билан муқаррар тарзда ажралмас эканини кўрсатмоқда. Мафкуравий воқеъликни ундаги ижоднинг факат рамзий хусусиятлари орқали сунъий ажратиб кўрсатиш воситасида

мафкуравий воқеъликка бир томонлама ишлов берган ҳолда постмодернизм ақлга зид равища ўз пойига болта уришни бошлайди. Фалсафанинг бу оқими фалсафа бўлишга даъвогарлик қилган ҳолда инсон тасаввур қиласиган оламни эмас балки унинг аниқ мавжудлиги мазмунига етишга интилади. Бироқ санъатдаги ижодни гегелча тадқиқ қилишнинг ўзиёқ рамзий санъат буюм ва қиёфани фақат ташқи томондангина таққослай олишини кўрсатган эди. Ижтимоий ҳаёт постмодерн ҳаётдан суриб чиқаришга уринган ўрганиш маъносидаги рамзийликка айланиб бормоқда.

“Моддийлаштириш” – “моддийлаштириш воситасида” диалектикаси орқали мафкура сифатларини даражаларга ажратиш ижтимоий ҳаётдаги ушбу атрибутнинг ички томонларини аниқлашга имкон берди. Бу билан ўз ўзини англаш жараёнлари диалектикасида ва фалсафадаги ғоялар даврийлигида мафкуранинг детерминистик ва функционал-корреляцион алоқаларини аниқлаш орқали мафкуранинг муаллиф назаридаги концепцияси ишлаб чиқилди. Мафкуранинг ижтимоий ҳаётга нисбатан ўзига хос эканлиги ижтимоий онгнинг ҳиссий шакли сифатида асослаб берилди. Мафкурада инсон фаолиятининг обьектлашуви илк бор онгнинг моддийлашуви ва аниқ моддийлик ўртасидаги зиддият орқали исботлаб берилди. Шу асосда руҳ шакли орқали ижтимоий турмушни таҳлил қилишнинг янги шакллари таклиф этилди. Бу ижтимоий ҳаёт атрибути сифатидаги мафкуранинг яхлитлигидаги функционал-корреляцион алоқаларини фалсафий қоидаларнинг даврийлиги орқали аниқлашга имкон яратди. Маданиятнинг энг юксак шакли сифатидаги фалсафадаги тарихий ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида инсон фаолиятида ижод устуворлигига қурилган мафкура механизмининг муаллифча модели таклиф этилди. Ижтимоий турмуш атрибутлари сифатидаги ижод ва мафкуранинг зарурий алоқаси исботлаб берилди, бу фалсафий мактаблар ривожида мафкуравий негиз мавжудлигини асослашга имкон берди. Мафкура фалсафага нисбатан мустақиллаштирувчи куч сифатида, фалсафа эса мафкура ёйилишининг ислоҳ қилувчи омили сифатида илк бор тақдим этилмоқда.

Ижтимоий ҳаётга нисбатан мафкуранинг ўзига хослиги ички алоқаларда кузатилди. Мафкуранинг аниқ тарқалишини сунъий равища моддийлаштириш оламни фалсафий таҳлил қилишдаги нотўғри қарашларни келтириб чиқаради. Тескари томондан ҳаракат қилиш усули билан изланаётган хулосани қўлга киритамиз: мафкура олам билан ўзаро ҳаракат шакли сифатида соф ҳаёлий ҳам эмас, соф тажрибадан пайдо бўлган ҳам эмас балки инсоний фаолиятнинг ажралмас хусусиятидир.

Мифологик дунёқараш инсон табиатидаги онтологик зиддиятни мустаҳкамлайди. Шу аснода “моддийлаштириш” – “моддийлаштириш воситасида” диалектикаси унда энг юқори турувчи (трансцендентал)

субъект орқали амалга ошади. Ўз-ўзини ўрганишга киришган инсон энг аввало ўз онгининг қудратли кучига эга бўлади. Онглиликнинг хусусияти қардош хусусиятга эга чунки барча кишиларга тегишлидир. Афсонанинг жамоавийлиги ўз давридаги мафкуравий ёндошувда устувор бўлган жиҳатларни акс эттиради. Логос, Номос, Этоснинг дастлаб вужудга келиш шароитларида уларнинг умумий аҳамияти шахс аҳамиятидан қийматлироқ эди. Дин маданият мафкуравий ҳолатининг бошқа бўғинига қўл уради. Насл инсоннинг мангу маънавий ибтидоси сифатида, руҳ эса ҳар бир муайян мавжудликдаги индивидуаллашиб сифатида юзага чиқади.

Диний дунёқараш инсон фаолиятидаги “моддийлаштириш воситасида” ги жараёнлардаги ўсиб борувчи бегоналашишни кучайтиради. Бу энг аввало инсоннинг ўз ўзини яратишига тегишлидир. Диний дунёқарашдаги ахлоқнинг инсон устидан ҳукмрон кучга айланиши мана шундан келиб чиқади. Инсондаги ички мазмуннинг ўзи, инсоннинг қалби унга нисбатан мустақил бўлиб қолади ва ўрганиб бўлмайдиган (трансцендентный) хусусият касб этади. Инсоннинг яратилган мавжудот сифатида ўзи маънавий моҳиятидан бегоналашуви мазкур тенденцияларнинг якуни эди.

## БУГУНГИ ДУНЁДАГИ МАФКУРАЛАР ТҮҚНАШУВИ

### Мафкурага қайтиш зарурати

Мафкуравий кураш – бу ижтимоий онг ва кишилар хатти-ҳаракатига таъсир ўтказиш учун курашдир, бу асосий сиёсий ва ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал қилиш учун кишилар назарида ўз йўлини тайёрлаш ва асослаб беришдир. Ҳаётнинг кўпгина жиҳатлари “иктисодлашишга” тортилган бугунги жамиятда санаб ўтилган жиҳатлардан сўнгисини асослаб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кундаги олимлар “мафкура” тушунчаси генезиси ҳамда ҳақиқат ва мафкура нисбатини кўриб чиқсан ҳолда кишиларнинг маънавий ва амалий мақсадларининг ўзига хосликлари, мафкурани тарқатиш усуллари ҳамда унинг ижтимоий ҳаётга таъсири, ижтимоий тузимни барқарорлаштириш ёки заифлаштиришда дунёқарашнинг ролини ҳам таҳлилдан ўтказишмоқда, онгнинг анъанавий шаклларидаги инқизозни мулоҳазадан ўтказишга ва айни вақтда “глобал”, “планетар” “дунёвий” қадриятлар тизимини ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқишига уринмоқда.

XX асрда дунёдаги мафкуранинг мавжудлигини шартли тарзда уч тўлқинга бўлиш мумкин, булардан ҳар бири муайян концепция билан тасвиirlаб берилиши мумкин:

- Аср боши – “**мафкуралашиш**” (ижтимоий инқилобларга олиб келган XIX аср мафкуралари курашининг давом этиши; нацизм ва фашизмнинг вужудга келиши),

- 40-70 йиллар – “**мафкуралашишдан ҳоли бўлиш**” (нацизм ва фашизмнинг барбод бўлиши, марксизмнинг оёқ ости қилиниши),

- 70-90 йиллар – “**мафкуралашишга қайтиш**” (қуидагилар: а) мамлакат ичкарисида ва давлатлараро муносабатлардаги иктисодийлашув) ва б) “ғарбий” ва “ноғарбий” деб аталмиш қадриятлар тизимининг ошкор бўлмаган ва номафкуравий деб эълон қилинган қарама-қарши туриши соясида мафкура назариясини ўрганишига қизиқишининг ортиши).

Санаб ўтилган концепциялардан сўнгиси биз учун замонавий ва бинобарин жаҳонда юз бераётган долзарб жараёнларни изоҳлашга қодир бўлган концепция сифатида бизда энг катта қизиқиш ўйғотмоқда.

1929 йилда К. Мангеймнинг “Идеология и утопия” китоби чиққандан сўнг Ғарбда мафкура назарияси узоқ йилларга қадар ишлаб чиқилмади. Албатта, бу муаммони ўрганиш тўхтаб қолгани йўқ, бошқа ижтимоий фанлар (масалан, оммавий коммуникациялар социологияси) ривожланди ва шаклланди, мафкуравий жараённинг у ёки бу томонлари шу фанлар доирасида кўриб чиқилди. Ғарбда 30 йилларда бошланган мафкура назариясига бўлган қизиқишининг камайиши 70 йилларга қадар давом этди, мамлакат олимлари “капиталистик мамлакатлар ижтимоий онгида позитивистикка мойиллик аста-секин ортиб бораётганини изоҳлашга урина

бошладилари. Позитивизм ўз хulosаларини фақат табиий ва техник фанлардан олинган эмпирик материаллар асосига қуради. У шу аснода ҳақиқатнинг кўп қиёфали эканлигини эълон қилган ҳолда ижтимоий тараққиётнинг ягона назариясини рад этади..."

Буржуазия фанида позитивистик услубиятнинг мустаҳкамланиши 50 йилларда машҳур ғарб назариётчилари Р. Арон, Д. Белл, С. Липсет, Э. Шилз, А. Шлезингерлар "мафкуралашишдан ҳоли бўлиш" назариясини ишлаб чиқа бошладилар". Бунинг маъноси "мафкура таназзули" ва "мафкуравий тизимлар халокати" XX асрга хослигидан иборатдир. Келиб чиқишига кўра рус, аммо Германияда иш олиб борувчи А.А.Зиновьев миллатчилик, фашизм ва марксизм таназзулига асосланган "мафкуралашишдан ҳоли бўлиш" назариясини хато деб атади. "мафкура хотимаси ғоясининг ўзи соф кўринишдаги мафкуравий ғоядир, ғарб мафкурасининг мафкура умумий қонунларига тўла мос равишда фақат ўзини ҳақиқат, мафкуранинг бошқа шаклларини эса ёлғон ва хатто жиноят" деб ҳисоблаши борасидаги ғояси мавжуд". А.А.Зиновьев – мафкурадан ҳоли бўлиш ғояси мафкуралар можароси ва Ғарб-Шарқ ғоявий қадриятлар зиддиятини никоблаши лозим: рақибни зиддиятга сабаб йўқлигига ишонтирган ҳолда осонлик билан ғалабага эришиш мумкин, деб ҳисоблади.

"Мафкуралашишдан ҳоли бўлиш" ғояси гарчи унча фаол бўлмасада бугунги кунда ҳам Ғарбда ривожлантирилмоқда. 70-, хусусан 80-йилларда тадқиқотчиларнинг мафкура назариясига муносабати кескин ўзгарди. Мафкура ғоясини ижтимоий ҳодиса сифатида ва унинг бугунги дунёдаги ролини акс эттирувчи янги фаразлар шаклланди. Шу тарзда "мафкуралашишдан ҳоли бўлиш" концепцияси ўрнини аста-секин "мафкуралашишга қайтиш" эгаллай бошлади.

Шундай қилиб биз "мафкуралашишдан ҳоли бўлиш" тўғрисидаги фараз бир вақтлар кўтарилганига қарамасдан бугунги дунёда мафкуралар тўқнашуви мавжудлигини аниқлаб олдик. Ғоялар тизимишининг тўқнашувини тасвирлашга уриниб кўрамиз.

**Либерализм (XX асрда. - неолиберализм)** бу шахсга нисбатан давлат ёки жамият томонидан бўладиган мажбурлашнинг турли шаклларини бартараф этиш ёки юмшатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар ёхуд ҳукуматлар, ғоявий-сиёсий таълимотлар, сиёсий ва иқтисодий дастурларнинг мажмуасидир.

"Дунёқараш маъносида либерализм асосини шахсий эркинлик тамойили, гуруҳга оид, синфий, миллатчилик ва бошқа бидъатларни қабул қилмаслик, космополитизм, бағрикенглик, демократизм, шахснинг асл қийматини қадрлашдир. Кишининг ҳаётга, эркинликка ва хусусий мулкка бўлган туғма инсондан ажралмас ҳуқуқлари либерализм назариясининг асосидир. Хусусий мулк шахсий эркинлик асосидир, бусиз инсон ўзини номоён эта олмайди." Ж. Локк,

Ш. Монтескье, дунёқарашибаридан бошланган либерализм назарияси И. Кант, Ф. Гегел, Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Ф. Ницше, А. де Токвил, М. Вебер, Э. Фромм асарларида ўта тўла ўз аксини топди. Иқтисодий маънода давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслиги, эркин бозор ва эркин рақобатнинг ривожлантирилиши либерализм учун асосий нарсадир. Сиёсий маънода либерализм қонун олдида барча фуқаролар тенглиги тамойилига эга бўлган ҳуқуқий давлат зарурлигини назарда тутади.

Ғарбдаги ижтимоий-сиёсий тафаккур 70-йилларга қадар либерал-консерватив келишув деб аталмиш шароитларда ривожланди. Неолиберализмнинг бугунги назариётчилари мумтоз таълимотни тўлдирмоқда. М.Фридман ҳозирги шароитларда А.Смитнинг иқтисодий эркинлик ҳамма нарасадан юқори эканлиги борасидаги фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди. Масалан, А Р.Дарендорф либерализм назариясини ривожлантирган ҳолда “ҳаётий имкониятларни бойитиш” тамойилини илгари сурди.

Ижтимоий тузилмаларнинг модернизациялашуви натижасида 70 – 80 йиллар оралиғида либерал-консерватив келишувнинг издан чиқиши юз берди. Жамоавий шартномаларнинг кенг тарқалиши, тўлиқ иш билан бандликни талаб қилиш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турли шаклларида меҳнаткашларнинг иштирок этиши, маошнинг ошиши ушбу модернизациянинг асосий омиллари эди. Аммо касаба уюшмаларининг иш ҳаққини мунтазам ошириб боришга интилиши пулнинг қадрсизланишига, инвестицияларнинг камайишига, технологик янгиликлар киритилишининг тўхтаб қолишига, меҳнат унумдорлигининг суст ўсишига кўп жиҳатдан имкон яратди. Демократиянинг инқирози, бошқарув издан чиққанлиги тўғрисида гаплар юра бошлади.

Мана шундай шароитларда **неоконсерватизм** унинг муқобил таклифлари: меҳнат муносабатларини индивидуаллаштириш, иш ўринлари учун ёлланма ишчилар ўртасида рақобатни кучайтириш ва либерал эркинликларни чеклашга йўл тутиш кучга кира бошлади. Шундай қилиб макуранинг (бир тизим доирасидаги) тўқнашувларидан бири либерализм ва консерватизмни келтиришимиз мумкин. Навбатдаги тўқнашув тарзида “буржуйча” мафкуралар ва марксизм тизимлари ўртасидаги “совуқ урушга асос” бўлган анъанавий тўқнашувни келтиришимиз мумкин.

**Марксизмнинг** бугунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ғоялари орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатилмоқда:

- Сиёсий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида тушуниш, ҳокимиятни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилиш;

- Сиёсат, маданият ва маънавий ҳаёт моҳиятининг ижтимоий-иқтисодий муҳитдан келиб чиқиши;

- Синфий жамиятда сиёсий ҳокимият ва давлатнинг қарама-қаршилиги: бир томондан, давлат жамият барча аъзоларининг муайян манфаатларини ифодаловчи ташкилот, бошқа томондан давлат камчиликни ташкил этувчи ҳукмрон синфлар, кучлилар қуороли сифатида кўриб чиқилиши;

- Назарий билимларнинг, жамият маънавий етуклигининг юксак баҳоланиши. “Назария оммани эгаллагандаги моддий кучга айланади”.

К.Маркс ҳуқуқий ва сиёсий муносабатлар моддий ҳаётий муносабатларда илдиз отиши борасидаги қоидани асослаб берди. “Бирон бир ижтимоий формация ўзи етарли имконият яратиб берган ишлаб чиқариш кучлари тарқалмасдан олдин халокатга учрамайди ва янги янада юксак ишлаб чиқариш муносабатлари эски жамият бағрида уларнинг мавжудлиги учун моддий шароитлар пишиб етулгунча вужудга келмайди”. Бу муҳим услубий қоида бугун ҳам асосий қоида сифатида кўплаб жамиятшунослар ва сиёсатшунослар томонидан эътироф этилмоқда.

Аммо бугунги шароитларда тарихий воқеликларни таҳлил қилишга айнан шу ёндошув ҳаммадан кўпроқ танқидга тортилмоқда. У экономикоцентризм (А. Панарин), тараққиётнинг бир чизиқли назарияси (Г. Шахназаров) ва ҳ.к. деб эълон қилинган. Хусусан, сўнги муаллифнинг “Цена свободы” монографиясидаги бош ғоя замонавий шароитлар ривожланишнинг бир омилли (марксча) концепциясидан кўп омилли тараққиёт концепциясига ўтишни таклиф этади ва асосий омиллар жумласидан фан ва техника тараққиётини, сиёсий тузим қурилишини, мафкура турини, геосиёсий шароитлар, мавжуд дунё тартиботи ва бошқаларни ҳисобга олишни тавсия этади. Бироқ шу аснода Шахназаров техника тараққиёти ижтимоий тараққиётнинг бош меъзони деган хулосага келадики бу К.Маркснинг тарих боришида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг роли устивор экани борасидаги назариясини рад этмайди.

Марксизм ва хусусан неомарксизмни ўрганиш билан фақат мамлакатимиздаги назариётчилар шуғулланмаган. СССР таназзулига қарамасдан коммунизмнинг умумий ғоялари жозибадорлигича қолмоқда ва бошқа мафкураларга таъсир ўтказмоқда. “Коммунизмга эришиш усуллари эскирди, мазкур ғоянинг айрим тамойиллари ....ашаддий танқид билан биргаликда умуман ғояларнинг бадном бўлишига имкон яратди”. Ғояларнинг бадном бўлишига неомарксизм оқими (20 йилларда пайдо бўлган, 60-йилларда “янги сўллар” ҳаракатининг оммалашуви) шароит яратиб берди. Унинг ривожланишида Франкфурт назариётчилари - Э. Фромм, Г. Маркузе, Т. Адорнолар фаол иштирок этди. Неомарксизм тарафдорларига нигилизм ва сиёсий экстремизм хос бўлиб бу ҳам марксизмнинг анъанавий мафкураси оммавийлашига йўл бермади.

Энди айрим хулосаларни чиқариш мумкин. Шундай қилиб замонавий ғарб мафкуралари

• ички зиддиятларни бошидан кечирмоқда: етакчи либерализм сифатлари ўзгаришларга тортилмоқда: эволюцияга содиқлик инқилобчилик билан алмашмоқда (масалан, фаровонлик даражасига нисбатан “ҳамма нарса ва ҳозирнинг ўзида” тамойилини тарғиб қилиш); неолиберализмга хос бўлган жамоавийлик тамойилидан индивидуализмни (шахсий муваффақиятни тарғиб қилиш) кўтариб чиқишига ўтиш юз бермоқда ва ҳ.к.;

• марксизм, гарчи бадном бўлганига қарамасдан айрим олимларнинг фикрига кўра “эришиб бўлмайдиган орзу” сифатида жозибадордир, аммо рақобатбардош мафкура ролини ййнамайди;

• мафкуралар ўртасидаги можароларда иштирок этади – коммунистик йўл тутган мамлакатларда вужудга келган мафкуравий бўшлиқни тажовузкорона тўлдирмоқда, бу мамлакатлар учун ҳозирги вақтда имконсиз бўлган истеъмолчиликни тарғиб қилган ҳолда аҳолини йўлдан тойдирмоқда.

Этатик хусусиятга эга мафкуралар (тоталитаризм, авторитаризм) таназзулидан кейин хусусан жамиятда пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ тўғрисидаги ғояни давом эттирамиз. Мамлакатдаги айрим олимлар давлат мафкурасининг мавжуд эмаслиги ва дастлаб СССР, сўнгра айрим давлатлар дуч келган инқироз ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлиги борасида очиқдан-очиқ сўз юритмоқда. СССРдаги ижтимоий ҳаёт ҳукмрон партия мафкураси билан тўлибтошгани, шўроларнинг оммавий ахборот воситалари кўп йиллар давомида дунёдаги энг мафкуралашган ОАВ қиёфасига эга бўлганлигига қарамасдан ҳозирги вақтда мамлакатдаги мафкуравий аппарат ўз вазифасини улдалай олмаганлиги борасида биринчи қарашда мантиққа зид бўлган қарашлар вужудга келмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда қатор нашрлар орасидан Шимолий Осетия Давлат университети профессори А.А. Магометов – ташқи мафкуравий таъсирга энг кўп тортилган ҳудуд заифлигининг “Роль буржуазной идеологии и средств массовой информации в распаде СССР и мировой системы социализма” (*СССР таназзулида буржуазия мафкураси ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда жаҳон социализм тизими*) асарини ажратиб кўрсатамиз.

Совет Иттифоқи таназзулидан олдинги йилларда буржуазия мафкураси кучайган шароитларда бизнинг мафкурамиз ўзининг беғамлигини намойиш этди, ўзининг заифлигини исботлади, олға босиш сингари энг муҳим сифатидан жудо бўлди. Бу ҳодисанинг асосий сабабларидан бири сифатида у қуйидагиларни кўрсатиб ўтган: марксизм-ленинизм назариётчилари ўртасида “буржуазия мафкураси тарихий истиқболини йўқотди, чуқур инқирозни бошдан кечирмоқда ва шу боис у билан курашиш зарурлиги борасидаги масала ҳал бўлди деб ҳисоблаш мумкинлиги борасидаги асоссиз фикр қарор топди”. Ўша вақтларда яъни СССРда ва сўнгра Россияда ислоҳотчилик сиёсати бошланган вақтда бизнинг назаримизда мафкура

зиддиятлари мавжудлигини ниқоблашга дастлабки уринишлар пайдо бўлган эди. “Эскирган” социализмни янгисига алмаштириш” фарази илгари сурила бошлаган эди.

Шу аснода ҳам назарияда, ҳам тарғиботда “демократик социализм” борасидаги ислоҳотчилик концепцияларига алоҳида эътибор берилди. Назария ва тарғиботда оммавий ахборот воситалари орқали мазкур концепциянинг – “этник”, “бозор”, “христианча” ва бошқача социализмларнинг турли кўринишлари тиқиширила бошлади. Шу аснода аниқ мақсадга: кишилар эътиборини илмий социализмдан ва унинг мақсадлари учун кураш заруратидан чалғитиш ва шу тарзда Ғарб мафкураси ва тарғиботи социализмга қарши эмас балки уни такомиллаштиришдан манфаатдор эканлиги борасида тасаввур яратишга интилиш эди”. Мафкуралар зиддиятининг аниқ кўринишлари ўрнини қарама-қаршиликнинг яширин шакллари эгаллай бошлади.

Биз юқорида бугунги дунёдаги “иқтисодийлашув” тўғрисида сўз юритиб ўтган эдик. Эндиликда хатто анъанавий мафкураларнинг янгиланиши ва уларнинг мумтоз бўлмаган шакллари (неомарксизм, неолиберализм, неоконсерватизм) “давлатнинг иқтисодий фаолиятини баҳолаш”ни қайта кўриб чиқиш билан боғлиқдир. Тарғибот кампанияларни фош қилиш фақат уларнинг асосий моддий асослари, ушбу кампанияларни ўтказишга интилаётган кучларнинг туб манфаатлари очиб берилсагина самарали бўлиш мумкин. “Аммо на СССРда ва на бошқа социализм мамлакатларида юз бераётган ҳодисаларнинг аниқ тавсифларини топишга жиддий интилишлар ҳам мавжуд эмас эди.”

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мафкураларнинг яширин, бироқ мафкураларнинг аниқ можароси шароитлариларида буюк давлатни вайрон қилиш учун йўналтирилган ахборотга қарши туриш мумкин бўлган “аниқ йўналишга, илмий асосда ишлаб чиқилган концепцияга, қатъий қарашларга эга эмас эди”. Мазкур мамлакатларнинг ОАВ “умумий иқтисодий маконни сақлаб қолиш учун ҳеч нарсага қўл урмади, аксинча бу маконнинг вайрон бўлишини илғор ҳодиса сифатида етказишга уринди.”

Шундай қилиб, мафкуравий курашнинг “энг сафарбар” қисми сифатидаги ОАВ роли аниқланди. Шунингдек, биз оммавий ахборот воситаларининг ғояларни етказувчи медиум сифатидаги ролини ҳам белгилаб олдик. Ҳар қандай соҳадаги (хусусан мафкура соҳасида) матбуотнинг, хусусан электрон ОҚМларнинг устувор мавқеи барча замонавий ўзгаришлар ахборотлашган жамият вужудга келаётганлиги билан ҳам изоҳланади.

Ахборотлашган жамият – замонавий жамиятга, унинг ҳаёт фаолиятига жадал ўсиб бораётган, барча соҳаларга сингиб кираётган ахборот нуқтаи назаридан қарашдан юзага келадиган тушунчадир. Мазкур тушунчада умуман замонавий жамият ривожининг бошқарув

жиҳати асосий жиҳат ҳисобланади. Ахборотлашган жамият ривожи билан бир қаторда оммавий коммуникация воситаларининг бошқарув аҳамияти учинчи жаҳон уруши бошланиб кетганини кўрсатмоқда; бу “ҳарбийлар ва оддий фуқаролар ўртасидаги фарқни тан олмайдиган ахборотнинг партизанча урушидир” (М.Маклюэн). Оммавий коммуникация воситалари, хусусан, телевидение ёрдамида уларга хос бўлган сценаризм ва инсон ҳамда жамият онгига таъсир кўрсатиш усуслари билан дипломатияни олиб бориш кундан кунга оддий холга айланмоқда”.

Шундай қилиб, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация воситалари тараққиётидаги етакчилик ҳозирги даврда ҳукмрон мавқени таъминлашнинг энг самарали воситасига айланмоқда. Ғарб мамлакатлари ва Япония ахборотлашган жамиятни шакллантиришни ниҳоясига етказишга анча яқинлашиб қолди; улар ОАВ соҳасидаги анча ривожланган ахборотлашган тизимлар ва юксак технологияларга эга. Шунинг учун ахборот устунлигини, айрим ҳолатларда етакчи ҳукмронлигини таҳмин қилиш учалик қийин эмас, шу аснода бу ерда гап қандайдир мавҳум етакчи давлатлар тўғрисида бораётгани йўқ. Ахборотлашган жамият даври инфократияни – ўзига хос ғоявий, сиёсий ва иқтисодий манфаатларга эга бўлган элитани шакллантиради. Янги жиддий сиёсий муаммолардан бири эндиликда жамиятнинг ахборотлашуви авторитар тенденцияларни кучайтиrmайдими деган масаладир. Ҳукмрон доиралар барча нарсадан хабардорлиги бошқалар эса хеч нарса билмаслиги юзага келган ҳолатни тасаввур қилиб кўриш мумкин.

“Ахборот соҳасида ривожланиш тенденциялари ахборотнинг жамланиши натижасида кўпчилик томонидан қўлга киритиладиган сиёсий ҳокимият бевосита амалга оширилмаслигини” тасаввур қилиш мумкин. Шаклланган ҳукмрон элита ўзига хос “инфократия” бўлиб чиқиши мумкин, унинг ҳокимият манбаи халқ олдида кўрсатилган хизматлар эмас, балки ахборотдан фойдаланишнинг катта имкониятлари мавжудлигидир.

Мафкураларнинг замонавий зиддиятлари ҳақида сўз юритганда биз XX асрдаги ғоялар зиддиятларига хос бўлган ҳаракатларнинг (мафкуравий, тарғибот) ошкора бўлмаган, мавҳум хусусияти тўғрисида бир неча бор айтиб ўтган эдик. Мафкураларнинг “жанг майдони” кишилар онги, “қуроли” эса оммавий коммуникация воситалари эканлиги борасидаги фундаментал билимларга таянган ҳолда диссертациянинг навбатдаги бобларида мафкуралар зиддиятларини амалга ошириш усули сифатидаги ахборот урушларини аниқлашга ва ўрганишга ҳаракат қиласиз.

**Бузғунчи мафкура ижтимоий феномен сифатида**

Бугунги кунда ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмаслиги, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қарааш ва кайфиятлари “маъқул” йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради. Президент И.А. Каримов таъкидлагани каби, ҳозирги давр ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб бораётган даврdir. Хусусанн, мамлакатимиз ичидаги ўзларининг заарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳҳобийлар, “ҳизбут таҳрир”чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда мафкуравий полигонларда муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг ғаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

Сўнгги ўн йилликларда дунёда ижтимоий хавфли сиёсий, диний, миллатчилик ва бошқа гуруҳбозликларнинг фаоллашуви кузатилмоқда. Уларнинг фаолияти жамият билан мутлақо мафкуравий қарама-қаршиликка асосланган. Уларнинг замонавий шароитларда кенг тарқалиши улар вужудга келган минтақалар учунгина эмас, балки бутун дунё учун ҳам таҳдидларни туғдирмоқда. Турли дунёқарашга тизимлар ўртасидаги назарий курашдан бошқа мафкура ташувчиларини жисмонан қириб ташлаш орқали курашга ва рақибларини репрессия қилишга ўтиш феномени айнан бузғунчи мафкуралар билан узвий боғлиқ.

XX аср охири ва XXI аср бошларида ахборот хуружлари, диний-сиёсий руҳдаги бузғунчи ғояларнинг фаоллиги мисли кўрилмаган миқёсларда ошди. Бунинг ҳозирги глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ бир қатор сабабларини кўрсатиш мумкин:

- Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий табақаланиш ва фарқларнинг янада катталашуви, айниқса, сobiқ СССР парчаланганидан кейинги даврда ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши.

- Халқаро иқтисодий алоқалар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга минтақаларда (араблар ва исроилликлар низоси, сobiқ Югославия ва сobiқ СССР мамлакатларидағи элатлараро низолар), шунингдек, алоҳида давлатлар ичидаги (Шимолий Ирландиядаги ИРА, Франция ва Испаниядаги баск сепаратистларининг фаолияти) ижтимоий танглик

ва элатлараро конфессионал низолар ўчоқларининг пайдо бўлиши.

• Анъанавий дунёқараашга эга институтларнинг (черковлар, сиёсий ва иқтисодий таълимотлар ва б.) инқирозга юз тутиши ва бунинг оқибатида, бир томондан, АҚШ ва Ғарбий Европа постиндустриал жамиятида кенг омманинг маънавий жиҳатдан ўз йўналишини йўқотиши ва аномия ҳодисаларининг намоён бўлиши, бошқа томондан – собиқ социалистик лагерь мамлакатларида коммунистик мафкуранинг инқирозга учраши билан омма онгининг мафкурасиз бўш қолиши.

• Оммавий коммуникация воситалари, айниқса, электрон оммавий ахборот воситалари, омма онгига таъсир қилишнинг ахборот-коммуникацион технологияларининг ривожланиши (глобал ахборот тармоқлари, телевидение, радио ва б.), бу алоҳида индивид, сони кам бўлган секта ёки террористик гурӯҳга кўлами каттароқ бўлган обьектлар (давлатлар, минтақалар, халқаро ташкилотлар)га ахборот ҳужумини самарали уюштириш ва тарқатишга имкон беради.

• Иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақалардан ривожланган минтақаларга, асосан, Осиё ва Африкадан Ғарбий Европага ҳамда Жанубий Америкадан АҚШ ва Канадага аҳолининг оммавий қўчиши, бу ишчи кучи ва ижтимоий таъминот хизматлари (имтиёзлар, нафақалар ва б.) бозорида туб аҳоли ва муҳожирлар диаспоралари ўртасида рақобатнинг авж олишига олиб келади. Ушбу жараён, ўз навбатида, реципиент мамлакатларда ксенофобия ва миллатчилик кайфиятларининг ўсишига шароит яратади.

• Қурол-аслаҳаларнинг (шу жумладан, оммавий қирғин қуролларининг) такомиллаштирилиши ва техниканинг ривожланиши, айниқса, ядро, кимё саноати, транспорт, ахборот ва йирик мегаполисларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган бошқа тизимларнинг ривожланиши. Бу нисбатан камсонли бўлган экстремистик гурӯҳларга террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш ва кам харажат эвазига катта миқёсли техноген ҳалокатларни уюштиришга имкон беради. Техноген ва ахборот фожиалари олдида мегаполислар инфратузилмасининг ожизлигини 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги савдо маркази биносининг портлатилиши ва бошқа террористик ҳаракатлар мисол сифатида кўрсатилади.

• Миллий ва этномаданий анъаналаридан қатъи назар, алоҳида инсоннинг, шу билан бирга, кенг омманинг дунёқарашини ўзгартириш имконини берадиган оммавий маданият глобал индустриясининг ривожланиши. Бу жараённинг оқибатида, анъанавий маданиятларнинг сиқиб чиқарилиши, миллий менталитет ва миллатнинг жисмоний соғломлигининг бузилиши (алкогол, наркотикларни истеъмол қилишни, зинони тарғиб қилиш орқали), шоу-бизнес маҳсулотларини тарқатиш йўли билан глобал миллийлик ичидағи кичик маданий оқимларнинг шаклланиши (аввало, ёшларга

оид).

• Энг ривожланган мамлакатлар ижтимоий ҳаётида индивидуалистик қадриятларнинг устуворлиги, бу – бир томондан, шахснинг сиёсий, диний, маданий манфаатлари эркинлигини таъминлаш, бошқа томондан – ана шу ҳуқуқларнинг ижтимоий хавфли бирлашмалар томонидан суистеъмол қилиниши учун, “синтетик” динлар ва бошқа бузғунчи таълимотларининг шаклланиши учун шарт-шароитларни яратади.

Ўзбекистон каби мамлакатлар учун сиёсий экстремистик гурухлар ва ижтимоий хавфли оқимлар, улар томонидан илгари суриладиган бузғунчи ғояларининг кенг тарқалишидаги энг муҳим сабаблар ўтган аср охирларидағи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ ва улар қўйидагилардан иборат:

• Тизимли иқтисодий инқироз ва ишлаб чиқариш даражасининг батамом тушиб кетиши (1990 йилларда саноат ишлаб чиқариши ҳажми жуда қисқарди, оммавий ишсизлик ва аҳолининг даромад даражаси бўйича табақаланиши, кенг омма ҳаёт даражасининг тушиб кетиши).

• Жамиятнинг мафкурасиз қолиши. Бу, бир томондан, умумдавлат миқёсида бирлаштирувчи мафкура бўлмагани, иккинчи томондан – Ғарб мафкурасининг ОАВ ва шоу-бизнес маҳсулотлари орқали ахборот билан таъсири, мамлакат учун ноанъанавий бўлган диний дунёқарашга эга тизимлар ва ташкилотларнинг кенгайиши туфайли юз берди.

• Собиқ иттилоқ мамлакатларининг аксарияти учун хос бўлган миллатлараро муносабатларнинг кескинлиги. Бу жараён оқибатида нафақат чегараланган ҳудудлардаги балки бевосита низо зонасидан ташқарида ҳам қуролли ҳаракатлар ёки қўпорувчилик ҳаракатларининг амалга оширилиши.

Бу каби омиллар сиёсий, иқтисодий ва диний кўринишдаги тажовузга йўналтирилган у ёки бу шаклдаги ҳам диний, ҳам дунёвий янги мафкураларнинг кенг тарқалиши учун шарт-шароитларни яратди.

Бу каби бузғунчи мафкуралар қаерда ва қандай вужудга келгани, фаолияти характеристери ва бошқа белгиларидан қатъи назар, уларда маълум бир умумий қонуниятлар кузатилади: умумқабул қилинган қонунларни, ахлоқий меъёрлар, маданий ва маънавий қадриятларни рад этиш, ўз дунёқарашини, сиёсий хоҳиш-иродасини жамиятнинг қолган қисмига тиқиширишга интилиш, террор, маънавий ва ахборотга оид зўравонлик ёки найрангбозлик усусларидан фойдаланиш.

Шу муносабат билан, бузғунчи мафкураларни ўз асосида умумий шарт-шароитлар, қонуниятлар, тарафдорлари ва ижтимоий институтларга таъсир кўрсатиш усусларини мужассамлаштирган мажмуавий ҳодиса сифатида ўрганиш долзарб масалага айланади.

Мазкур тадқиқот лойиҳасида шундай мафкураларнинг жаҳонда ва мамлакатимизда шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари ҳамда ҳодисалари кўриб чиқилади.

Лойиҳада муаммонинг долзарблиги ва ижтимоий аҳамияти бузғунчи мафкураларни ижтимоий феномен сифатида ўрганиш билан боғлиқ ушбу мавзуни ўрганишда қўйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Бузғунчи мафкура – жамият тараққиётининг ҳозирги шароитларида объектив зарурӣ бўлган ижтимоий муносабатларнинг бузилишига хизмат қиласиган мафкура бўлиб, у назариялар, қарашлар, меъёрлар, қадриятлар ва уларни жамиятда тарқатиш усулларидан иборат тизим сифатида муайян ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини ифодалайди. Нисбатан бузғунчи ёки бузғунчи мафкура деганда, кенг маънода, шундай мафкуралар тушуниладики, улар мавжуд ижтимоий муносабатларнинг бузилишига хизмат қиласиди. Мутлақ бузғунчи ёки тор маънодаги мафкуралар деганда, ҳар қандай ижтимоий алоқалар ва институтларнинг бузилишига хизмат қиласиган, умуман жамиятнинг ривожланиши, ҳатто, яшашига имкон қолдирмайдиган мафкуралар тушунилади.

2. Бузғунчи мафкура миноритар ижтимоий гуруҳларнинг нотўғри ифодаланган манфаатларига асосланади ва ушбу манфаатларни бутун жамият учун қўллаб бўлмайдиган усулларда амалга оширишни назарий жиҳатдан асослайди.

3. Бузғунчи мафкураларнинг қўйидаги тамойилларга асосланган кўп даражали янги таснифи таклиф этилади:

- “бузғунчи мафкура” атамасини кенг ва тор ижтимоий-фалсафий маъноларда таърифлаш;
- улардан бузғунчи мафкуралар асосий тамойилларни, қарашларни, ақидаларни, рамзлар ва тушунчаларни олиши мумкин бўлган энг асосий манбаларни – яъни, асосий дунёқараш оқимларини ажратиш;
- бузғунчиликнинг таъсири ва тажовуз йўналишининг характеристини аниқлаш;
- бузғунчи ҳаракат обьекти ва манфаатларини амалга оширишнинг асосий доирасини аниқлаш;
- глобаллашув жараёнлари доирасида мафкуранинг ўрнини белгилаш.

4. Бузғунчи мафкуралар учун унинг йўналиши қандай бўлишидан қатъи назар, назарияларда у ёки бу йўсинда намоён бўладиган қўйидаги жиҳатлар хос:

- ижтимоий ҳодисаларга субъектив ёндашув (тор ижтимоий гуруҳ манфаатлари нуқтаи назаридан);
- ижтимоий воқеликни ўрганиш ва акс эттиришда диалектикага қарши хусусият;
- обьектив ижтимоий жараёнларни иррационалистик тарзда

талқин қилиш.

5. Бузғунчи мафкураларнинг кенг ривожланиши ва унга мувофиқ ташкилотларнинг фаоллашиши постиндустриал дунёдаги ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви, замонавий технологик инқилоб шароитларида оммавий ахборот-коммуникация воситалари соҳасидаги муаммоларнинг авж олиши билан изоҳланади. Бузғунчи мафкураларнинг ҳам субъект сифатида, ҳам объект сифатида асосини маргинал гуруҳлар ташкил қиласи.

6. Бузғунчи мафкуралар уларнинг жамиятдаги ҳолатини ўзгартириш мазмунида ривожланишнинг қуидаги босқичларини босиб ўтади:

- туғилиш;
- тарқалиш;
- ҳукмронлик қилиш;
- консервация (қотиб қолиш);
- парчаланиш.

7. Бузғунчи мафкуралар, айниқса, цивилизация ва ижтимоий тузумга оид кучли инқирозлар даврида кенг тарқалади, бунда улар жамиятнинг барча қатламларидаги энг маргинал ва миноритар гуруҳларнинг ижтимоий норозиликларидан фойдаланади.

Тадқиқот лойиҳасида бузғунчи мафкураларнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларининг таҳлили ўтказилган. Якуний қисмида бузғунчи мафкураларнинг мамлакатимизнинг глобал дунёга интеграциялашуви асносида ривожланиш истиқболларини тавсифланади.

Биринчидан, ахборот инқилобининг янада чуқурлашуви, инсонга таъсир кўрсатувчи техник воситалар ва психологик механизmlарни яратиш алоҳида индивиднинг дунёқарашини анъанавий маданиятдан бошқа мазмунда шакллантириш имконини беради. Бу эса анъанавий сиёсий, диний ёки бошқа концепциялардан ташқарида ётган мафкураларнинг қатъяян янги шаклларининг пайдо бўлиши учун шароит яратади.

Иккинчидан, маҳсулот таъминотини брэндларни ривожлантириш сиёсати орқали рағбатлантиришга йўналтирилган трансмиллий корпорацияларнинг янада ўсиши ва ҳукмрон бўлишидан иборат иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги ривожланиш босқичининг хусусиятлари рекламага оид ахборот таъсирига бўлган ижтимоий буюртмани амалга оширишни белгилайди. Бундай шароитларда кенг омманинг дунёқарашини реклама-ташвиқот таъсири орқали шакллантириш кенг ривожланади.

Учинчидан, жаҳон аҳолисининг муайян қисмининг яшаш даражаси паст бўлгани ҳолда, жанубий минтақалардан марказий минтақаларга этник озчиликнинг кўчиши жараёнлари этномиллий низоларнинг келиб чиқиши ва миллатчилик характеристидаги тасодифий мафкураларнинг, бунда ҳам фақат муйян миллат ёки минтақаларга хос бўлган сохта диний, миллий ҳаракатлар, ирқий гуруҳларнинг тарқалиши учун шароит яратади.

Тўртинчидан, глобаллашув жараёнларининг мамлакатимизга

зиддиятли таъсири жамиятда ижтимоий бекарорликка олиб келади ва чап экстремистик оқимларнинг (Жозеф Бовенинг антиглоаблизми каби), шунингдек, диний-мистик секталарнинг кенг тарқалиши учун қулай шароит яратади. Бошқа томондан, глобаллашувнинг асосий агентлари ўзларининг шахсий ахборот сиёсатини диний каналлар орқали ҳам олиб борадилар. Шу муносабат билан, проглобалистик мафкураларнинг, хусусан, анъанавий жамият қадриятларини парчалашга қаратилган диний-мистик таълимотларнинг кенг ёйилишини кутиш мумкин.

Ана шундай шароитларда суверен давлат ва ўзига хос тамаддун эгаси сифатида сақлаб қолиш учун бузғунчи мафкураларнинг ривожланишини доимий тарзда мониторинг қиласиган тизимни яратиш ва уларнинг кенг тарқалиши ҳамда мамлакат аҳолисининг онгиға фаол киришига тўсқинлик қилувчи ижтимоий, дунёқарашга оид, сиёсий ва ташкилий характердаги тўғри чора-тадбирларни қабул қилиш шарт.

### **Космополитизм ғоясининг салбий оқибатлари**

Хозирги вақтда глобаллашув жараёнлари объектив ва кўпқиррали жараён бўлиб, ушбу ҳодиса маданият эволюциясининг янги босқичида ўзига хос хусусиятларини намоён қилмоқда. Ушбу ҳодисага турлича ёндашувлар, уни оқлаш, айrim ҳолатларда тараққиётга қарши қўйиш ҳоллари учрамоқда. Бу жараёнлардада миллий, маданий, этник ўзига хосликка ва давлат суверенитетига турли таҳдидларнинг кузатилаётгани ҳам рост. Айни пайтда бутунжаҳонийлик ва инсоният бирлигининг авваламбор, ушбу таҳдидларни кучайтирибгина қолмай ҳалқларга туганмас ечимсиз муамоларни келтириб чиқаради. Бу борада глобаллашув жараёнларининг фақат иқтисодий ҳамкорлик ёки трансмиллий яхлитликнинг аниқ шаклларими ёки индивидларнинг рефлексиясими, деган савол устида бош қотирмоқда. Айrim тадқиқотчилар “глобаллашув ғояси жуда катта ижобий салоҳиятга эгалигини, у инсоният бирлигини эълон қилишдан, бутун сайёрани ерликларнинг умумий уйи сифатида кўришдан иборат” эканини зўр бериб исботлашга интилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов глобаллашув жараёнининг ғоявий-мафкуравий таъсири, нодавлат ноҳукумат ташкилотларнинг бу жараёндаги ўрни ҳақида тўхталиб, қуйидаги ташвишли ҳолатга эътибор қаратган эди: “Сир эмас, бизда фаолият кўрсатаётган ҳалқаро ташкилотлар ҳар доим олижаноб мақсадларни кўзлайвермайди. Айтайлик, “XXI аср лидерлари” каби мавзуларда ўтказиладиган семинарларда улар иқтидорли ёшларни “танлашда ҳокимиятга ёрдам” беради, бироқ бунда улар энг аввало, ўз манфаатларини кўзлашади. Сўнгра чет элга мунтазам сафарлар

уюштирилади, уларда турли симпозиум ва семинарлар давомида бу одамларнинг онига ғоят усталик билан таъсир ўтказилади. Шу тариқа ўзларини “дунё фуқаролари” деб атайдиган кишилар тоифаси тайёрланади...”<sup>1</sup>.

Тўғри, глобаллашув жараёнлари бир ёқлама эмас, улар ижобий натижаларга ҳам, салбий натижаларга ҳам олиб келади, уларни билиш ва бошқариш мумкин, айнан шунинг учун уларни тарихий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ўрганиш зарур ва бу вақтда миллий, маданий чегараланишни бартараф этишга ҳамда инсониятнинг барча юзага келаётган муаммоларни биргалашиб ечишга фаол интилаётганлигини кўрмасдан илож йўқ.

Жаҳон миқёсида юз бераётган ҳозирги жараёнлар миллий давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ҳамда маданий жиҳатдан интеграциялашувини тақозо этмоқда. Ушбу тенденциялар, маълум даражада, космополитизм кўринишида бўлиб, глобаллашув жараёнлари таъсирида янада яққол тус олмоқда. Бугунги кунда кишилик жамиятининг глобал яқинлашуви, аввало, техник тараққиёт, транспорт воситалари, алоқа ва коммуникация тармоқлари, микроэлектрониканинг ривожланиши билан боғлиқ. Посткоммунистик маконда мустақил давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға фаол киришиши глобаллашувнинг яна бир кучли омилига айланди<sup>2</sup>.

Эътироф этиш лозимки, глобаллашув сиёсатининг кучайиши миллий давлатчилик сиёсатининг заифлашувига олиб келади. Бунга тобора кучайиб бораётган трансмиллий корхоналарнинг қудрати шароит яратади. Уларнинг иш ўринларини ишчи кучини ёллаш ва солиқقا тортиш энг паст даражада бўлган жойларга экспорт қилиши, меҳнат тақсимоти туфайли дунёning турли чеккаларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни белгилаши бунга бўлган имкониятини оширмоқда. Шунингдек, улар энг паст солиқлар ва қулай инфратузилмани излаш йўлида миллий давлатлар манфаатларини тўқнаштириши, инвестициялар учун, ишлаб чиқариш учун, солиқ тўлаш учун ва ҳатто, яшаш учун жойни мустақил танлаши мумкин. Бу жиҳатларнинг барчаси У. Бекнинг «Глобаллашув нима?» номли китобида қайд этилган. Унда миллий давлат томонидан амалга ошириладиган муайян жой ва ундан келиб чиқадиган ташкил қилувчилар билан боғлиқ ҳукмронлик характери, масалан, қонунларни чиқариш, чегараларни ҳимоя қилиш, аъзоликни назорат қилиш ва бошқалар сусайиб боради.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд, Т.: “Ўзбекистон”, 2003, 34-б

<sup>2</sup> Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати / Қ.Назаровнинг умумий таҳрири остида. –Т., Маънавият, 2009. –Б. 257

Айтиш жоиз бўлса, жаҳон ҳамжамияти томонидан амалга ошириладиган ҳукмронлик характеристи турли давлатлар, турли маданиятлар ва миллатларга, мувофиқ тарзда, бир-бирига ўхшамаган феъл-атвор, урф-одат ва менталитетга мансуб индивидлар вакил бўлган жаҳон ҳамжамияти ижтимоий боғлиқликнинг муайян ҳудуди билан боғлиқ бўлмаган бозор муносабатлари, турли-туман коммуникациялар тармоғи орқали миллий чегараларни ёриб кирмоқда.

Бекнинг фикрича, жаҳон ҳамжамияти миллий давлатларнинг кенгқамровли тузилмасига кириб борар экан, у миллий хусусиятларни тўлалигича қабул қила олмайди, барча миллий жамиятларни йўқ қилиб, ўзига сингдириб оладиган аллақандай ҳамжамиятга ҳам айланмайди, балки "ўзида хилма-хилликни акс эттирган ва интеграцияга берилмайдиган, фақат алоқалар ва хатти-ҳаракатларда яратилиб, сақланган тақдирдагина очиладиган дунё чегараси"ни ифода этади. Глобаллашув жараёнларига тортилаётган миллий давлатлар ўзгариши муқаррар эканлигини тан олган ҳолда, унинг давлатнинг миллий хусусиятларни тўла йўқотишидан тортиб, то трансмиллий давлатга айланиш эҳтимолигача бўлган кўламларини фарқлаш зарур. Ушбу жараёнда сақланиб қолиши мумкин бўлган чегаралар унга хос сифатларга боғлиқ, хусусан: трансмиллий қадриятларни шакллантириш ва миллий қадриятларни сақлаш бўйича мақсадга йўналтирилган маданий сиёсатга, ўз миллий анъаналарининг жозибадорлигига, менталитетининг мустаҳкамлигига, глобаллашув жараёнларига жалб қилинганлик даражасига ва бошқалар. Ҳар қандай ҳолда ҳам, миллий ўзига хослик шубҳа остида қолади, чунки минтақавий боғланиш йўқолади, бу эса космополитизмнинг пайдо бўлиши учун замин яратадиган трансмиллий ижтимоий маконнинг шаклланишига кенг йўл беради.

Глобаллашув жараёнлари тамаддуннинг синишига ҳам хизмат қиласи, бу ҳақда бир неча асрлар давомида шаклланган тамаддун тизимининг кўплаб асосий негизларининг бузилишидан дарак беради, чунки "глобаллик ва тамаддун умумийлиги мақсадлари тубдан фарқланади. Тамаддун ўзини давом эттиришга интилса, глобаллашув бутун сайёрани ўзлаштиришга ҳаракат қиласи". Алоҳида тамаддун тизимларида шаклланган ўхашашликни ўрнатишнинг одатий механизмлари ўзгариб боради, бу эса турли тарздаги бошқа бир хилликларни аниқлашга бўлган эҳтиёжларни, шу жумладан, инсоннинг ўзини дунё фуқароси сифатида айнанлаштириш эҳтиёжини уйғотади. Космополитизм нафақат объектив, балки рефлексив жараённи ҳам ифодалайди.

Глобаллашув жараёнларига турлича иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий салоҳиятга эга турли мамлакатлар жалб қилинган, унга мувофиқ тарзда, ҳар бир индивиднинг глобаллашуви кўлами ҳам турлича, космополитик қарашларининг шаклланиш

шароитлари ҳам бошқача бўлади. Янги “глобаллашган” бойваччалар глобаллашув маконини ўзлаштиришнинг ва глобаллашган маданият дунёсида яшашнинг беҳисоб имкониятларига эга бўлиб бормоқда. Айнан улар космополит дунёқараашларни шакллантиришга мойил, уларни П.Ю. Черносвитов “замонавий ижтимоий иерархиянинг юқори қаватларидағи субмаданиятлар космополитизми” сифатида баҳолайди.

Айрим тадқиқотчилар глобаллашган элитанинг космополитлашганини уни келажакка интилган ўзига хосликни шакллантириш учун салоҳиятли кучлар сифатида баҳоланган бошқа турли – феминистик, экологик, миллий ва диний ҳаракатларга қарама-қарши ўлароқ, жуда яққол намоён бўлмайдиган ўзига хосликка эга индивидуумлардан иборат жамоа (дунё фуқаролари) сифатида талқин қилмоқда. Янги глобаллашган “камбағаллар” глобаллашув жараёнлариға камроқ даражада жалб қилинган. Уларнинг ҳақиқий яшаш макони уччалик катта эмас. Бойлар учун замонавий дунёга эришиш имконияти сифатида юзага чиқадиган маданият хилма-хиллиги уларда баъзан хилма-хилликнинг сохта кўриниши билан алмашади ва ўзида оммавий маданиятни ифодалайди. “Оммавий маданият” – ўз аудиториясига осон эга бўладиган ва тажовузкор маданиятдир. В. М. Межуев “замонавий омма жамиятининг космополитизми” тўғрисида ёзар экан, ушбу ҳодисани унга қўшилиш мумкин бўлган, лекин бу ҳолда ўз миллий қиёфасини сақлаб қолишининг иложи қолмайдиган ҳодиса сифатида таърифлайди.

Космополитизм глобаллашган жамиятнинг юқори қатламларида дунёга кенг назар ташлаш ва ўз эҳтиёжларини рўёбга чиқариш ҳамда ўз манфаатларини жаҳон майдони миқёсида қондириш имкониятларидан келиб чиқсан бўлса, жамиятнинг қуий қатламларида – оммавий маданият суррогатларини ўзлаштиришдан, ўз танловини эркин амалга ошириш имкониятлари йўқлигидан пайдо бўлади. Биринчи ҳолда, гап глобаллашган маданий маконнинг ҳақиқий мавжудлиги ҳақида, иккинчи ҳолда эса – сохта кўриниши ҳақида боради. Шу маънодаки, оммавий ахборот воситалари маконни виртуал жиҳатдан кенгайтиришга, қадриятлар, меъёрлар, намуналар ва бошқаларни ўзлаштириш имкониятини яратишга хизмат қиласи. Иккинчи индивидда бошқа маданиятлар билан тўқнашишнинг тўлиқ имконияти йўқ, у фақат шу ҳақдаги маълумотга эга, холос. Иккала турдаги космополитизмнинг фарқли хусусияти дунёни ҳис қилишни танлаш эркинлигидадир.

У.Бек ёзишича, экологик саросима ҳолатига тушган тафаккур одамларнинг муайян гуруҳларга ва уларнинг ишларига нисбатан зўравонлик актларини содир этишга йўналтириши мумкин. “Бир пайтнинг ўзида таҳдидларнинг кучайиши космополитик тафаккурни уйғотади... Жамият хавф-хатар билан кураш асносида шаклланади;

глобал хавф-хатарга қарши курашда эса глобал жамият яратилади". Дарҳақиқат, глобал иқлимдаги ҳалокатли ўзгаришлар ҳозирги кунда бутун жаҳон ҳамжамиятини чексиз хавотирга сола бошлади.

Айрим тадқиқотчиларнинг космополитик дунёқараашни шакллантириш борасидаги фаразлари миллий (давлат, минтақавий) қадриятлар ўртасидаги фарқларни йўқотиш ва индивид томонидан турли маҳаллий маданиятларни ўзлаштиришга асосланади. Бундай дунёқарааш кўплаб тарқоқ, фақат кишининг ўзигагина маълум тамойил бўйича (ёки умуман ҳеч қандай тамойилсиз) ўзлаштирилган ташкил қилувчилардан йиғилиб қарор топади. Бу дунёқараашлар йиғмаси беихтиёр равишда қандайдир бутунни касб этади, қайси маънодаки, унда ягона субъект ифодаланади, ушбу субъект ўз ичига хилма-хилликни олган яхлитлиkdir.

Таъкидлаш керакки, уларнинг ҳаммаси шахсий хусусияти билан ўзаро боғланмаган, балки қандайдир умумийлик асосида мустаҳкамланадики, ундан "умуминсоний қадриятлар" деган тушунча келиб чиқади. Бу ҳолда ушбу йиғманинг космополитнинг дунёқарашини таъминловчи характеристерини универсал деб аташ лозим, бинобарин, у ўзининг хусусий белгисини йўқотди ва энди бутунжаҳон миқёсида ўлчанадиган бўлди. "Космополитизм" ва "универсаллик" атамалари, кўпинча, тадқиқотчилар томонидан битта маъномазмунда қўлланади, чунки улар замонавий дунёда юз бераётган жараёнларни тенг даражада тавсифлайди.

Даставвал "космополит" тушунчасини йўқлик ва етишмовчилик, масалан, ватанпарварлик ғояси, миллий мансублик ҳисси ёки Ватан туйғусининг йўқлиги орқали тавсифланган бўлса, юқоридаги каби "тадқиқотчилар" ушбу тушунчани мавжудлик ва тўла-тўқислиқдан келиб чиқиб белгилашни таклиф қилмоқда: турли маданиятлар қадриятлари, миллий анъаналар, хилма-хил минтақавий маконларнинг ўйғунлашуви ва ҳ.к. Шу тариқа, космополит ўзининг "дунёқараши"да кўплаб "инсоний ўлчовлар"ни бирлаштирувчи ва шу билан ўзининг миллий ёки бошқа анъанавий ўзига хослигини сақлашни афзал кўрганларнинг индивидуал алоҳидалигини тушунишга қодир субъект сифатида юзага чиқади.

## Миллатчиликнинг мафкуралашуви

"Совуқ уруш" тугаганидан сўнг, маҳаллий интеграция ва маҳсулотлар, сармоя, ишчи кучининг ўсиши, коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши, кўплаб ноҳукумат ташкилотларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ глобаллашув жараёнларининг тезлашуви кўпгина ижтимоий назариётчилар томонидан миллат, миллатчилик ва миллий давлатнинг хотимаси ва трансмиллатчиликнинг мафкуралашувдан кейинги янги даври кириб келганлигининг далолати сифатида кўриб чиқила бошланди. Айни

вақтда собиқ Совет Иттифоқи ва Югославия ҳамда дунёнинг кўплаб мамлаткатлари ҳудудида миллатчиликнинг такроран вужудга келиши ва ўта турли-туман, айни дамда қарама-қарши (бирлаштирувчи ва айрмачи, шу жумладан бегоналардан қўрқиш) шаклларга киришини ўтиш жараёнидаги муқаррар мушкилотлар билан изоҳлашнинг имкони бўлмай қолди.

Миллатчилик ҳанузгача бугунги дунёдаги энг таъсирчан мафкуралардан бирилигича қолмоқда. Бироқ Янги замон даврида вужудга келган миллатчилик узоқ вақтга қадар “замонийлашув тўғрисидаги фалсафий дискурсда” сезилмай қолиб кетди. Унинг вужудга келиши ва келгусидаги ривожи борасида ўтмишдаги энг йирик мутафаккирлардан биронтаси башорат қилмаган эди. Бундан ташқари бошқа мафкуралардан фарқли ўлароқ миллатчиликнинг асосий тамойилларини изчил ва зиддиятларсиз баён қилишга лаёқатли етук мафкурачилари бўлмаган, кўпгина назариётчилар миллатчиликнинг ўзига хос “қашшоқлигини” бу мафкуранинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ўта катта таъсири билан ҳамоҳанглигига кўрадилар. Тадқиқотчилар томонидан миллатчиликнинг бошқа мафкуралар - либерализм, консерватизм, социализм билан бирлашиб кетиш салоҳияти тан олинишига қарамасдан у ҳанузгача замонавий ижтимоий назарияда изоҳланмаганлигича қолмоқда.

Оддий тилда ва оммавий ахборот воситалари ҳамда сиёсатчилар тилида миллатчиликнинг кўпинча зўравонлик ишлатиш билан бирга кечадиган “субмиллатчилик”, “микромиллатчиликлик”, “этномиллатчилик” ва “этноҳудудий” сингари радикал ҳаракатларга ўхшатиш таҳлил соҳасини асоссиз торайишига ва энг аввало кундалик ҳаётдаги миллатчиликни тасвирловчи ижтимоий амалиётнинг кенг қирраларини концептуаллаш-тиришнинг имконизлигига олиб келмоқда.

Бундай ҳолатларда қандайдир бирон мантиқий сабабга ёки изоҳловчи қийматга боғлаб бўлмайдиган мураккаб ва бир маъноли бўлмаган ижтимоий-мафкуравий ҳодиса сифатидаги миллатчиликни назарий қайта мулоҳазадан ўтказиш вазифаси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Миллатчилик муаммосини назарий жиҳатдан қўриб чиқиши сиёсий фикрлар ва меъёрий мулоҳазалар билан чамбарчас боғлиқ ва “миллатчилик” тадқиқотларини ривожлантириш йўналишини қайта тиклашга уриниш муқаррар равишда тегишли тузилмавий, тарихий ва академик нуқтаи назарларнинг ўзаро алоқаларини генеалогик қўриб чиқиши шаклини олиши лозим.

Миллатчилик ҳодисаси XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари мумтоз ижтимоий назариясида қўриб чиқилмай қолиб кетган, чунки бу М.Вебернинг дунёни “сехр-жодудан” ҳалос қилиш ва Э.Дюргеймнинг “уйғун ҳамкорлик” борасидаги умумий мантиқига сифмаган эди.

Миллатчилик муаммоларини ўрганишга бағишенгандык дастлабки тадқиқотларнинг пайдо бўлиши минтақавий-европача академик муҳит билан эмас балки инглиз-америка муҳити билан боғлиқдир. Мазкур тадқиқотларда миллатчилик ижтимоий назариянинг эмас балки интеллектуал тарих ёки ғоялар тарихи предмети сифатида кўриб чиқилган, шунинг учун миллатчиликнинг вужудга келиши ва тарқалиши билан боғлиқ ижтимоий вазиятлар эътибордан четда қолган. 1920-1960 йилларда тадқиқотчиларни асосан инсониятни миллатларга тақсимланиши ва бу миллатлардан ҳар бири учун сиёсий вакиллик зарурати тўғрисидаги тасаввурлардан иборат бўлган Янги замон даври миллий доктринасининг ривожланиши қизиқтирган. Америкалик тарихчилар К. Хайес ва Г. Кон, британиялик ғоялар тарихчилари Э. Кедури ва К. Миног ҳамда файласуфлар И. Берлин ва Дж. Пламенац, шунингдек, австралиялик ғоялар тарихчиси Ю. Каменка мана шу йўналиш вакилларига мансубдир. Ушбу йўналиш вакиллари ишларининг ўзига хос жиҳати буларда Иккинчи жаҳон уруши даврида европача ва осиёча тажовузкор миллатчиликни кузатишдан келиб чиқувчи, таҳлилий эмас балки асосан меъёрий аҳамиятга (ғарбий/шимолий, фуқаролик/этник, сиёсий/маданий, либерал/авторитар, мақсадга муносиблик/ ҳиссийлик ва ҳ.к.) эга бўлган идеал-типик таққослашларнинг кўплигидир.

1950-1960 йилларда мустамлакадан чиқиши жараёнининг авж олиши миллий қурилиш модернизацияси ва концепциясининг турли назарияларини (“учинчи жаҳон” мамлакатларининг “қувиб етувчи ривожланиш” жараёнида сиёсий ва фуқаролик маданиятини яратиш) ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи ижтимоий тадқиқотчиларни миллатчиликни ўрганишга ундали. Америкалик социолог К. Дойч миллатчиликни анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишда аҳолининг тегишли сафарбарлиги ва алоқасини таъминловчи ижтимоий бирлашув воситаси деб ҳисоблаган. Британиялик ижтимоий файласуф Э. Геллнернинг тузилмавий-функционал ёндошуvida миллатчилик сиёсий қонунчилик тамоилии сифатида тушунилади, бу тамоилга биноан “сиёсий ва миллий бирлик мос келиши лозим”. Миллатчилик саноатлашган жамиятнинг функционал эҳтиёжларига жавоб бера оладиган стандартлашган ва бир турдаги миллий маданиятни вужудга келтирди.

Янги давлатлардаги миллий лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ қийинчиклар тадқиқотчиларни ушбу муваффақиятсизликларни кўриб чиқишига ундали. Анъанавий жиҳатдан “примордиалистларга” мансуб бўлган К. Гирц ва У. Кон-нор умумий келиб чиқиши ва қариндошлик ҳисларига (бундай ҳислар “примордиал” ёки “азалий” номини олган) асосланган шахсларнинг миллатга мансублиги ва унга содиқлиги тушуниладиган (этно) миллатчиликнинг “учинчи дунё” мамлакатларида кенг ёйилишини кўрсатиб бердилар. “қариндошлик” миллатчилиқда аниқ эмас балки

тасаввурдаги хусусиятга эга бўлганлиги боис примордиализм субъектив ижтимоий-психолгик ҳодисадир. Айни вақтда ижтимоий-биологик парадигма билан боғлиқ ва примордиалистча қарашларга таянувчи айрим тадқиқотчилар (П. ван ден Берге и Ф. Раштон) миллатчиликнинг объектив биологик ва ирсий келиб чиққанлигини исботлашга уринмоқдалар.

1970-1980-йилларда қиёсий-тариҳий тадқиқотлар ривожланиб бориши билан тариҳий социологлар ва ижтимоий тарихчилар миллатчиликни ўрганишга яқинлаша бошладилар, бу тадқиқотчилар миллатчиликнинг фақат Ўттиз йиллик урушдан кейин шаклланган миллий давлатларнинг европача тизимиға ҳамда бу тизим доирасидаги сиёсий бюрократиянинг фаолиятига эмас балки умуман дунёвий тизимга боғлиқ эканини кўрсатишга интилмоқдалар. Бундай ёндошувнинг энг ёрқин номоёндалари М. Манн, С. Роккан ва Ч. Тиллидир. буларга социолог Э. Гидденс ва тарихчи Дж. Бройиларнинг ёндошувлари яқин туради.

Тадқиқотчилар Т. Нейрн ва М. Хектер нотекис ривожланган ва “ички мустамлакачиликка” эга бўлган миллий давлатларда шаклланган миллатчиликнинг вужудга келишини изоҳлаб бердилар.

Британиялик тарихчи Э. Хобсбаумнинг нуқтаи назарига кўра миллатчилик миллий давлат сиёсатининг оқибати эмас балки уни яратишга йўналтирилган ва миллий анъаналарни “ихтиро қилиш” ҳамда оммавий ишлаб чиқаришга таянувчи сиёсий-мафкуравий дастур эди.

Миллатчилик борасидаги замонавий конструктив тадқиқотлар ривожига Б.Андерсоннинг “тасаввурдаги ҳамжамиятлар” концепцияси муайян таъсир ўтказди, бунга кўра миллатчилик “муҳрли капитализм” воситалари туфайли ижтимоий воқеълик шаклланитирилишининг ўзига хос тамойили ваҳозирги даврда деярли ҳамма ерда тарқалаётган жамиятнинг қайта тикланишидан иборатdir.

Сўнгги уч ўн йилликлар давомида британиялик тарихчи А.Смит миллатчиликнинг этно рамзий концепциясини ривожланириб келмоқда, у миллатчиликни этник жамоалардан мерос бўлиб қолган рамзлар ва афсоналарнинг кенг имкониятларига таянувчи мафкуравий ҳаракат сифатида кўриб чиқади.

Совет иттилоғи таназзулидан сўнг ва Югославияда юз берган миллатчилик тўлқинларига жавоб сифатида 1990 йилларда табиийки бу ҳодисага тадқиқотчиларнинг қизиқиши орта бошлади. Лондон иқтисодиёт мактаби қошида Элатчилик ва миллатчилик тадқиқотларининг профессионал уюшмаси ва “Миллатлар ва миллатчилик” ихтисослашган журнали ташкил этилди. постколониал (П. Чаттержди, Х. Баба), феминистик (Н. Юваль-Дэвис, С. Уолби) ва адабиётшунослик (Т. Бреннан) назариялари билан боғлиқ янгича усуллар қўллана бошлади ва тадқиқотнинг янги йўналишлари ишлаб

чиқила бошлади.

Германиянинг бирлашуви ва Канада ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларида субъимиллатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши “либерал миллатчилик” (М. Канован, У. Кимлика, Н. Маккормик, А. Маргалит, Д. Миллер, М. Мур, Ю. Тамир) ва “конституциявий ватанпарварлик” (Ю. Хабермас) муаммолари билан боғлиқ ижтимоий ва сиёсий файласуфлар ўртасида кескин баҳсларни келтириб чиқарди.

М.Биллиганинг “сийқаси чиққан миллатчилик” концепцияси миллатчилик тадқиқотчилик соҳасини анча кенгайтиришга имкон берди, эндиликда миллатчилик дейилганда нафақат “қизиққон” миллатчиларнинг янги давлатлар яратишга интилиши, балки шаклланган миллий давлатларди кундалик амалиётлар воситасида “миллатлар” яратишга интилишлар ҳам тушинила бошлади.

1990-2000 йилларда миллатчиликни мафкуравий изоҳлашга мақсадга муносиб танлаш назарияси вакиллари (А. Аззи, Дж. Коулмен, Х. Мидвел, У. Пагано, Р. Хардин, М. Хектер) кескин қарши чиқа бошладилар, улар миллатчиликда мафкуранинг белгиловчи ролини рад этган ҳолда миллий жамоавий ҳаракатлардаги айrim иштирокчиларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини ёқлаб чиқдилар. Бугунги кунда мазкур ёндошувнинг етарли даражада танқидий баҳоланмаётганлиги миллатчилик энг аввало мафкуравий ҳодиса деб ҳисобловчи тадқиқотчилар олдига бу ёндошувнинг изоҳлаш салоҳиятларини таҳлилдан ўтказиш вазифасини қўймоқда.

Шўро тадқиқотчилари ишларида миллатчилик майдага буржуа миллатчилигини пролетар интернационализмига қарши қўйувчи ҳамда уни халқ оммасининг эътиборини ҳақиқий ҳолатдан чалғититиш учун буржуазия томонидан тиқиширилган мафкура деб ҳисобловчи “миллатнинг ....измча назарияси” доираларида кўриб чиқилган. Шу аснода мустамлакачиликка қарши миллий озодлик ҳаракатларининг илфор хусусияти эътироф этилган ва миллатларнинг ўз йўлини белгилаш учун бир мунча йирик давлатлар таркибидан чиқишигача бўлган ҳуқуқи асослаб берилган.

Бизнинг фикримизча миллатчилик борасидаги аксарият тадқиқотларнинг асосий мушкилоти мафкурани оммага сездирмай бошқариш воситаси сифатида чекланган тушунишдан ва миллатнинг икки концепцияси замонавий назарияси ишланмаларига эътиборсизликдан келиб чиқмоқда.

1. “Услубий индивидуализм” тамойилидан келиб чиққан ҳолда мақсадга муносиб танлаш назарияси миллатчиликни ишлаб чиқариш ва ўзига хос ижтимоий бойлик –миллий мустақилликни яратишга йўналтирилган мақсадга муносиб жамоавий ҳаракат сифатида кўриб чиқади. Мақсадга муносиб танлаш назарияси вакилларининг миллий жамоавий ҳаракатнинг икки мантиқини ишлаб чиқишида “мафкура” категориясидан фойдаланишдан бош

тортиши ё миллатчиликни шахслар томонидан содир этиладиган ҳаракатлар натижаси (“қўшиш хатоси” ва “мавжуд нарсани керакли нарса тарзида қабул қилиш хатоси”) сифатида тушунишга ёхуд манфаатлар ва хатти-ҳаракатларни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи кучларнинг шахсга нисбатан мавжудлигини назарда тутувчи янги категорияларни (“шахсни жамиятга қайтариш”, “рамзий фойдалилик”) жорий этишга олиб келади. “Услубий индивидуализм” ижтимоий бойлик сифатидаги миллий мустақиллик ғоясининг ўзининг вужудга келишини изоҳлашга лаёқатсиз бўлиб чиқмоқда. Миллатчиликни тушуниш учун шахсларнинг ҳаракатини белгиловчи ва миллатчи субъект қарашларини вужудга келтирувчи дискурс ва мафкура категорияларига мурожаат қилиш талаб этилади.

2. Дискурсив ёндошув тарафдорлари дискурсни асосан миллат сифатида белгиланувчи жамоаларнинг манфаатларига эришиш учун миллатчилик ҳаракатлари томонидан қўлланиладиган “миллат сафсатаси” тарзида тушунган ҳолда миллатчиликни “дискурсив формация” тарзида эътироф этадилар. Шундай бўлсада, миллатчилик дискурсини миллатчилик ҳаракатларининг мутлақ лингвистик (нутқ ва ёзув) амалиётларига қиёслаш дискурсив лингвистик ҳаракатлар ва дискурсив бўлмаган, лингвистик бўлмаган ҳаракатлар ўртасидаги алоқа масаласини очиқ қолдиради ва бир босқичининг бошқасидан фарқлаш масаласини кўтаради. Мафкуралашувдан кейинги ёндошув миллий дискурсни миллатчиларнинг лингвистик ва аҳамиятга эга лингвистик бўлмаган ҳаракатлари бирлиги сифатида тақдим этган ҳолда фарқлаш масаласини олиб ташлайди.

3. Миллатчиликнинг якка ҳукмронлик формацияси вужудга келишида “миллат”ни англатувчи тушунча бош ролни ўйнайди. “миллат”ни англатувчи “бекорчи” сўз “эскича” ва мустамлака тартиботларининг қарама-қаршилиги асосидаги ижтимоий ҳаётнинг гетероген соҳасида тенгликнинг ҳар хил силсиласи вужудга келишига имкон яратади. Миллатчилик якка ҳукмронлиги қарор топгандан сўнг “миллат” тушунчasi мавҳум тушунчага айланади ва бу тушунчага муайян маънони қисман бирлаштириш учун турли мафкуралар (консерватив, либерал, социалистик) ўртасидаги кураш соҳасига айланади.

4. Миллатчилик асосида миллий мустақиллик доктринасини “миллийлаштириш” натижасида XVIII аср охирида шаклланган миллий мустақиллик ғояси қарор топгандир. Ҳозирги замонда шахслар ўртасидаги макондаги алоқаларга (макондаги умумийлик) асосланувчи ҳокимият манбай халқ эканлиги ҳақидаги ғоя авлодлар ўртасидаги вақтинча алоқаларни (тариҳий умумийлик) асослаш учун қўлланиладиган миллат ғояси билан тўлдирилади. Миллатчиликда миллатни ўз “тақдирини” мустақил сиёсий белгилашга даъвогар бўлган тариҳий халқ сифатидаги тасаввур вужудга келади.

5. Миллатчи субъектни ишлаб чиқиш ва яратишни белгиловчи миллатчилик субъектлаштирувида мафкуравий интерпеляция ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дискурс ва субъект ўртасида алоқа ўрнатувчи бу жараён синфий ҳусусиятга эга эмас ва миллатга нисбатан тўла мафкуравий эътиқоди бўлган миллатчи субъектни яратмайди. Бўш объектни тўла рамзлаштиришга лаёқатсиз бўлган миллатчи интерпелляция миллатчилик фетишлари ва фетишли маросимлар вужудга келишини кўзда тутади. Миллатчи субъект фетишлар ва маросимларга нисбатан ҳиссий эътиқодга эга, у буларга нисбатан тўла мафкуравий ишончга эга.

XXI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб ва кўп маъноли мафкуравий ҳодиса сифатидаги миллатчиликнинг ўзига хослигини мулоҳазадан ўтказиш муаммосини долзарблаштириб қўяди, шу аснода редукцион изоҳларга эътибор бермайди. Икки асрдан кўпроқ вақт давомидаги миллатчилик тарихи уни мутлақо бир иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки бошқача изоҳловчи тамойилга тақашнинг имкони йўқлигидан далолат бермоқда, чунки бундай ҳолатда таклиф этилаётган изоҳларнинг эпистемологик қийматини шубҳа остига қўювчи кўплаб истиснолар вужудга келади.

Бундай ҳолатларда миллатчиликни унинг имкониятлари шароитларини тасвирловчи ҳамда унинг ривожланишини белгиловчи мантиқ нуқтаи назаридан кўриб чиқиш вазифасини қўйган ва ҳодисанинг ўзгармас “моҳиятини” озми кўпми тўлиқ даражада ифодаловчи идеал-типик схемалар яратишдан бош тортувчи назариялар энг мақбул бўлиб чиқади. Бу назарияларнинг фарқли жиҳати миллатчиликнинг мазмунига эмас балки шаклига алоҳида урғу беришдан иборатдир.

“Услубий индивидуализм” тамойилидан келиб чиқадиган мақсадга муносиб танлаш назарияси шахсларнинг ҳаракатини уларнинг манфаатлари ва ўз фойдаси ҳамда заарини пухта ҳисобкитоб қилиш ёрдамида эмас балки мафкура ёрдамида изоҳлашга уринишлар бефойда эканини кўрсатиб беради деб ҳисоблаш қабул қилинган. Мақсадга муносиб танлаш назарияси етакчи вакилларининг ишларини изчил кўриб чиқиш алоҳида ижтимоий бойлик – миллий мустақилликни ишлаб чиқиш ва яратишга йўналтирилган миллатчи жамоавий ҳаракатларда икки мантиқ мавжудлигини ажратиб кўрсатишга имкон беради. Миллий мустақилликни ишлаб чиқишида устувор бўлган биринчи мантиқ фақат ташқаридан бўладиган ижтимоий назорат воситалари ёки миллатчи тадбиркорлар томонидан яратиладиган миллатчи ташкилотлар томонидан таъминланадиган сайлов рағбатлари – мукофотлаш ёки жазолаш ёрдамида “чиптасиз”нинг анъанавий муаммосини ҳал қилиш билан бирга кечади. Миллий мустақилликни амалга оширишда устувор бўлган иккинчи мантиқ мувофиқлаштиришнинг нисбатан содда муаммосини ҳал қилиш

билан бирга кечади, бунда жамоавий ҳаракатдаги иштироқдан бўладиган ҳаражатлар шу қадар майдаки, улар хатто ҳисобга ҳам олинмайди ва доимо ўзида тасодифийлик ёки ўзбошимчаликнинг жиддий унсурига эга бўладиган жамоавий ҳаракат қандай тарзда амалга оширилиши борасида қарор қабул қилишни кўзда тутади.

Мақсадга муносиб танлаш назарияси айрим шахсларнинг “миллат” яратишга йўналтирилган ҳаракатлари қандай шароитларда муваффақиятли чиқишини ва нима учун кўплаб шахсларга “миллат” яратилиб бўлганидан сўнг унга аъзо бўлиш манфаатли эканлигини кўрсатиб беради. Айни вақтда ушбу назариётчилар томонидан миллатчиликни изоҳлашда миллатчилик “хатолари”ни (“қўшиш хатоси” ва “мавжуд нарсани керакли нарса тарзида қабул қилиш хатоси”), “рамзий фойдалилик”, “афзалликларни шакллантириш”, “шахсни жамиятга қайтариш” тушунчаларидан фойдаланишлари мазкур ҳодисанинг муқаррар равишда мафкуравий ҳодиса эканлигини кўришга имкон беради. Натижада мақсадга муносиб танлаш назариясининг асосий камчиликлари: ижтимоий бойлик сифатидаги “миллий мустақиллик” тўғрисидаги тасаввурлар вужудга келишини изоҳлашга лаёқатсизлик ва шахсий манфаатлар ва ижтимоий меъёрларни дискурсив ўлчаш ва ўзгартиришни баҳолай олмаслик яққол кўзга ташланиб қолади.

Шундай бўлсада фукианча “дискурсив формация” тушунчасидан бошланган миллатчиликни тадқиқ қилишга замонавий дискурсив ёндошувлар дискурсив жиҳатни “бирламчи” ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа тилдан ташқари тажрибалардан ажратиб олинадиган нутқ ва ёзув соҳасидан кўриб чиқади. Мазкур ҳолатда дискурсив муносабатлар ва замонавий дискурсив ёндошувлардаги турли-туман бирламчи муносабатлар ўртасидаги алоқа мантиқа зид бўлиб чиқади чунки тадқиқотчилар бир вақтнинг ўзида миллатчилик дискурсининг “вужудга келтирувчи” хусусиятига урғу берадилар, бироқ шу аснода дискурс қай тарзда ўзига тегишли бўлмаган ниманидир (масалан, “бирламчи” ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатларни) “вужудга келтиришини” кўрсатиб беролмайдилар. Миллатчилик дискурси перформатив (боғлиқ) хусусиятига эга эканлигини айтиш етарли эмас, чунки перформатив мулоҳазалар ёки нутқ ҳаракатлари фақат тилда ҳамда жамиятда тегишли битим мавжуд бўлган шароитда яратилади ва аҳамиятга эга бўлади, бу битим бундай мулоҳазалар ва ҳаракатлар муваффақиятини таъминлайди. Бундан ташқари дискурсни шунчаки тил фаолиятига тенглаштириш дискурс тушунчасини ҳаддан ташқари шишириб юборади.

Назариянинг ушбу боши берк кўчасидан чиқишининг таклиф этилаётган йўллари – субъектлар ҳаракатини тўла аниқловчи, миллатчилик дискурси/тилини умумийлик кўринишида тасвирловчи ўзига хос “дискурсив идеализм” ва миллатчиликий дискурсини

моддий тажрибаларга қўшимча ҳодиса сифатида тасаввур қилувчи тарихий материализм қониқарсиз бўлиб кўринмоқда. Мафкуралашувдан кейинги назария дискурс тушунчасини тилга олинган назарий мушкилотни витгенштейнианча нуқтаи назардан кўриб чиққан ҳолда ҳал қиласди. Мафкуралашувдан кейинги назарияда дискурс категорияси нафақат лингвистик балки “тил ўйинлари” кўринишидаги аҳамиятга эга лингвистик бўлмаган ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Натижада бирламчи дискурс бўлмаган ва иккиламчи ҳамда дискурсив амалиётларни турларга ажратишдан бош тортиш юз беради: сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий амалиётларни фақат дискурсда ажратиб кўрсатиш мумкин, чунки булар ундан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўла олмайди.

Миллатчилик дискурси асосида ҳалқ мустақиллиги ғояси (синхрон мезонда ҳалқ ҳокимият манбаи сифатида) ва сунъий диахроник тарихий ҳамжамият сифатидаги миллат ҳаракати қарор топгандир. Тарихий жиҳатдан бундай артикуляцияга мутлақчилик ва мустамлакачиликнинг кўплаб муҳолифлари ўртасида тенгликнинг нисбатан кенг силсалалари шаклланишига имкон берувчи “миллат”нинг маъносизланиши юз берган мутлақчилик ва мустамлакачилик тартиботлари билан кураш даврида имкон яралди. Миллатчилик дискурси якка ҳокимияти қарор топгандан сўнг “миллат”ни англатувчи тушунчанинг уни турли мазмун билан тўлдиришга ва турли кучлар ўртасида бунга муайян мазмун баҳш этиш ва уни ўзига тегишли маъносининг якка ҳукмонлигини ўрнатиш учун кураш олиб боришга имкон берадиган “бўш”дан “мавҳум” тушунчага айланиши юз беради. Ушбу мавҳум тушунча туфайли миллатчилик тарихий мафкуралар - консерватизм, либерализм ва социализм билан биргаликда ҳаракатланиши мумкин. Шу тарзда миллатчиликнинг “қашшоқлиги” унинг якка ҳукмонлиги учун зарурий шароит бўлиб чиқади; миллатчилик дискурси ҳам асосан бошқа мафкуралар билан бирга шаклда мавжуд бўлади.

Мафкуралашувдан кейинги назария синфий мазмундан ҳоли ва субъективлаштиришнинг асосий шаклига айланадиган мафкуравий талабнинг юқорида кўриб ўтилган алъюссерианча категорияси ёрдамида дискурс ва субъект ўртасидаги алоқаларни қайта мулоҳазадан ўтказишга ҳам имкон беради. Миллатчилик мафкураси шахсларга миллат аъзолари сифатида мурожаат қилган ҳолда миллатчи субъектни яратади. Аммо бўш субъектни тўла акс эттиришга лаёқатсиз ва бошқа кўплаб талаблар билан рақобатлашишга мажбур бўлган ҳолда у миллатчи субъектни “миллатга” “тўлиқ” эътиқодга эга бўлиши мумкин бўлган субъект кўринишида яратади. Миллатчи талаб (интерpellация) ўз якка ҳукмонлигини ўрнатади ва кундалик даражада ўзини номоён этиш учун миллатчилик маъбудлари ва маросимларига муҳтоҷ бўлади.

Шундай қилиб, диссертация натижалари миллатчиликни изоҳлаш учун мақсадга муносиб танлаш назариясининг “услубий индивидуализми” етарли эмаслигини кўрсатмоқда ва уни мафкуралашувдан кейинги ёндошув нуқтаи назаридан мулоҳазадан ўтказиш зарурлигини асослаб бермоқда. Миллатчилик ўз дискурсига ва субъективлаштириш усулига эга бўлган алоҳида мафкурадир. Миллатга ишониш эҳтимоли бўлган миллатчи субъектни яратувчи мафкуравий талаб ёрдамида миллатчиликнинг ҳукмрон формациясини вужудга келтириш давом этаётганлиги шахслардан бевосита эътиқодни талаб этмайди бироқ бу эътиқод ҳисси ҳамда “миллатни” англатувчи мавҳум тушунчанинг бошқа кўплаб мафкуралар билан ҳаракати нима учун кўплаб ижтимоий назариётчиларнинг “миллатчиликдан кейинги” ёки “космополитик” жамият бостириб келаётганлиги тўғрисидаги дабдабали баёнотлари кўпинча асоссиз эканлигини тушунишга имкон беради.

### **Глобаллашув тенденциялари ва мафкура**

Мафкуравий муаммоларни ўрганишнинг долзарблиги, аввало, замонавий глобал ҳамжамият бошидан кечираётган қадриятли-меъёрий инқироз билан белгиланади. Иқтисодий, илмий-техник тараққиёт жамиятнинг маънавий ривожидан анча олдинда. Асосий, умуминсоний қадриятлар аста-секин текислаб юборади. Ф.В.де Клерк фикрича, анъанавий асосий қадриятларнинг тушиб кетиши, аввало, глобаллашув оқибатлари билан боғлиқ ва янги мингийилликда “асосий муаммо – жамиятнинг маънавий юксалтириш бўлади”.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини асословчи иккинчи тенденция - бу глобаллашув жараёни ҳисобланади. “Глобаллашув инсониятнинг бирлашувига, инсониятнинг мавжудлик шакли сифатида глобал жамиятни яратишга, ёки кўпинча таъкидланганидек, жаҳон ҳамжамиятини тузишга олиб келади”.

Мафкурага оид муаммоларга мурожаат қилишнинг долзарблиги, шунингдек, сўнгги йилларда шаклланган тенденция, яъни маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг бир вақтлар оммабоп бўлган “мафкурадан холи қилиш” концепциясидан воз кечиш ва мафкурани жамият ҳаёт фаолиятининг муҳим омили сифатида тан олиш тенденциясига асосланади.

1. “Мафкура” тушунчасининг ривожланиши мафкурани ўз ичига ғоялар тизимини олган маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, мафкуравий муносабатлар, мафкуравий таъсир жараёнида мафкуравий институтлар фаолияти, шунингдек, мафкуравий таъсирнинг обьекти ва субъектидан иборат яхлит тизим сифатида тушунишга олиб келди.

2. Глобаллашув жараёнининг тенденциялари, айнан глобал

иқтисодий жараёнларнинг жадаллашуви, трансмиллий сиёsat соҳасининг шаклланиши, ОАВ глобал тармоқларининг вужудга келиши “трансмиллий ижтимоий макон”нинг қарор топишидан далолат беради. Бу макон Зта асосий соҳаларнинг: глобал иқтисодиёт, глобал сиёsat ва глобал мафкуранинг мавжудлиги билан тавсифланади; “глобал мафкура” соҳасининг ишлаши мафкуравий концепциянинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Ушбу концепция юқоридаги соҳани мазмунан тўлдириш сифатида юзага чиқади, унда ҳукмрон қадриятларга оид қоидаларни белгилайди.

3. Энг тўлиқ ишлаб чиқилган мафкуравий концепцияларнинг мазмунини таҳлил қилиш шундай хулоса чиқариш имконини бердики, бунда ҳозирги вақтда тарихий тараққиётнинг мазмунли хусусиятлари ва ўзига хослиги туфайли энг “глобаллашган” концепция – бу либерализмдир.

4. 90-йиллар бошларида “мафкурадан холи қилиш” концепцияси амалга оширилганидан кейин қадриятлилар-меъёрлар борасидаги бўшлиқ ҳолати шунга олиб келдики, давлатнинг мафкуравий тузилмаси ОАВ глобал тармоқлари таъсири остида либерал мафкура қадриятларининг оммалашган таъсирига учради.

5. Муаллиф ўтказган таҳлил шуни кўрсатдики, глобаллашув либерал мафкурага хос камчиликлар ва яширин таҳдидларни юзага чиқарди, глобаллашув жараёнининг тенеденцияларига энг тўғри келадиган мафкура – бу инсонпарварлик мафкурасидир.

6. Мазмун жиҳатдан инсонпарвар мафкура шундай ижтимоий қурилмани шакллантиришга йўналтирилганки, бу қурилма глобал инсонпарвар жамиятнинг асосий қадриятлари сифатида инсон ижодий моҳиятини имкон қадар очишга хизмат қиласи. Агар жамиятнинг мафкуравий-маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ этилса, бу жамият уни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин.

“Мафкура” тушунчасининг ривожланиши ўз ичига ғоялар тизимини олган маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, мафкуравий муносабатлар, мафкуравий таъсир жараёнода мафкуравий институтлар фаолияти, шунингдек, мафкуравий таъсирнинг обьекти ва субъектидан иборат яхлит тизим сифатида тушунишга олиб келди.

Ушбу талқинда мафкура жамиятнинг асосий ижтимоий тузилмаси ҳисобланади. Мафкуранинг алоҳида сифатли хусусияти унинг қадриятли характеристидир. Мафкура қадриятлар тизими сифатида жамият мафкуравий тузилмаси ёрдамида назорат жиҳатдан ишлаб чиқилган мафкуравий концепциядаги қадриятларни индивидларнинг одатий тасаввурига айлантириб қўяди. Махсус функциялар(билиш, аксиологик, дастурий-мақсадли, футурологик, бирлаштирувчи, ҳимоявий, ижтимоий-ташкил қилувчилик ва б.)ни бажариш воситасида мафкура нафақат ижтимоий воқелик ва унда

индивиднинг ҳолатини, балки унинг фаолиятга оид ўзгариш жараёнини ҳам таъминлайди.

Глобаллашув жараёни тенденциялари, айнан глобал иқтисодий жараёнларнинг жадаллашуви, трансмиллий сиёsat соҳасининг шаклланиши ва ОАВ глобал тармоқларининг пайдо бўлиши “трансмиллий ижтимоий макон”нинг, глобал “институционал матрица”нинг қарор топишидан далолат беради. У глобал иқтисодиёт, глобал сиёsat ва глобал мафкуранинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Глобал мафкура деганда, биз маънавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш глобал тизимини тушунамиз. “Глобал мафкура” соҳасининг “мафкура” тушунчасининг таърифига мос равишка, мафкуравий концепциянинг мавжудлигини назарда тутади. У юқорида кўрсатилган соҳани мазмунга тўлдириш сифатида ундаги ҳукмрон қадриятларга оид қоидаларни белгилайди.

Энг тўлиқ ишлаб чиқилган мафкуравий концепциялар (либерализм, консерватизм, социализм, коммунитаризм, гуманизм) шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, ушбу вақтда тарихий ривожланишнинг мазмунга оид хусусиятлари ва ўзига хослиги туфайли либерализм “глобаллашган” мафкуравий концепция ҳисобланади.

XX асрнинг бошқа мафкуравий концепцияларидан устун бўлган либерал мафкуранинг асосий тавсифи унинг антропоцентристик йўналишидир – фақат либерал мафкурагина индивидни диққат марказига қўяди, бу эса унинг XX асрнинг қолган таъсирили мафкураларидан афзаллигини таъминлайди. Бироқ, либерал гуманизм ўзига хос характерга эга.

Юқоридаги концепциянинг мазмунли ташкил қилувчилиарини таҳлил қилиш шуни кўрсатдик, глобаллашув жараёнининг кўплаб салбий омиллари айнан либерал қадриятларнинг рўёбга чиқиши билан боғлиқ ва либерализм белгилаган йўналиш доирасида уларни янада ривожлантириш салбий оқибатларга олиб келади. бизнингча, улардан энг хавфлиси – бу қадриятли-меъёрий инқироздир, у моддий қадриятларнинг маънавий қадриятлардан устунлигига ва инсон ижодий моҳиятининг ривожланишига тўскىнлик қиласиган “истеъмол жамияти”нинг шаклланишида ифодаланади. Бу, охир-оқибат, жаҳон маданиятининг таназзули ва Ғарб оммавий маданиятининг содда намуналари асосида глобал маданий гомогенизацияга олиб келиши мумкин.

Мафкуравий вазиятга келсак, 90-йиллар бошида “мафкурадан холи қилиш” концепцияси амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қадриятли-меъёрий бўшлиқ ҳолати шунга олиб келдик, мамлакат мафкуравий тузилмаси ОАВ глобал тармоқлари таъсири остида либерал мафкура қадриятларининг оммавий таъсирига учрай бошлади.

Юқорида қайд этилганидек, глобаллашув либерал мафкурага хос камчилик ва яширин таҳдидиларни юзага чиқарди. Мувофиқ тарзда, шакланаётган “глобал мафкура” соҳаси муқобил мафкуравий концепцияга эҳтиёж сезади. Бундай концепция у ёки бу жамиятнинг миллий хусусиятларига боғланмаслиги керак, у ўз асосида қўпгина замонавий маданиятлар вакиллари учун хос умуминсоний қадриятларни мужассам қилиш ва глобал миқёсда тарқатиш салоҳиятига эга бўлиши керак. муаллиф томонидан ўтказилган назарий таҳлил шуни кўрсатдики, глобаллашув жараёнига энг тўғри келадигани – бу инсонпарвар мафкурадир.

Инсонпарвар мафкуранинг ривожланишини таҳлил қилиш кўрсатишича, XX асрда мавжуд бўлган гуманизм йўналишлари глобал мафкура мақомига даъвогарлик қилолмайди. Айниқса, 2та йўналиш – христиан гуманизми (В.Соловьев ва Н.Бердяев) ва дунёвий гуманизм (АҚШ ва Европа олимлари ҳамда мутафаккирлари томонидан яратилган концепция) энг батафсил таҳлил қилинган. Христиан гуманизми, бизнингча, глобал мафкура бўлолмайди, чунки глобал мафкура биронта аниқ динга боғланмаган универсал, умуминсоний меъёр ва қадриятларга қурилади. Гуманизмнинг дунёвий тури юқорида салбий таъсир оқибатлари баён этилган либерал мафкура қадриятларининг ҳосиласидир. Социал гуманизм юқорида қайд этилган камчиликлардан холидир.

Мазмун жиҳатидан социал гуманизм мафкураси шундай ижтимоий қурилмани шакллантиришга қаратилганки, у гуманистик мафкуранинг асосий қадрияти сифатида инсоннинг ижодий моҳиятини имкон қадар очишига хизмат қилади. Бу жамият ўз ичига мулкчиликнинг янги шаклларини, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришни, таълим тизимини ўзгартиришни, фан ва маданият соҳасидаги ўзгаришларни, сиёсий тизимнинг “гносеократия” тамойлиига мувофиқ тарзда ўзгаришини ўз ичига олган.

Шунингдек, ишда инсонпарвар мафкурани ривожлантириш истиқболлари таҳлил қилинди. Жамиятни глобал гуманизм жамиятини шакллантириш учун асос бўла олади. Шу мақсадда жамиятнинг ғоявий-маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ этиш лозим.

Шубҳасиз, “сайёравий гуманизм” концепциясини амалга ошириш истиқболлари ва механизмлари янада батафсилроқ таҳлилга муҳтоҷ. Кейинги тадқиқотларнинг йўналишларидан бири сифатида мафкуравий тузилмани микросоциологик таҳлил қилиш, яъни мафкура соҳасининг ишлашини “одатий” даражада, кундалик қарашлар ва тасаввурлар даражасида ўрганиш юзага чиқиши мумкин.

Бироқ, биз учун энг муҳими – бу глобал гуманизм асосига қўйилиши мумкин бўлган универсал қадриятларга йўналганликни аниқлашга қаратилган кенг миқёсли социологик тадқиқотни

үтказишидир.

## ЎЗГАРАЁТГАН ЖАМИЯТДА МАФКУРА ШАКЛЛАНИШИ

### Ўзгараётган жамиятда мафкура шаклланиши

Инсоният тарихининг узоқ даври давомида амалий фаолиятни назарий асослаш у ёки бу ташкилий тузилма доираларидағи муҳим муаммо бўлиб келган. Ҳар қандай ижтимоий тузилманинг ўзига хослиги бу тузилмада яшовчиларнинг дунёни англаш шаклларини акс эттирган. Айни вакда коникишнинг турлича даржаси маънавий фарқланишини келтириб чиқарган XVII асрнинг ўрталаридаёк инлиз файласуфи Гоббс “хуқуқ ва адолатсизлик тўғрисидаги таълимот доимо ҳам қалам ҳам килич билан ҳимоя қилиб келнади айни замонда чизиқлар ва шакллар тўғрисидаги таълимот баҳсга тортилмайди, чунки булар ҳақидаги ҳақиқат кишиларнинг ўз қадрига етиши уларнинг манфаатлари ёки қизиқишиларига тўқнашмаган ҳолда кишиларнинг қизиқишиларини ерга урмайди” (90,38). Шу аснода ғоявий зиддиятлар кўпинча мунозара кўламидан ташқарига чиққан ҳолда Варфоломев туни ёки Хитой маданий инқилобнинг даҳшатларига айланиб кетган.

“Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти” концепциялари асосида дунёқараш тузилмаларини умумлаштиришга Маърифат даври файласуфлари уриниб кўрган эди. Ундан кейинроқ “Интернационализм”ни кўтариб чиққан социалистик тузум томонидан ҳам шунга ўхшаш ғоя олдинга сурилди. XX асрда мафкуравий қарама-қаршилик геосиёсий даражага қатъий даражада киритилди. Америкалик мутаффакир Г Моргентау кишилар онги учун кураш халқаро сиёсатнинг янги мезони бўлиб қолди (22,7). Совуқ уруш йилларида СССР ва АҚШ раҳбарлиги остидаги икки блок ўртасида мафкуравий мажоро якуний шаклга кирди. Тилга олинган ҳар бир блокка кирган мамлакатлар бутунлай бошқа-бошқа ғоявий, маданий асосларга таянар эди. Совуқ уруш якунлар дунё миқёсидаги маънавий глобаллашувнинг йўналишин узил-кесил аниқлаб беришга лозимга ўхшаб кўринар эди. Бундай фикрлар Ф.Фукуяма, Ж. Атталиларнинг оптимистик концепцияларида. Буларнинг фикрига кўра инсоният ва ниҳоят жамият қурилишининг энг оқилона ва самарали шакли – капитализм томон югурга бошлади. (37,127) Аммо СССР тарқагандан кейин юз берган жараёнлар хусусияти бундай хуносаларга хали эрта эканлигини тасдиқлади.

Биринчидан, кўпгина янги шаклланган давлатлар социализмдан узилгандан сўнг “ягона тўғри йўл” либерал демократик доктринаға эришишга шошилаётганлари йўқ. Устига устак бу мамлакатларда миллатчилик ва фундаменталистлик тенденциялари жадал кучга кирмоқда.

Иккинчидан, либерал маданият мезонларининг мутлоқ ва умумий эканлиги жиддий шубҳага тортилмоқда. Шу аснода Гарбдаги бир қатор мутаффакирлар ҳам бу фикрни қўлламоқдалар. Фромм,

Маркузе, Шостром, Роджерс – булар саноатлашган жамиятдаги глобал маданий-маънавий инқизорзининг яққол аломатларини кўра олган дунё миқёсидаги арбоблар рўйхатидаги айрим исмлар ҳолос.

Учинчидан, шўролардан кейинги маконда яшаётган жамият Ғарб қадриятларини фаол ўзлаштиришга интилаётганига қарамасдан хали бу маънода катта ютуқларга эриша олгани йўқ. Сохта демократик сиёсий тизим, иқтисодиётда тижорат-компрадорлик тенденцияларининг устунлик қилиши, албатта, “муваффақиятлар” сифатида баҳоланмайди. Ижтимоий соҳада эса ислоҳотларнинг умуман, шодлантирмайдиган тасвирини кўришимиз мумкин – қотиллик, қўрқитиш, алдов, ичкиликбозлиқ, гиёҳвандлик, болаларнинг қаровсизлиги, уйсизлар, ўз жонига қасд қилиш, мунтазам тўйиб овқат емаслик ва умуман истиқболнинг йўқлиги ислоҳотлар оқибатидир. Маданий-маънавий соҳага келганда эса, бу ерда “мафкурадан ҳоли бўлиш” фаол кўтариб чиқилмоқда. Бу ерда энг аввало, советлардан қолган мафкурадан қутилиш ва ижтимоий эволюциянинг оқилона кечишига энг яхши имкон яратувчи Ғарбдаги фундаментал қоидаларни қабул қилиш тушунилмоқда ижтимоий тизим учун дунёқараш асосларини муҳимлик даражаси XIX асрнинг охиридаёқ Дюргейм томонидан асослаб берилган. “Маънавий эҳтиёжлар қандайдир йўлга солувчи ибтидога муҳтождир. Бундай йўлга солувчи ўз навбатида ахлоқий хусусиятга эга бўлиши лозим”. /40, 288/.

Аммо кўпгина жамиятшунослар (шу жумладан Ғарбда ҳам) ҳақли равища таъкидлаганидек, “бозор иқтисодиёти ўзи билан олиб келадиган ахлоқий меъёрлар, гарчи ўзи олиб келаётган ғояларни амалга оширишга доимо қодир бўлмаса-да “реал социализм” таълим берган ахлоқий меъёрлардан анчагина тубандир”. Натижада, дунёқараш соҳасидаги Ғарбпаст сиёсатининг бевосита натижаси мамлакатдаги жамиятнинг чуқур қадриятли-меъёрий инқизорзга учраши бўлди. Янги миллий ғоя тўғрисидаги масала кескин кўтарилмоқда, чунки қаердандир узлаштирилган либерализм миллий ғоя сифатида шакланишга қудрати етмайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳукмрон тартибот 1993 йилдаёқ пишиб етилган эди. (бу ерда янги Миллий ғояга давлат буюртмаси назарда тутилмоқда) шундай бўлса-да, бу йўналишдаги уринишлар жиддий силжишларга олиб келмаяпти. Бунинг оқибатида ғоявий бўшлиқни ханузгача бартараф этилган деб ҳисоблаб бўлмайди. Шу аснода таниқли Белорус социологи Данилов А.А. ёзганидек “жамият асосий ўйин қоидаларини тушунишда бир хилликни таъминлай олмаса, тирик қолмайди. Айнан бир ислоҳот яратувчан ёки вайронкор бўлиши мумкин. Бу қадриятли мақсадлар ижтимоий-ахлоқий муҳитга қанчалик мос келишига боғлиқдир” /732, 361, 362/

Ягона миллий дунёқарашнинг шакллантириш жараёнини фарқловчи омилларнинг бутун мажмуини пухта ва ҳар томонлама

ўрганиш зарурати мана шулардан келиб чиқмоқда. Ижтимоий қурилиш ҳамда унинг амал қилиш тамойиллари масалалари билан шуғулланувчи деярли бирон бир олим маънавий соҳа муаммосини четлаб ўтолмайди, аммо “мафкура” атамасининг ўзи мутаффаккирлар томонидан турлича талқин қилинади. Тилга олинган тушунча талқининг кенглиги кўп жиҳатдан уни баҳолашга боғлиқ эканини ҳам таъкидлаш зарур. Мафкуравий ҳодиса мазмунига нисбатан бугунги кунда икки хил ёндошувни кўрсатиш мумкин.

Биринчи нуқтаи назар кўп жиҳатдан Ғарбдаги ижтимоий тафаккурга хосдир. У мафкурада жамиятни дунёқараш тузилмасига таққослашни эмас, балки муайян сиёсий вазифаларни назарий асослаш тарзida кўриш хосдир. Иккинчи нуқтаи назар мамлакатимиздаги жамиятшунослярнинг асарларида тилга олинган бундай ёндошув мафкурага ижтимоий, маданий, маънавий талқин этиш доираларини анча кенгайтиради.

Мафкурани аниқлашга нисбатан жаҳондаги илмий тафаккурнинг бундай фарқланишидаги объектив манбани илғаб олиш унчалик қийин эмас. Агар биринчи ёндошув бир томондан маънавий соҳаларга ҳам тарқаладиган Ғарб жамиятини мутлоқлаштириш бўлса, Ғарбча маданият меъзонлари ижтимоий тизимлар муносабтига уйғун “жойлашади” ва шу боис унинг мафкурали эканлигининг юксак даражаси “ташқаридан” анчагина сезиларлидир. (32,47.)

Мамлакатимиздаги мутаффаккирларнинг ёндошуви эса қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади. Узоқ вақт жон берган коммунистик доктрина охир-оқибатда жамиятни чуқур маънавий-ахлоқий инқирозга олиб келган ялпи мафкурадан ҳоли қилиш билан ўрин алмашди. Шу тарзда бизнинг фикримизча, айнан муаммонинг кескинлиги мамлакатдаги ижтимоий фикрга “мафкуранинг” ўзига ижтимоий аҳамиятга эга функцияларни баҳш этишга мажбурламоқда

Аммо мафкура ҳодисасини ижтимоий воқеликдан узулган ҳолда кўриб чиқиши бемаъно бўлиб кўринмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзаро муносабатлар таҳлилига бағишлиланган мумтоз ижтимоий фикр бой назарий материаллар бермоқда. Конт О., а К., Бентам И., Зиммел Г., Спенсер Г., де Тард Г., Гидденс Ф., Ле Бон Г., Дюркгейм Э., Сорел Ж., Парето В., Вебер М., Зомбарт В., Маннгейм К., Райх В., Сорокин П., Парсонс Т., Бергер П., Лукман Т., Фромм Э., Бурдье П., Московичи С. ва бошқа кўплаб мутаффаккирларнинг концепцияларида ижтимоий тузилманинг маънавий асосларига кенг ўрин берилган. Бу мутаффаккирларнинг ишлари дунёқараш шаклларининг ижтимоий аҳамиятли функцияларига, уларнинг тузилмавий аниқловчиларига урғу беради.

Мамлакатимиздаги ижтимоий фикр ижтимоий маданий муҳит муаммоларини фаол ишлаб чиқиши билан шуғулланмоқда, сўнгги йилларда бу мавзу ўта долзарблиги билан фарқланади. Бундай турдаги тадқиқотларда кўтарилаётган масалалар концептуал

кўринишдаги миллий ғоя мақоми берилиши мумкин бўлган ғоялар тизими шакланиши муаммоларига тегмай ўтолмаслигии ўз-ўзидан тушунарли. Шундай “мафкуранинг ўзи” тадқиқот предмети бўлган ишлар нисбатан кўп эмас. Мамлакатимиздаги ижтимоий-маданий жараёнларнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилган ишларнинг сони эса анча кўпдир.

1. Давлат мафкураси муайян ижтимоий тизимнинг ажралмас унсуридир. У шунга мос равишда айнан шу тизимнинг бошқа унсурлари билан тузилмали ўзаро ҳаракатда туради ва бир қатор ижтимоий ахамиятга эга функцияларни бажаради.

2. Маънавий бўшлиқ шароитларидағи ижтимоий онг бугунги вазиятга мос келадиган янги миллий ғояни қидиришнинг асосий объектига айланиб бормоқда.

3. Фуқароларнинг анъанвий маданий мезонлари: жамоавийлик руҳи, индивидуализни намоён этишнинг паст даражаси, олий ҳокимиятга нисбатан отага бўлгандек муносабат қўрсатиш жамиятдаги глобал маданий Ғарблашув учун бартарф этиб бўлмас тўсиқдир. Миллий анъаналарга нисбатан глобал тизимли ўзгаришлар тарафдорлари бўлган сиёсий арбобларнинг очиқ душманлиги ислоҳотларни қадрсизлантириди ва ҳатто уларни буткул қарама-қарши натижаларга олиб келди.

4. Аҳолидаги ижтимоий мақсадларни таҳлил қилиш жамиятдаги ислоҳотлар томонидан юзага келтирилган ижтимоий орқага қайтиш омилларини кўрсатиб берди: объектив ҳолатлар таъсири остида баъзи-баъзида ижтимоий қарма-қаршиликка айланаётган ижтимоий психологик бегоналашув шаклланмоқда; гуруҳга мансублик шаклланиш жараёнининг айрим жиҳатлари назоратдан четда қолган, бунинг оқибатида маргинал қатламларнинг ўсиши юз бермоқда.

5. Сиёсий вазифаларнинг мазмуни аксарият аҳолида барқарор сиёсий эътиқоднинг йўқлигидан дарак бермоқда, бу ижтимоий ва сиёсий соҳалар ўртасидаги узилишдан келиб чиқади, шунингдек ижтимоий ўзини хис қилишдаги нуқсонлар ҳам кўзга ташланмоқда.

6. Жамиятдаги мафкуравий макон таҳлили иккита буткул бир-бирига зид концептуал йўналишлар – либерализм (Ғарбпарастлик) ва консерватизм (маҳаллийчилик) мавжудлигини кўрсатди. Булар ўртасидаги кураш ҳозирча ҳеч кимга ҳал қилувчи устунлик келтирмади: агар либерализм муваффақиятсизлигини сабаби унинг жамиятдаги воқеликларга мос келмаслиги бўлса, консерваторлар муваффақиятсизлиги манбанини шу жойнинг ўзидан қидириш лозим. Бу улардаги сиёсий муҳолифликдан келиб чиқади.

7. Кўзга ташланаётган бирлашиш тенденциялари қайта тиклаш йўналишига мойил эканлиги билан хусусиятланади. Ижтимоий жараёнларга давлат таъсирини кучайтириш талаб

қилинмоқда. Геосиёсий даражада ҳукмронлик кайфияти кучайиб бормоқда.

Юқорида баён қилинган материал асосда айтиш мүмкінки, маданий инқироз ва маънавий бўшлиқ шароитларида янги давлат мағкурасини шакллантиришга фақат миллий-маданий базага таянгандагина муваффақиятга эришиш мүмкин. Мафкура ҳодисасига у ёки бу даражада эътибор қаратган бир қатор мумтоз концепциялар таҳлил мафкуранинг ўзи мураккаб эканлиги борасидаги фикрни уйғотди. Аслида ҳам ҳар бир буюк мутаффакир ижтимоий доктриналарни кўриб чиқишда уларда ё ижтимоий синфий манфаатларнинг ифодаланишини ёхуд инсон табиатининг ўзига хосликлари намоён бўлишини (Паретто) кўрган ҳолда ижтимоий ғояларни кўриб чиқишга ўзича ёндашади. Дюргейм ва Вебер у ёки бу жамиятнинг маънавий шаклларида бир мунча каттароқ нарсаларни кўра олган. Булардан биринчisi мафкура шаклларининг бирлаштирувчи кучини таъкидлаган бўлса, иккинчisi ижтимоий ривожланиш ривожланиш йўлини белгилашда дунёқараш қоидаларининг аҳамиятини кўрсатиб берди. Кўриб чиқилаётган ҳодисага илмий ёндошувларнинг турли-туман бўлганлигига қарамасдан уларнинг ҳар бир асосли эканлигини таъкидламаслик мүмкин эмас. Улардан мантиқа таянган ҳолда қуидаги қоида келиб чиқади: мафкура барча ижтимоий тизимнинг ажralmas унсуридир, чунки унинг жамият ҳаётидаги барча бошқа соҳалар билан алоқасидаги бир-биридан келиб чиқувчи хусусият яққол кўриниб турибди.

Аммо тизимли ёндошув доираларида айнан бир ғоявий концепция турли ижтимоий тузилмаларга бир хил таъсир кўрсатмаслигини унумаслик лозим. Устига-устка унинг таъсир натижалари буткул қарама-қарши бўлиб чиқиши мүмкин. Московичнинг концепцияларида мазкур муаммонинг ёритишга уринишлар мавжуд. Унинг концепциясига мувофиқ у ёки бу доктринанинг қоидалари шахслаш томонидан сўзма-сўз эмас, балки оддий онг деб аталмиш концептуал таъсирлардан озми-кўпми ҳоли бўлган маънавий тузилма орқали идрок этилади. Мафкура ва оддий онгнинг “бижғиш” маҳсули шахснинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатини аниқлаб берувчи ижтимоий тасавурлар тизимиdir. Муайян ҳояларни ўзлаштиришн ўзига хосликларини тушуниш учун оддий онг тузилмасини таҳлил қилиш қанчалик мухим аҳамият касб этишини гапириб ўтириш ортиқчадир. Оддий онгнинг негизи бўлиб “соғлом фикр” хизмат қиласи. Бу кундалик ҳаёт жараёнларида ҳаракат қилиш учун ўзига хос йўл-йўриқдир.

“Соғлом фикр” ўз навбатида жамоавий тасавурларнинг шахс томонидан қайта ишланиш натижаси бўлиб, унинг миллий ўзига хослиги шубҳадан ҳолидир. Шундай қилиб, фақат анъанавий маданий мезонларни тушуниш орқалигина муайян мафкуранинг

муайян жамиятга таъсири оқибатларини муносиб тарзда башорат қилиш мүмкін. Миллий анъаналарни сунъий тарзда четлаб ўтишга уриниш доимо муваффақиятсизлик билан тугайди. Бу борада мумтоз ишларда ҳам, замонавий тадқиқотларда ҳам сўз юритилган. Жамиятдаги ислоҳотлар билан боғлиқ ҳодисалар миллий онгга бегона бўлган қадриятларни сунъий равишда тиқишириш йўли билан этномаданий ўзига хосликларни назардан қочириш қандай ҳалокатли оқибатларга олиб келишини яққол кўрсатиб берди.

Юқорида баён қилинганлардан ташқари у ёки бу ғояларнинг мазмуни муайян тарихий вазиятдан келиб чиқиши таъкидлаш жоиз. Тарихий вазиятнинг ўзига хослиги муайян ижтимоий-маданий жамият учун янгича маънавий хосилаларнинг зарурлик даражасини ҳам белгилаб беради. Шунга боғлиқ ҳолда XX асрнинг биринчи ярмидаёқ ўз мазмунини йўқотган ва бизнинг замонамизга келиб кескин ўзгаришларга тортилган ғояларнинг долзарблигини шубҳа остига тортиш мақсадга мувафиқ бўлиб кўринмоқда. Шундай бўлсада, айнан шу қараашлар жамиятдаги ислоҳотлар учун стратегик мақсадлар сифатида қўлланилган эди.

Хусусан, мамлакатдаги вазиятнинг ўзи мазкур тадқиқот усулбиятини шакллантириш учун манба бўлиб хизмат қилди. Чўзилиб кетган тизимли инқизор, шу жумладан ижтимоий-маънавий хусусиятдаги чуқур зиддиятларни вужудга келтирди. Қўйилган муаммони – маънавий бўшлиқ муаммосини аниқ белгилаб олиш ва унинг ҳал қилиш йўлларини белгилашга фувароларнинг оммавий мақсадларини таҳлил қилиш ёрдам берди.

Ҳар қандай мафкуравий концепцияларнинг қоидаларида ёрқин ифодаланган психологик жиҳат оммавий кайфиятлар аҳамиятининг тасдиғи бўлиб хизмат қиласи. У кўп жиҳатдан у ёки бу ижтимоий тузилма доираларидағи ўз доктринасининг ғалабаси ёки мағлубиятини ифодалайди. (Реваншистлик мақсадларининг юксак даржаси немисларда миллий социализм экстремистик ғояларини кўнгилли тарзда қабул қилишни келтириб чиқарди.)

Шундай қилиб мафкуравий тузилмаларнинг онтологик хусусиятини ҳсобга олган ҳолда айнан ижтимоий онг мазмуни миллий доктрина мақомига давогарлик қилаётган у ёки бу маънавий шаклларнинг истиқболларини баҳолашга имкон беради деб таҳмин қилиш мүмкин.

Фуқароларнинг анъанавий маданий орзу-умидлари уларнинг этник онгига тарихан умумийлик, жамоавийлик руҳи, жамоавий мезонларнинг индивидуал талқини намоён бўлишининг паст даражаси хосдир деб фараз қилишга асос беради. Буларнинг барчаси дунёвий бошқаришнинг олий мақоми марказий ўқ бўлиб ўтган мафкуравий шаклларда мустаҳкамланиб қолган. Бундай бошқарувнинг чекланмаганлик омили ўз вақтида ягона яхлитлик сингари жамият ривожини бузилишига олиб келган эди (Пётрнинг

ислоҳотлари), бироқ айнан ўша вақтда айнан большевикларнинг марказий раҳбарияти мавжуд бўлган ижтимоий маънавий номутаносибликни бартараф этди. Шу тарзда Олий ҳокимиятнинг нуфузи шак-шубҳасиз бўлиб кўринди. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда отага нисбатан бўлгандек хусусиятда ва шунингдек, ҳалқ онги томонидан Шоҳ фигурасини, кейинчалик эса бош котиб фигурасини улуғлашга олиб келди.

Мана шу тарзда хатто маънавий-маданий анъананинг юзаки илмий таҳлили жамият Ғарблашувининг имкониятлари борасида оптимистик башорат қилишга имкон бермайди. Аммо Ғарбга йўналтирилган ислоҳотларнинг иккинчи давраси мамлакатдаги жамиятни ҳам бозорни муваффақиятли шакллантириш йўлига, ҳам фуқаролик йўлига тўсиқлар қўйган чуқур ижтимоий-маданий инқирозга олиб келди. Бу замонавий-маънавий вазият борасидаги иккинчи қисмда келтирилган тавсиялар билан тасдиқланмоқда.

Фуқароларнинг ижтимоий мақсадларини таҳлил қилиш яқин вақтларгача яширин бўлган улитилитаристик тенденцияларни кескин кучайганини кўрсатмоқда. Аммо бундай тенденциялар жамият ривожи учун ҳақиқий туртки бўлиб хизмат қилиши учун улар ҳар томонлама маданийлаштиришга, яъни муайян ғоявий доираларга киритилишга муҳтождир. Ғарбда бунга ўхшаш вазифани муваффақиятли ҳал қилган либерализм концепцияси биздаги шароитларда утилитаризмни ижтимоий орқага қайтиш омилига айлантириди. Объектив шароитлар стратификацион фарқлар асосида ижтимоий-психологик бегоналашув шаклланишига имкон яратади: мол-мулк билан фарқланган ижтимоий гуруҳларнинг мақсадлари бир-биридан бутунлай фарқ қиласди ва баъзан бир-бирига бутунлай зид келади. Давлат билан оталарча муносабатнинг издан чиқиши гуруҳга мансублик йўқолишига ва бунинг оқибати сифатида маргинал қатламларнинг ўсишига олиб келади. Шундай қилиб маънавий инқирознинг чуқурлашувига имкон яратиб берган жамиятдаги ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорлик яққол кўзга ташланиб турибди.

Бугунги кишиларнинг кўплаб орзу-умидлари тарғибот томонидан берилаётган катта "эътибор"га қарамасдан кўп жиҳатдан ижтимоий ахволга боғлиқдир. Бироқ авлодлар ворислиги жараёни издан чиққанидан дарак берувчи ёш аломатига кўра кучли фарқланиш мавжудлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг сабаби турли ёш гуруҳларида сиёсий ижтимоийлашув мазмунида кескин фарқларни келиштириб чиқарган сўнгги ўн-ўн беш йиллардаги тизимли ўзгаришларнинг кескинлигидир.

Шўролар доктринаси таназзулидан сўнг хосил бўлган бўшлиқни тўлдирган турли маънавий шаклларга кўз ташлаш бир-бирига муҳолиф бўлган бир неча йўналишларни – Ғарбга йўналтирилган либерал йўналишни ҳамда маҳаллийчилик ва коммунистик ғоялар

синтезини амалга ошираётган (эхтимол вақтингчадир) консерватив йўналишни ажратиб кўрсатишга имкон беради. Бу икки йўналишга жиддий рақобат яратадиган марказга йўналтирилган оқим ҳам мавжуд, бироқ ғоявий тузилмаларнинг бундай турли-туманлиги ва бинобарин танлов имкониятининг кенгайганига қармасдан маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳозирча муваффақ бўлинганий йўқ.

Анъанвий доктриналарнинг маънавий бостириб киришига ҳар томонлама тўсқинлик қилаётган ҳукмрон доиралар “мафкуралаштиришдан ҳоли бўлган” либерализмни жорий этишга улгурмадилар. Либерализмнинг муваффақиятсизлиги кўпроқ объектив хусусиятга эга бўлиб, бу Ғарбча қадриятларнинг миллий анъаналар томонидан кам қўллаб-қувватланаётганлигидадир. Яъни гап мазкур ҳолатда либерал концепцияни давлат концепцияси сифатида расман мустаҳкамлаб қўйиш имконияти мавжуд эмаслиги борасида бораётганий йўқ – ҳодисаларнинг бундай ривожланишига умуман айтганда йўл қўйса бўлади. Либерализмнинг четлашуви – унинг ҳозир шароитда ижтимоий тизим кўламидаги маънавий-маданий функцияларни, бошқача сўзлар билан айтганда у Ғарбда ажойиб тарзда уddaлаган вазифаларни ўз зиммасига ололмаслигидан келиб чиқади.

Бинобарин, янги миллий ғояни шакллантириш сифатидаги бундай мураккаб вазифани муваффақиятли ҳал қилиш учун энг аввало, маънавий асосга таяниш зарур. Миллий анъаналарга таянган модернизациялаш салоҳиятини ривожлантариш жараёнида ижобий хорижий тажрибани жалб қилиш мумкин. Хитой, Тайван, Япония сингари бутун жаҳонга бундай ёндошув самарадорлигини намойиш қилди. Бизнинг шароитларга қандай стратегияларни ўзлаштириш мос келади? Келажакдаги давлат мафкурасининг ижтимоий-психологик дастури қандай бўлиши лозим? Миллий онгнинг қайси бўғинлари бугунги шароитларга энг кўпроқ мос келади? Бу жиддий саволлар жамиятшунос мутахассислар томонидан алоҳида тадқиқотларни тақозо этмоқда. Аммо бугунги босқичда давлат сиёсатининг бош обьекти ижтимоий маданият соҳаси бўлиши лозим. Фақат шу ҳолатдагина бизнинг фикримизга кўра мамлакатимиз жамияти аҳолида глобал ижобий силжишларни кутиш мумкин.

## Мафкура ва ижтимоий-маданий ҳаёт

ХХ асрнинг 90 йиллари охирига келиб совет жамиятияда юз берган кескин иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар маданий соҳадаги ўзгаришлар бирга кечди ҳамда мафкуравий суръат бугунги жамиятнинг ижтимоий-маданий ривожланишидаги йўналишини белгиловчи етакчи омиллардан бирига айланганини кўрсатди. Мафкура замонавий ижтимоий тизимлардаги маданиятга тегишли энг мухим омил бўлганлиги боис, уни амал қилиш механизмининг

маданий ўзига хосликларини англамасдан туриб жамият яхлит ривожланишини имкониятлари ва истиқболларини аниқлаш имкони йўқ. У бир қатор ижтимоий-маданий функцияларни адо этади. Бу функциялардан энг мухими умумий ишга ижтимоий-сиёсий мансублик хиссини рағбатлантирувчи ўзига хос қадриятли мақсадларни ишлаб чиқиш воситасида мураккаб фарқланган жамиятлардаги ижтимоий мансубликн барпо этишдир. Бугунги жамият кескин қадриятли инқироз ҳолатида турганлигини таъкидлаш жоиз. нБу инқироз бир томондан аввалги мафкуравий парадигм анинг ҳалокати ва Янги парадигмани шаклланмаганлиги бошқа томондан эса жамиятда яхлит маданий яхлитликнинг йўқлиги билан боғлиқдир. Шўроча мафкуравий моделни парчалаш янги барча фуқароларга мос бирлаштирувчи мафкурага шакллантириш билан тугамади, аксинча қачонлардир яхлит бўлган мафкуравий соҳа кўплаб ўзаро рақобатлашувчи (ҳам ташқаридан ўзлаштирилган, ҳам ўтмишдан қолган) мафкуравий доктриналарга парчаланиб кетди. Шундай қилиб, жамиятда барча учун умумий маъно касб этадиганмаконнинг мавжуд эмаслиги пухта ўйланган жамоавий ҳаракатларни ишлаб чиқишига тўсқинлик қилмоқда. Ўзбекистон сингари нисбатан ёш давлат – сиёсий тузилма асрлар орлағида ўз миллий ва маданий мансублигини излаш муаммосига дуч келди. Мазкур муаммо биринчидан, модернизациялаш жараёнининг ниҳоясига етмаганлиги; иккинчидан, ўтмишдаги мақсад ва қадриятлардан тўла чекланиш ва янгиларини яратишга қодир эмасликдан; учинчидан жамиятда давлат томонидан урғу бериладиган ривожланишнинг аниқ ва тушунарли мақсадлари мавжуд эмаслигидан келиб чиқмоқда.

Жамиятнинг маънавий соҳасидаги бунга ўхшаш салбий хусусиятларнинг мавжудлиги кишиларнинг ижтимоий қудратини ишга солиши имкониятини шубҳа остига қўймоқда. Бунинг натижасида эса фуқаролар бир миллат сифатида тавсифланиши қийин. Уларни фақат ягона ҳудудди яшашнинг умумийлигина бирлаштириб турди. бугунги кунда омманинг ижтимоий қудрати ё тарқалиб кетмоқда ёки буткул салбий йўналишга эга, чунки назарий жиҳатдан умумий қадрият сифатида эътироф этилувчи тушунарли зиддиятсиз ғоя мавжуд эмас.

Бинобарин, барча фуқаролар учун янги мафкурани ривожлантиш бугунги жамият учун жиддийдир. Кўриниб турганидек, мавжуд маънавий инқирозни фақатгина мамлакатнинг тарихий ўтмиши масалалари бўйича ҳамда унинг келгусидиги ривожланиш йўллари борасида қандайдир рамзий келишув асосидагина барпо этиш мумкин. Шу аснода сиёсий раҳбариятнинг ва мафкуравий ҳамжамиятнинг жамият томонидан бўлаётган “ишора”ларини кўрмаслигини бартараф этилиши лозим.

Мазкур масалага бағишлиланган ишлар сонининг кўплигига

қарамасдан мафкура ва маданиятнинг ўзаро алоқаси, шунингдек унинг бугунги жамиятда маданий намоён бўлиш механизми деярли мақсадга йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқилмаган, мафкуранинг ўзига хос ижтимоий-маданий хусусиятлари эса ҳанузгача тадқиқот учун очик қолмоқда ва илмий мавзуларга тақсимлашни тақозо этмоқда.

Шундай қилиб, тадқиқотнинг ижтимоий ва илмий долзарблиги қуидагилардан келиб чиқмоқда: 1) бирлаштирувчи умумфуқаровий мафкурани яратиш асосида жамиятдаги ижтимоий-маданий инқирозларни самарали бартараф этиш зарурати; 2) ҳодиса ва ва унинг ижтимоий-маданий амалиётга таъсирининг ўзига хосликлари сифатидаги мафкуравий ўзига хосликни янада чуқурроқ тушуниш эҳтиёжи; яхлит маъно яратувчи маконни яратиш асосида жамиятнинг миллий ўзига хослигини шакллантиришнинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги; 4) фалсафа, маданиятшунослик, ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик фанларидағи мафкура таҳлилига бевосита алоқадор бўлган фанлар ўртасидаги назарий бўшлиқларни бартараф этиш зарурати; 5) мамлакатимиздаги ва ҳориждаги илмий мактабларда мафкура ва илмий маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро хосликлари етарли ишлаб чиқилганлиги.

Муаммонинг илмий ишланганлиги даражаси бир томондан мафкуранинг турли жиҳатлари (тузилмаси, функцияси, даржалари, кўринишлари...) борасидаги тадқиқотларнинг миқдори ва сифати ортиб бораётганлиги бошқа томондан эса жамиятдаги мафкурани белгилашнинг ўзига хос шакли сифатидаги маданиятни таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг етарли даржада ишлаб чиқилмаганлиги билан белгиланади.

Мамлакатимиз ва ҳориждаги файласуфлар, маданиятшунослар, сиёсатшунослар ҳамда социологларнинг таҳлилий ишлари, мамлакатимиздаги ва ҳориждаги файласуфлар, маданиятшунослар, сиёсатшунослар ҳамда социологларнинг монографиялари, шунингдек турли хилдаги социологик тадқиқотлар бизнинг тадқиқотимиз учун манба бўлиб хизмат қилди.

Мафкурани ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни ишлаб чиқиш ва келгусида хал қилиш учун бизнинг фикримизча қуидаги ишлар ва тадқиқотлар ўта мухим бўлиб кўринмоқда.

Биринчидан, мафкурани айrim ижтимоий гуруҳлар манфаатлари ҳамда тафаккури билан боғлиқ қарашлар ва ғояларнинг алоҳида тизими сифатида таҳлил қилишга бағишиланган умумназарий ишлар (J. Альтюссер, А. Грамши, К. Мангейм...). муаллифларнинг мазкур гуруҳи ижтимоий ғояларни муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳамда ҳокимиятга бўлган ўзларининг даъволарни мақсадга муносиб нуқтаи назаридан асослашга интилишлар сифатидаги ижтимоий ғоялар тарзида кўриб чиқадилар. Шундай қилиб буларнинг ёндошувига кўра мафкуралар у ёки бу синфий эҳтиёжларни

амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилувчи ўзига хос ғоявий тузилмалардир.

Иккинчидан, мафкурани ўзига хос маъно яратувчи дискурсдан иборат бўлган ўзига хос маданий ҳодиса сифатида таҳлил қилинган ишлар (Д.М. Балкин, П. Бергер, П. Бурдье, Р. Даггер, С. Жижек, К. Гирц, Т. Лукман, Б. Теренс, М. Фуко). Мазкур тадқиқотларда мафкура ҳукмрон гуруҳларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тобе гуруҳларнинг алдашга мўлжалланган ғояларнинг шунчаки мақсадга муносаб тизими эмас, балки тил ҳамда маданий тимсоллар орқали шахслар онгига таъсир кўрсатувчи ўзига хос аломатли тизим эканлигига урғу берилган. Мафкура шу тарзда ижтимоий мавжудликнинг ажралмас қисми сифатида юзага чиқади, ҳамда шахсга муайян рамзий йўл-йўриқларни тиқиширган ҳолда ижтимоий олам воқелигини қонунийлаштиради.

Учинчидан, мафкурани ўз функцияларини адо этиб бўлган ҳодиса сифатида кўриб чиқсан бир қатор нуфузли Ғарб социологлар ва файласуфларининг ишлари (Э. Гидденс, С.М Липсет, Ф. Фукуяма). Мазкур муаллифлар илмий билим ролини кучайиб бориши билан бугунги саноатлашган жамиятда мафкуравий тузилмаларнинг аҳамияти камайиб бориши борасидаги ёндошувни ҳимоя қиладилар. Бундан ташқари турли мезонлар (ирқий, этник, маданий ва бошқа) бўйича ижтимоий субъектларнинг кундан кунга фарқланиб бориши асосида ғоявий дунёқарашларнинг маъно чегаралари ювилиб кетади. Замонавий жамиятнинг бундай индивидуаллашуви инсоний фаолиятни бошқарувчи сифатидаги мафкура амал қилиниши шубҳа остига қўяди. Мамлакатимиздаги тадқиқотларда Л.Г. Фишман ва А.И. Соловьев ана шундай нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдилар. Уларнинг фикрига кўра оммавий ахборот воситалари гуруҳларнинг ўз-ўзига мансублиги заифлаштиради ҳамда бугунги замонда ижтимоий манфаатларга урғу беради. Шу боис давлат жамият билан мулоқотда гуруҳ манфаатларига эмас, балки фуқароларнинг индивидуал мақсадларига мурожаат қиласи.

Аммо мафкура ҳодисасининг у ёки бу жиҳатларини тадқиқ қилиш бағишлиланган ишлар сонининг анчагина кўплигига қарамасдан мафкуранинг жамият ижтимоий-маданий мансублигини шакллантиришга ҳамда жамоавий бирдамликнинг барқарор рамзий моделларини ишлаб чиқишига таъсири муаммосига бағишлиланган тадқиқотлар ханузгача ўзининг тизимли ва моддий шаклига эга эмаслигини ва шу боис келгусида ҳам маҳсус тадқиқотлар талаб қилинмоқда. Бундан ташқари бугунги жамиятда мавжуд бўлган мафкуравий издан чиқишилар сабаблари, шунингдек унинг маънавий соҳаси кўринишлари охиригача ўрганилмаган ва бу ушбу йўналишда қўшимча илмий йўналишларни тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг янгилигини акс эттирувчи ҳамда ҳимояга олиб

чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Мафкура ҳодисасини ўрганиш унинг зиддиятли хусусиятларни диалектик ўзига боғлиқлигини ҳисобга олишдан иборат бўлиши лозим, бу мазкур ҳодисани қандайдир “яққол кўриниб турган” таркибий қисмини бир томонлама таҳлил қилиш доирасидан чиқишга имкон беради;

2. Мафкура ўз тарихий ривожланиши жараёнида ўзининг маданий кўриниши усулларида жиддий ўзгаришларга учради. Бу мафкура амал қиладиган ижтимоий муҳитнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Бу маконда дунё қиёфасининг ўзгариши, гуруҳдаги ҳамда синфий ўзига мансублик аҳамиятини камайиши, замонавий жамиятда партиялар ролининг тушиб кетиши ва ҳакозоларда индивидуаллашган бўғинларнинг кучайиши мавжуддир;

3. Мафкуранинг маданий кўринишидаги ўзгаришлар, унинг ижтимоий аҳамияти ва фойдалилигини камайтиrmайди, чунки функционал маънода ўта муҳим вазифани адо этадиган мафкуранинг муқобили мавжуд эмас, у “маъно яратади”, ва шунинг ҳисобига жамиятдаги барча ижтимоий тартиб қонунийлашади;

4. Бугунги жамият бошидан кечираётган мафкуравий инқироз бир-бирларига зиддиятли бўлган дунёқараашларга мафкуравий майдоннинг парчаланиб кетганлиги билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида жамият учун аҳамиятли бўлган муаммоларда қадриятли келишув мавжуд эмас;

5. Замонавий жамиятнинг ижтимоий-маданий тарқоқлиги кўп жиҳатдан мафкуравий дискурс мавжуд эмаслигидан келиб чиқади. Бу ерда ўзининг дунёқарааш моҳиятига кўра қарама-қарши бўлган мафкуралар амал қилаётганлиги кўзга ташланади;

6. Жамият билан мулоқот йўлларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг дискурслик амалиётини яратиш борасида давлат ҳамда унинг мафкуравий элитасининг уйғун ҳаракатлари асосида мафкуравий инқирозни ва жамиятдаги ижтимоий-маданий тарқоқликни бартараф этиш мумкин.

Бир қатор муҳим хulosалар чиқариш лозим.

Биринчидан, тадқиқотчилар орасида мафкуранинг асосий моҳиятига нисбатан қандайдир дастлабки ҳамфикрлилик мавжудлилига қарамасдан ўрганилаётган ҳодисанинг асосий хусусиятларига тегишли жиддий келишмовчиликлар ҳам мавжуд. Бу келишмовчиликлар кўпгина олимларнинг мафкурани ягона нуқтаи назар остида кўриб чиқишига мойиллигига боғлиқдир. Шу аснода мафкуранинг бошқача (уларнинг нуқтаи назарича мавжуд бўлмаган) жиҳатлари қасдан ёки онгли тарзда назардан қочирилмоқда. масалан, К. томонидан шкаллантирилган мафкуранинг дастлабки илмий концепцияси уни қандайдир “меъёрдаги” тафаккурдан чекланиш сифатида кўриб чиқади. Тафаккурнинг бундай камситилиши пролетариатнинг жамиятдаги ўз ўрнини ҳолис баҳолай

олмаслигидан ва буржуазия томонидан воқеликнинг “сохта кўринишлари” тиқиширилишидан келиб чиқади.

Мафкуранинг қандайдир бир томонига эътиборни қаратиш узоқ вақт давомида ижтимоий фанга хос бўлган жиҳат бўлиб келди ва эътироф этиш лозимки, бундай ҳолат ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Мафкура борасидаги турли-туман тадқиқотлар ушбу ҳодисани қандайдир бир таркибий қисмга олиб бориб тақайди. Мафкурага материалистик ёндошув тарфдорлари (Л.Альтюссер) кишилар ҳатти-харакатига таъсир кўрсатишда давлат мафкуравий аппаратининг ҳамда моддий омилларнинг ҳал қилувчи ролга эга эканлигини таъкидлаганлар. Шу аснода мафкура соҳасининг ғоявий жиҳатига иккинчи даражали рол берилган истча назария синфий манфаатларни ҳимоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қилувчи ўзига хос ғоявий тузилма деб қаралмаган. Шу аснода К. моҳиятига кўра “сохта бўлмаган” умумфуқаровий мафкуранинг мавжудлиги мазлум синфлар манфаатларидан узилмаган ҳолда мавжуд бўлади деб ҳисоблаган. Унинг матнларида мафкурани “сохта” (буржуазия томонидан яратилган) ҳамда “асл” (коммунистик ёки пролетар) мафкураларга ажратиш аниқ кўриниб туради. Бошқа К.Мангейм мафкурани нафақат синфий тафаккур соҳасида, балки бутун жамият соҳасида чекланган ҳолда мафкуравий амалиётлар кўламини сезиларли даражада кенгайтириб юборди. Унинг фикрига кўра мафкура муайян ижтимоий тузилмага дунёқарашиберган ҳолда умумийликка эга бўлиши мумкин. Шу мантиққа эргашган ҳолда А.Грамши замонавий жамиятларни буржуазия “умумқамровли” мафкура ёрдамида жамият устидан ялпи маданий ҳукмронликни амалга оширадиган тизим сифатида кўриб чиқади.

Бундан мафкура назариясида “синфий”, “синфий бўлмаган”, “ялпи”, “партиявий”, “асл” ва “сохта” ва бошқа мафкураларга ажralиб туради. юқоридаги зиддиятларни қисман бартараф этишга мўлжалланган энг маҳсулдор ёндошув культрологик ёндошувдир( К.Гирц). мафкуравий амалиётларни культрологик талқинига кўра мафкура ижтимоий воқеликни рамзли барпо этиш бўйича ҳаракат сифатида тушуниладиган муайян рамзий фаолият маҳсулидан иборат. Шундай қилиб мафкуралар шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва бутун жамиятни ижтимоий ҳаракат тузилмаси ва суръатини белгилаб берадиган ўзига хос маданий тимсоллар билан таъминлайди. Мафкуравий талъқинларни “асллик ёки сохталик” нуқтаи назаридан баҳолаш беъманидир. Чунки, мафкуравий моделларни яратадиган маданий тимсолларга асллик нуқтаи назаридан ёндошиб бўлмайди.

Шундай қилиб мафкурани ялпи ўрганиш унинг зиддиятли жиҳатлари ундаги сохталик ва асллик, илмийлик ва илмдан ташқарилик ва ҳоказо жиҳатларни диалектик ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олишликни тақозо этади. Бундай ёндошувдаги мафкуравий

амалиёт ижтимоий дискурсни яратувчи муайян дискурсларни амал қилиши сифатида тушунилади, аммо мафкурани ижтимоий гурухлар фаолиятидан ташқаридаги фақат тил дискурси сифатида кўриб чиқиш тўғри эмасга ўхшайди. Чунки дискурсларни яратиш объектив воқеликни ўз манфаатлари нуқтаи назаридан талқин қилувчи муайян гурухлар ва жамоаларнинг ижтимоий амалиёти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Иккинчидан, мафкурани маданий-тариҳий ривожланишини таҳлил қилиш кўрсаткичи мафкура Уйғониш ва Янги замон давридаги лигитимлашнинг анъанавий шакллари (мифология ва дин) ўзгаришларнинг махсулидир. Мафкуранинг вужудга келиши диндан четлашиш жараёни билан боғлиқдир. Ижтимоий ва индивидуал онгнинг диний қарашлардан озод бўлиши жамиятнинг “анъаналардан четлашиши” ва воқеликни талқин қилишнинг янгича мақсадга муносиб кўринишларини вужудга келишини тақозо эта бошлади. Атроф-борлик тўғрисидаги билимнинг ўзига хос мақсадга муносиб шакли сифатида (фан билан бир қаторда) вужудга келган мафкура узоқ тариҳий ривожланиш давомида ўзининг асосий сифатларини ўзгартирмай қолди. Сиёсий соҳанинг оммалашуви мафкура деб аталмиш ҳодисани кишиларнинг катта гуруҳини онгини бошқариш учун мос бўлган кескин илмий концепцияларга яқинлаштириди. Унинг турли-туман моделлари тил ва фан методологияси билан таниш бўлган мутахассисларнинг кичкина гуруҳи тушуниши мумкин. Бинобарин мақсадга муносиб холосаларга асосланган мафкуравий концепциялар билимда жиддий фарқларга эга бўлган аҳолининг кенг қатлами учун таъсир кўрсатиш воситаси бўла олмайди.

Шу боис XX асрда фанга таянувчи мумтоз мафкуралар ўрнига синфилашувдан кейинги мафкуралар пайдо бўлди. Мафкуралар ўзига тарафдорлар топиш учун маданият махсулотларининг кенг қирраларидан фойдаланишига тўғри келади. Мафкуравий билим тузилмасида инсон хотирасини қандайдир қадимий намуналарга йўналтирувчи афсоналар катта рол ўйнайди. Мафкуранинг маданий асослари ўзагариб туриши ўз мантиғига эга. Мафкуранинг асосий вазифаси қандайдир ҳаракатни (ёки ҳаракатсизликни) фаоллаштиришdir. Кишилар ҳатти-харакатига таъсир кўрсатишда эса илмий асослардан кўра ёрқин қиёфалар анча кўпроқ самара беради.

Шундай қилиб рамзий тасвирларнинг тариҳий ривожланиш мантиқи дастлаб ижтимоий онгга мифология ва диннинг таъсири камайишига ҳамда билимнинг мақсадга муносиб бўғинлари ахамияти ортишига олиб келди. Кейинчалик мафкуралар фанни кишилар онгини шакллантириш соҳасидан бутунлай сиқиб чиқарди. Устига устак Янги замон учун хусусиятли бўлган ижтимоий онгни ҳозирги вақтда мафкуравий афсоналаштириш билан ўрин алмашди, бошқача қилиб айтганда замонавий афсоналар аввал бошданоқ мафкурага

киритилиб мақсадга муносибликка даъвогарлик қилмоқда.

Учинчидан, замонавий жамиятдаги мафкуралар функциясини ўрганиш мафкура шахсий ва жамоавий фаолиятни бирлаштирган ҳолда маъно яратишнинг мухим функциясини бажаради. Мафкуранинг аҳамияти тушиб бораётганлиги тўғрисидаги кенг тарқалган қарашларни хато деб эътироф этиш зарур. Мафкуранинг фойдасини шубҳа остига тортган қарашлар 1960 йилларда Ғарбда пайдо бўлган эди. “Мафкуралаштиришдан ҳоли бўлиш” деб аталган концепция тарафдорлари (Э Гидденс, С.Хантингтон, С.М.Липсет) мафкуравий қарашлардан жамиятнинг ҳоли бўлиш жараёнини илмий билимларнинг ўсиши ҳамда синфий зиддиятлар кескинлигини камайиши билан боғлайдилар. Бошқа томондан мамлакатимиздаги бир қатор тадқиқотчилар (А.И.Соловьев) эса аксинча мафкуранинг замонавий жамиятга таъсири сусайиб бораётганлигини маданият томонидан олиб кирилаётган хиссий ирроционал тасвиirlар аҳамиятини ўсиши билан боғлайди. Шундай қилиб мафкуравий мансублик маданий мансублик билан ўрин алмашиши лозим.

“Мафкурадан ҳоли бўлиш” назарияси ишончли эмас, чунки биринчидан, фан ижтимоий онгни шакллантириш ҳамда ижтимоий гуруҳлар ҳатти-харакатини бошқариш функциясини ўз зиммасига ололмайди; иккинчидан, асосий мафкуравий оқимларнинг бирлашуви ҳамда “либерализм” глобал мафкураси сифатида қарор топиши бу хали асл мафкуранинг издан чиқиши эканлигини исботлай олмайди, шунингдек, замонавий жамиятда маданият ролининг ортиши оқибатида “мафкуранинг тарихий жиҳатдан ўлганлиги” борасидаги фаразлар ҳам шубҳа уйғотади. Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий билим тузилмасидаги ирроционал бўғинларнинг роли ошиб бормоқда. Аммо маданият мафкуранинг ўрнини умуман боса олмайди, чунки у ижтимоий субъект билан алоқа сингари мухим хусусиятга эга эмас. Фақат мафкурагина ижтимоий мансубликни шакллантирган ҳолда шахснинг кундалик фаолиятига маъно бағишлийди.

Бинобарин, мафкуранинг роли тушиб бораётганлиги тўғрисида эмас, балки унинг маданий тақдим этиш усувлари ўзгариб бораётганлиги ҳақида гапириш лозим. Масалан, жамиятга мафкурани етказиш каналлари тизимидағи сиёсий партиялар ўрнини ОАВ эгалламоқда. Бундан ташқари ижтимоий ҳаётнинг рамзий кўринишлари эндиликда мақсадга муносиблик тасвиirlар билан таъминланмоқда, аммо мафкура функциясининг бундай ўзгариши ҳамда сиёсатнинг оммавий ахборот воситалари орқали етказилаётганлиги мафкуранинг ижтимоий фойдали эканлигини йўқ қила олмайди. Чунки фақат мафкурагина бошқа бирон-бир ижтимоий ҳодиса эга бўлмаган хусусиятларга эга ва улар бажара олмайдиган функцияларни адо этади. Бинобарин, функционал маънода

мафкуранинг муқобили бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчидан, жамиятдаги мафкуравий вазият таҳлили кўрсатишича аксарият олимлар ҳозирги вақтда мафкуравий инқизор мавжудлигида ҳамфирдирлар. Бир қатор тадқиқотчилар бу инқизорзинг сабабини оммавий онгга киритилаётган мафкуравий мақсадларнинг ўзида деб биладилар. Сўнгги вақтда зўрлаб тиқиширилаётган Ғарбча қадриятлар аҳолининг катта қисми учун бегонадир. Бунинг оқибатида Ғарбча мафкуравий моделларнинг эътироф этилмаслиги коммунистлардан кейинги янгича дунёқараш шаклланишига имкон бермайди. Бу мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни аҳоли назарида қадрсизланишига олиб келади. Бошқа томондан аксарият олимлар мафкуравий издан чиқишлар сабабини мафкурани жамиятга етказувчи воситалар самарасизлиги эканлигида кўрмоқдалар. Масалан, ОАВ – ахборотнинг асосий манбаи бўлган ҳолда бир лаҳзалик мақсадлар учун ижтимоий фикрни чалғитмоқда. Бинобарин, ОАВ томонидан воқеликнинг нотўғри кўрсатилиши аҳоли онгини издан чиқармоқда ҳамда воқеликни асл ҳолиша идрок этишига тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари яна бир гуруҳ тадқиқотчилар (масалан Т.И.Заславский) мафкуравий инқизорни мафкура обьектининг ўзи – аҳоли онги билан боғлайдилар. Аҳолининг катта қисмидаги онг хали Ғарбча қадриятларни идрок этишга етарли даражада “пишиб этилмаганлиги” таъкидланмоқда. Ва ниҳоят, замонавий жамият бутунлай мафкурадан ҳоли эканлиги тўғрисидаги қарашлар мавжуд. Бу қарашларга кўра давлат мамлакат учун умумий бўлган мақсадларни шаклантириш жараёнидан четлашиб қолган. Бу оммавий онгдан ҳар қандай ғоявий концепцияларни сиқиб чиқаришга олиб келади. Ишнинг бундай ахволи “мафкуравий бўшлиқ” деб баҳоланмоқда.

Мафкуравий соҳадаги инқизорзли ҳодисаларнинг бунга ўхшаш талқинлари унча ишончли эмас ва халигача пайдо бўлишдан тўхтагани йўқ. Жамият мафкуравий соҳасидаги ишларнинг бундай ахволини муаллиф ушбу соҳадаги асосий мафкуравий концепциялар уйғунлаштирилмаганлиги билан боғламоқдалар. Мамлакатдаги мафкуравий соҳа бир неча бир-бирини мустасно этувчи ва қарама-қарши йўналишлар бўйича (Ғарбча мафкура, антикоммунизм, христианлик, советизм ҳамда инқилобгача бўлган консерватизмни қайта тиклаш) шаклланмоқда. Маъно яратувчи майдоннинг бундай ола-куроқлиги ва унда зидиятларнинг мавжудлиги замонавий жамиятнинг маданий ва мафкуравий бирлашувига тўсқинлик қилмоқда.

Олтинчидан, бугунги жамиятдаги мафкуравий амалиётларнинг ижтимоий-маданий уфқларни баҳолаган ҳолда ягона мафкуравий парадигмани шаклантириш омилларини икки гуруҳига боғлиқ эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Биринчидан, бундай бирлаштирувчи мафкуранинг мазмуни аҳолининг катта қисми учун

аҳамиятли бўлган асосий қадриятларга зид келмаслиги лозим. Иккинчидан, умумфуқаровий мафкуранинг вужудга келиши давлат ва жамият ўртасидаги коммуникациянинг ўзига хос каналлари шаклланиши ва амал қилиши тажрибасига боғлиқдир. Ҳозирги вақтда бундай коммуникациялар бутунлай издан чиқсан, натижада жамиятдаги элита жамиятдан келаётган “ишоралар” учун ёпиқдир. Шунинг учун мухим умумдавлат вазифаларининг аксарияти жамият манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланмоқда.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда давлат жамиятнинг энг қудратли ва таъсирчан институти сифатида ягона мафкуравий маконни шакллантириш йўлида кўзга кўринадиган қадамлар ташлаши борасида хulosа қилиш мумкин. Жамиятининг мафкуравий соҳасида бир неча рақобатлашувчи ва хатто “душманона” умумфуқаровийлик мақомига даъвогарлик қилувчи мафкураларнинг мавжудлиги ҳамда вақти-вақти билан давлат томонидан бошқариш ва бир лаҳзалик мақсадлар учун давлат томонидан таъминлаб турилиши ақлга зиддир. Моҳиятига кўра бундай вазият маданий зиддиятларни жамлаган ва кескинлаштирган ҳолда жамиятни ичидан ижтимоий-маданий парчаланишига олиб келмоқда.

Бинобарин, жамиятнинг тарихий ўтмиши ҳамда келгусидаги ривожланиш йўллари масалалари бўйича қандайдир рамзий келишувини барпо этиш асосидагина ижтимоий-маданий парчаланишни тўхташиш мумкин. Умумфуқаровий мафкуравий дискурсни яратиш нафақат қандайдир “бирлаштирувчи” мафкурани сунъий йўл билан яратишга интилаётган эксперtlар ҳамжамиятига эмас, балки ижтимоий гурӯҳларнинг ўзиг хос мулоқот амалиётига ҳам боғлиқдир.

### **Маданият тизимидағи мафкура**

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги энг аввало жамият ҳаётида маданият ўйнайдиган рол билан белгиланади. Бугунги кунда Н. А. Бердяевнинг «Философия неравенства» (нотенглик фалсафаси) китобида шакллантирилган фараз ҳақлигини батафсил исботлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Бу китобда у насл сифатидаги инсоният мавжудлигининг олий мазмуни шахсларнинг ўсиб бораётган барча моддий эҳтиёжларини буткул қондиришга қодир бўлган самарали фаолият қўрсатувчи иқдисодиётни яратиш эмас, сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш эмас балки маданиятни яратища эканлиги тўғрисида ёзган эди. Мазкур мулоҳаза мамлакатимиздаги ва ҳориждаги деярли хеч бир етук тадқиқотчи томонидан рад этилмайди. Худди Бердяев сингари улар ҳам маданият у ёки бу халқ томонидан кўп асрлар давомида яратилган энг яхши жиҳатларни ўзида жамлашидан, айнан маданият туфайли инсон ўзини тарихнинг асл субъекти деб таниши юз беришидан келиб чиқадилар. Жамият ҳаётида маданиятнинг роли тўғрисидаги ушбу нуқтаи назарга

қўшилганлар орасида неокантчиликнинг машҳур вакиллари Виндельбанд, Риккерт, Кас-сирерни, экзистенциализмнинг француз шажараси асосчилар Ж. П. Сартр ва А. Камюни, интллектуал роман жанрини яратган ёзувчилар Т. Манн, Р. Роллан, Г. Гессе, М. Прустни, файласуфлардан Х. Ортегу и Гассет ва М. Унамунони, Уйғониш даври мутафаккирлари томонидан яратилган гуманистик анъаналар давомчиси А. Швейцерни, рус файласуф - идеалистлари Г. П. Федотов, И. А. Ильин, С. Франк ва кўплаб бошқаларни тилга олиш мумкин.

Эндилиқда маданий қадриятларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш фаолиятнинг ўзига хос турига мансуб эканлигини, бусиз жамият тараққиёт йўлидан боролмаслигини, ҳам айрим инсон, ҳам бутун инсоният учун сохта эмас балки асл ҳаёт учун шароитлар яратиб бўлмаслигини кундан кунга кўплаб кишилар англамоқдалар. Бу фикр дунёning маданий турли туманлигини сақлаб қолиш, маданиятлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, маданий қадриятларга олий даражадаги қадриятлар сифатидаги муносабатни шакллантириш мақсадини қўйган ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг асосий ҳужжатларида ёрқин акс эттирилгандир.

Бир қатор мутафаккирларнинг тасаввурларига кўра асл ижодкор энг аввало эстетик нуқтаи назардан мукаммал бўлган асарларни яратишга интилиши лозим. Уларнинг фикрига кўра маданий қадриятларни яратиш билан шуғулланувчи кишилар ўз истеъдодини у ёки бу сиёсий кучга хизмат қилиш учун бермаслиги лозим. Улар санъат воситалари орқали у ёки бу ғоялар мажмуасини тарғиб қилмасликлари зарур, чунки сиёsat ва мафкура ижод жараёнига салбий таъсир кўрсатади, бадиий асарни ўзига хос ташвиқот воситасига айлантиради.

Гарчи мафкура ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими айрим назариётчилар ҳис этгандан кўра бир мунча мураккаброқ бугунги кундаги илмий ва гуманитар соҳадаги зиёлиларнинг бир қисми ҳам юқоридагига ўхшашиб ёндошувларин қўллаб қувватламоқда. Мафкуранинг маданиятга ижобий таъсирини таъкидлаган ҳолда большевиклар партиясининг кўзга кўринган арбобларидан бири, маорифнинг дастлабки халқ комиссари А. В. Луначарский “Агар инқилоб санъатга қалб бағишиласа санъат инқилобга овоз бахш этади” деб ёзган эди. Мафкура ва санъат ўртасидаги алоқаларнинг бир маъноли эмаслигини очиб бериш, мафкуранинг ижод жараёнига мутлақо вайронкор таъсир қилиши борасидаги фаразлар пуч эканлигини асослаб бериш жамият ривожининг бугунги босқичида ижтимоий фалсафа ва маданиятшунослик олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Масаланинг долзарблиги борасида сўз юритганда адабиётнинг нафақат мумтоз вакиллари балки ўртамиёна ижодкорлар томонидан яратилган аксарият асарларнинг мутлақ кўпчилиги оммавий онгга гояларнинг муайян мажмуасини киритишга мўлжалланган воситалар

эканлигини эслатиб ўтиш жоиз. Хусусан, Давида Микеланджело Буонарроти яратган машҳур ҳайкал Уйғониш даври мутаффакирлари орзу-умидларининг тимсоли, буюк Инсонга мадҳия сифатида идрок қилинган ва идрок қилинмоқда. Вердининг "Трубадур", Шопенning "Революционный этюд", Д. Дидронинг «Монахиня», романи, А. П. Чеховнинг «Три сестры» ва «Дни Турбиных» пьесалари бўйича яратилган МХАТ спектаклари, М. А. Булгаковнинг "Белая гвардия" романи ва бошқа бир мунча машҳур бўлмаган мусиқавий, адабий ва драматургия шоҳ асарлари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин.

Бугунги кунда ҳам бадиий адабиёт вакиллари томонидан яратилаётган аксарият маданият маҳсулотлари шунга ўхшаш функцияни адо этмоқда. Ёзувчи, рассом, театр режиссери қандай ғоялар мажмuinи тарғиб қилаётгани, улар қайси ғояга тарафдор эканлигини очиб бериш катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотмоқда, чунки А. Радищев ва В. Белинский замонларидан бугунга қадар ижодий соҳа вакиллари жамиятда аҳолининг танқидий фикрловчи қисми, ижтимоий фикр ифодачилари тарзида ҳисоблаб келинмоқда.

Маданият ва мафкура алоқаси муаммоси мамлакатимизда фалсафий ва маданиятшунослик адабиётларида деярли кўтариб чиқилмаган. Адолат юзасидан шуни айтиб ўтиш жоизки, бу мавзу бугунги дунёда ижодкорнинг вазифаси нимадан иборат, инқилобий ўзгаришлар даврида у қандай нуқтаи назарда бўлиши лозимлиги борасида фикр юритган Н. Бердяев, А. Блок, А. М. Горький, Д. Мережковский, Г. Федотов, Л. Троцкий, А. Луначарский асарларида ошкора бўлмаган шаклда кўтарилган эди. Аммо на тилга олинган муаллифларнинг асарларида, на сўнгги ўн йиллардаги мамлакатимиз ва хорижлик тадқиқотчилариниг ишларида маданият ва мафкура ўзаро алоқаси муаммоси маданий-фалсафий билимнинг алоҳида муаммоси сифатида кўтариб чиқилмаган.

Шунингдек, бугунги жамиятда мафкурунинг роли бир маънода баҳоланмаётганлигини, вақти вақти билан "мафкурадан ҳоли бўлиш" тўғрисида саноатлашган жамиятдан кейин ижтимоий тараққиётнинг янги босқичига ўтиш даврини хусусиятловчи жараён сифатидаги тасаввурлар тарақалаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Аммо сўнгги ўн йиллардаги ижтимоий амалиёт бундай фикрлар ҳақиқат эканлигини рад этмоқда. Аксинча мафкура бугунги ҳаётга, кундалик турмушга, ижтимоий қадриятларга ва кишиларнинг ҳаёт йўлига кундан кунга каттароқ таъсир ўтказмоқда. Мафкура ва маданиятнинг бутун тизими ўзаро ҳаракати кундан кунга ёрқин кўриниб бормоқда.

1. Мафкура ижтимоий идеаллар, ижтимоий тизим ривожланиш йўллари, гуруҳли (синфий) манфаатлар, табиат, жамият ва инсон (синф) тўғрисидаги ўзаро боғлиқ ғоялар ва тасаввурлардан иборат бўлиб, меҳнат тақсимоти тизимида муайян ўринни эгаллаган ва бойликларнинг муайян улушига эга бўлган субъектнинг назарий ва

оддий онги даражасида мавжуддир. Мафкурани ўз-ўзини англаш даврида фалсафадаги Ф. Гегел томонидан берилган таърифдаги сингари синфнинг ҳиссий шаклланувчи ёки назарий жиҳатдан шаклланган ўз-ўзини англаши сифатида тасвирлаш мумкин.

2. Мафкура маданият тизимининг муайян унсурларига, шу жумладан фанга, фалсафа, динга, санъатга ахлоқ ва ҳуқуққа муайян таъсир таъсир ўтказувчи ва айни вақтда уларнинг таъсирини ҳис қилувчи ажралмас унсуридир.

3. Илмий ва илмий оммабоп адабиётларда кенг тарқалган мафкура ва маданиятнинг ўзаро алоқаси салбий алоқа эканлиги борасидаги тасаввурлар унчалик тўғри эмас. Мафкура ва маданият алоқаси ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга бўлиши мумкин, устига устак мафкура санъатга ижобий ва салбий таъсир кўрсата олганидек, маданият ҳам мафкурага шундай таъсир кўрсата олади.

4. Мафкуранинг анъанавий турлари (либерализм, консерватизм, социализм) “фаустча” ягона адабиёт бағрида вужудга келди. О. Шпенглер фикрига кўра бошқа маданиятлар сохта мафкуравий тузилмаларни яратди, уларнинг ифодаланиш шакли кўпинча диний ғоялар ва тасаввурлар мажмуи сифатида юзага чиққан.

5. Мумтоз мафкураларнинг вужудга келиши “фаустча” маданият архетипи билан боғлиқ бўлиб у ўзининг асосий қадриятлари ва ўз тарихий ривожланиши алгоритмига кўра бошқа тамаддун тизимларининг маданиятларидан фарқ қиласи.

6. Либерализм, консерватизм, социализм кенг тарқалган ва ҳукмрон мафкуравий таълимотларга айланган ҳолда бошқа маданий оламларда ўзига хос жиҳатлар касб этади. Миллий маданиятлар таъсири бугунги кунда дунёда кузатилаётган анъанавий мафкураларнинг барча турдаги кўп қиёфалилигини белгилаб беради. Инглизча, америкача, французча, японча ва ҳ.к либерализм тўғрисида сўз юритишга асос бор, ҳудди шунингдек социалистик мафкуранинг турли кўринишлари – СССРда мавжуд бўлган совет социалистик мафкураси, хитойча социалистик мафкура, Куба, Вьетнам ва ҳ.к.ларга хос мафкуралар тўғрисида сўз юритиш мумкин. Асосий мафкуравий доктриналарнинг миллий кўринишлари турли хилдаги жамиятларнинг назарий асоси бўлиб юзага чиқади ва ижтимоий мақсадлари сифатидаги бу жамиятларнинг яратувчилари сифатида кўрилади. Тарихий тажрибанинг гувоҳлик беришича бошқа тамаддунлар (ҳиндча, японча ва ҳ.к.) маданиятлар сохта мафкуравий ҳосилаларни яратади булар сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик назариялар ва диний қарашларнинг умумий иттифоқи бўлиб, булар бир-бирлари (ислом фундаментализми, Сэн-Горнинг негритюд мафкураси, протестантлик, ирланд фундаментализми, Кадафийнинг исломий социализми ва ҳ.к.) билан кўпинча анча зиддиятли ҳолда бирлашади.

7. Асосий мафкуралар муболаға қилиб айтганда ягона “маънавий илдиздан” – антик тамаддун маданиятидан “ўсиб чиқишидан” келиб чиқсан ҳолда булар орасида ёрқин ифодаланган ички алоқа мавжудлигини кўриш мумкин, булар энг аввало мазкур мафкуравий тизимлар таянадиган асосий қадриятлар кўп жиҳатдан бир-бирларига мос тушишини англатади. Хусусан, эркинлик, шахс тарихнинг бош обьекти ва ҳ.к.лар сифатида ҳам социалистик, ҳам либерал мафкуранинг асосий қадриятлари ҳисобланади. Европача турдаги консерватизм ҳам айнан шу хусусиятларни беради.

8. Саноатлашувдан кейинги ва устига устак ахборотлашган жамият шароитларида ўз мазмунига кўра анъанавий мафкуравий тизимларни рад этувчи (глобализм ва бошқалар) бошқача мафкуравий тизимлар вужудга келишига шароит яратади. Янгича ижтимоий воқеъликнинг вужудга келиши, янги турдаги маданиятнинг – ахборотлашга жамият маданиятининг пайдо бўлиши Ғарбча турига ёки атлантик тамаддунга мансуб барча мамлакатлар маданиятида инқирозли ҳодисаларни вужудга келтиради. Ҳозирги мафкуралар бошидан кечираётган инқирозлар маданиятлардаги ушбу инқирозлар оқибатидир. Неолиберализмнинг, еврокоммунизм, неоконсерватизм ва унинг кўп сонли турларидаги социалистик таълимотнинг турли кўринишлари вужудга келиши ушбу ҳолат билан боғлиқдир.

9. Маданий алоқаларнинг кучайиши, турли маданий оламларнинг ўзаро ҳаракати, маданий қадриятлар билан алмашиш жараёнинг чуқурлашувига қараб ҳозирги вақтда бир-бирига зид бўлган мафкуравий таълимотларнинг яқинлашуви юз беради.

10. Мафкуравий таълимот баён қилинаётган қадриятлар олами у ёки бу халқ томонидан яратилган маданиятнинг асосий қадриятларига мос тушгандагина сафарбар қилувчи кучга айланади. Рус маданиятининг асосий қадриятлари социалистик мафкуранинг асосий қадриятлари билан боғлиқлиги айнан шундай ҳолатлар билан изоҳланади.

11. Ривожланган миллий маданиятга эга бўлган ҳар қандай миллий давлат қуйидагилар:

- мазкур миллат тақдири ва вазифаси тўғрисидаги тасаввур;
- тарихий тараққиёт йўли;
- турли ижтимоий грухларга тегишли бўлган ижтимоий бойлик улуши;
- ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эстетик ва маънавий мақсадлар;
- элитар, халқча мансуб ва оммавий маданиятлар нисбати;
- миллатда мавжуд бўлган тарихий тажрибани баҳолаш;
- энг яқин ва ўрта муддатли истиқболда жамият ва давлат ҳал қилиши лозим бўлган тактик мақсадлар ва вазифалар;
- тарихий жараённинг етакчи субъекти тўғрисидаги ғоялар асосий унсур бўлиб юзага чиқадиган ўз давлат мафкурасини яратади.

Биз олиб борган тадқиқот қуидаги хulosаларга келишга имкон беради.

1. Мафкура ва маданият ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ижтимоий амалиёт әхтиёжларидан келиб чиқадиган долзарб муаммодир, чунки кишилар ҳаёт фаолиятига улкан таъсир кўрсатувчи бугунги оламдаги мафкура ва мафкуравий ўзаро ҳаракатларнинг моҳиятини чуқурроқ тушунишга имкон беради. Муаммонинг долзарблиги унинг илмий адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлигидан ҳам келиб чиқади. Маданият ва мафкура одатда ўз ҳолича ёки турли фанлар (фалсафа, сиёsatшунослик, тарих ва ш.к.) нуқтаи назаридан кўриб чиқилади, бироқ бу икки ижтимоий ҳодисани бир биран боғлиқликда кўриб чиқилган ишлар деярли учрамайди.

2. Мафкура ва маданият алоқасини тадқиқ қилиш маданиятни тизимли ёндошув асосида таҳлил қилиш ҳамда унинг тузилмаси ва уга кирувчи унсурларни аниқлашни кўзда тутади. Маданият унсурларини қисмларга ажратишга XVIII асрда (Гердер, Кант) уриниб кўрилган. Ғарбдаги аксарият тадқиқотчилар ҳозирги вақтда маданиятни тизим сифатида кўриб ўтиришмайди, улар нари борса маданият унсурларининг мажмуи ҳақида сўз юритишлари мумкин. Маданиятга нисбатан тизимли ёндошув илк бор "изм"чилик номояндалари томонидан қўлланилди. Шўролар фалсафаси ва маданиятшунослик адабиётларида маданият таҳлилига тизимли ёндошув ўта ривожлантирилди. Маданиятни тушуниш ва уни тузилмаларга ажратишга ёндошувларнинг турли туманлиги нафақат унинг мураккаблиги, балки маданият моҳиятини бир ҳилда тушунмаслик; маданиятга ва унинг тузилмаларига янги янги қирраларини очган ҳолда яқинлашишга имкон берувчи илмий билимнинг ривожланганлиги; муайян илмий вазифаларни ҳал қилиш учун маданиятнинг энг аҳамиятли жиҳатлари, томонлари ажратиб олинганлиги билан белгиланади. Маданиятнинг ҳаракатланиши, унда янги унсурларинг пайдо бўлиши тизимдаги тузилмаларни, алоқаларни бойитади. Сўнгги ўн йилликларда фалсафий адабиётда жамланган ижобий маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда энг аввало фан, техника, фалсафа, дин, мафкура, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ замонавий маданият унсурлари эканини тасдиқлаш мумкин. Маданият эса маънавий ва маданий қадриятларни яратиш ва уларнинг натижалари бўйича тарихан ўзгариб борадиган тизимли инсоний фаолиятдир. Маданият тизим сифатидаги жамиятнинг унсури эмас. У жамиятни сифат томонини кўрсатади.

3. Маданият алоҳида ҳодиса сифатида қатор функцияларни адо этади. Шўролар ва шўролардан кейинги даврдаги аксарият тадқиқотчилар функциялар мажмуини ўз ичига қуидаги функцияларни: а) ижтимоий тажрибани етказиш; б) тарбия; в) инсон яратиш; г) мазмун яратиш; гносеологик; е) қадриятли-мақсадли; ж)

семиотик ва бошқаларни олган тизим сифатида кўриб чиқадилар. Мамлакатимизда ва ҳорижий адабиётларда мавжуд бўлган қараашларни танқидий таҳлилдан ўтказиш қўйидаги функцияларни ажратиб кўрсатишга имкон беради: “руҳга ишлов бериш” (Цицерон), буни инсон яратувчи функция ҳам деб аташ мумкин. У асосий функциядир, чунки бошқа функцияларнинг барчаси шу билан боғлиқ, шундан келиб чиқади; б) ижтимоий тажрибани етказиш (узатиш функцияси), буни тарихий ворислиликни таъминловчи функция сифатида талқин қилиш мумкин; в) вазифаси инсон томонидан табиат, жамият ва ўзининг ривожланиш қонунларини ўрганишдан иборат бўлган гносеолгик функция; бошқарув функцияси, чунки маданият оламига ошно бўлган, унга кирган ижтимоий субъект унинг қонунлари бўйича яшайди ва ҳаракат қиласи; д) жипслаштирувчи функция, чунки ижтимоий субъектларнинг айнан бир маданиятга мансублиги ягона яхлитликка бирлашиш учун табиий асос сифатида номоён бўлади.

Шунингдек мафкуравий, меъёрий, коммуникацион, афсона яратувчи, мослаштирувчи ва бошқа функциялар ҳам мавжуд.

Гарчи “мафкура” атамаси ғоялар тўғрисидаги таълимот сифатида XVIII асрнинг охири - XX асрнинг бошларида, (Д. де Траси, П. Кабанис, К. Вольней бошқалар.) ижтимоий борлиқни озми кўпми муносаб акс эттириш, англар сифатидаги ғоялар ўта қадимда, хусусан антик Грецияда пайдо бўлган. Вақт ўтган сари “мафкура” атамаси янгича маъно касб этди, жамият, унинг турли таркибий қисмлари, унинг ўтмиши, бугунги куни, келажаги тўғрисидаги ғоялар мажмуи, уларни турли ижтимоий ўюшмалар нуқтаи назаридан баҳоланиши шу атама билан кўрсатила бошлади. Мафкура муаммосини англашга измчилик номояндалари сезиларли ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимиздаги ва ҳорижда мавжуд бўлган адабиётларда келтирилган мафкура талқинларининг танқидий таҳлили ушбу тушунчанинг қўйидаги асосий маъноларини ажратиб олишга имкон берди. Мафкура қўйидагича талқин қилинади:

- 1) ғоялар ҳақидаги таълимот;
- 2) кишиларнинг борлиққа, барча мавжуд нарсаларга муносабати назарий шаклда англашадиган ва баҳоланадиган қараашлар, ғоялар тизими;
- 3) кишиларнинг реал ҳаётга, ижтимоий турмушга, маданиятга муносабати англашадиган ва баҳоланадиган, турли ижтимоий ўюшмаларнинг (синфлар, миллатлар ва шунга ўхшашлар) манфаатлари ифодаланадиган ва ҳимоя қилинадиган, ижтимоий-маданий мақсадлар ва йўллар, уларга етишиш усувлари назарий тарзда ифода ифода этиладиган қараашлар, ғоялар тизими;
- 4) воқеъликдан узилган ёлғон, пуч ҳамда назарий шаклда ифодаланган онг.

Энг умумий тарзда мафкурани меҳнат тақсимоти тизимида

муайян ўринни эгаллаган ва бойликларнинг муайян қисмига эга бўлган тарихий харакатдаги субъектнинг назарий ва оддий онги даражасида мавжуд бўлган ижтимоий мақсад, табиат, жамиат ва инсон (синф) тўғрисидаги ғоялар ва тасаввурларнинг ўзаро боғлиқ тизими сифатида белгилаш мумкин. У маданиятнинг бошқа унсурларида, шу жумладан фалсафа, дин, фан, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ муайян таъсир ўтказувчи ва ўзида уларнинг қайта таъсирини ҳис этувчи маданият тизимининг ажралмас унсуридир.

4. Маданият унсурлари сифатидаги мафкура ва дин муносабатлари муаммосини таҳлил қилиш булар адабиётларда етарли равишда ишлаб чиқилмаганлиги борасидаги хulosага келишга имкон беради. Динни мафкура ёки дунёқарашибатида белгилашда уни тушунишдаги зиддиятларни бартараф этиш лозим эди. Мафкура – бу ривожланган динларнинг (буддизм, христианлик, ислом) унсурларидан бири, ижтимоий доктринанинг бир қисмидир. Мафкура ва диннинг алоқаси дунёвий мафкура айрим диний ғояларни ўзлаштиришида, дин эса дунёвий ғояларни ўзлаштирганлигига номоён бўлади. Аммо мафкуранинг энг чуқур манбаи кишиларнинг динлар ва дунёвий мафкураларда бир хил талқин қилинмайдиган реал ҳаётидир.

5. Маданиятнинг мафкура ва фалсафа сингари унсурлари муносабатини аниқлаш мафкуравий ғоялар шаклланишига хусусан, XVII-XVIII асрлардаги европалик файласуфлар сезиларли таъсир ўтказганлигини таъкидлашга имкон беради. Феодализм инқизози ва буржуазия тузими қарор топиши даврида маданиятнинг аҳволи ва унинг ривожланиш тенденцияларини баҳолашдан келиб чиқсан ҳолда улар маданиятнинг ижтимоий ҳаётни ташкил этиш, бошқарув ва ҳокимият, давлат ва унинг қонунлари, мулкчилик, шунингдек, эркинлик, тенглик, маънавият, адолат сингари қадриятларига асосий эътиборни қаратганлар. Ўша давр файласуфлари феодалларга қарши инқилобий ўзгаришларни ғоявий тайёрлашда ва янги турдаги жамият қарор топишида катта рол ўйнадилар.

6. Мафкура ва фан муносабатларини таҳлил қилиш фан мафкурага таъсир ўтказишини кўрсатмоқда, негаки мафкуравий концепция муаллифлари айрим илмий ғояларни ўзлаштирадилар, кишиларнинг дунёқарашибатида илмий кашфиётлар таъсирини ҳисобга оладилар. Бошқа томондан мафкура, фанга, энг аввало ижтимоий фанга таъсир кўрсатади. Кўпинча адабиётларда учрайдиган ҳар қандай мафкура ҳаёлий, сохта онг эканлиги борасидаги бир хил баҳолашлар унча тўғри эмасдек кўринади, негаки бундай мафкура озми кўпми давом этган давр мобайнида кишилар онги ва хатти-ҳаракатига жиддий таъсир ўтказа олмаган бўлур эди. Ҳар бир мафкурада, гарчи у турлича талқин қилинсада ҳақиқат уруғлари мавжуддир. Мафкурани, унинг фан билан алоқасини баҳолашда аниқ-тарихий ёндошув зарурдир.

7. Санъат ва мафкуранинг ўзаро алоқаси санъат фақат ўз қонунлари бўйича ривожланмаслиги, балки у мафкуранинг сезиларли ва хатто белгиловчи таъсирини ҳис қилиб туришида номоён бўлади. Ўз навбатида санъат ғояларни кишилар онгига сингдиришга имкон яратади. Мафкуранинг санъат ва маданиятга таъсирини фақат салбий таъсир сифатида баҳолаб бўлмайди, бу таъсир ижобий ҳам бўлиши мумкин, худди шунингдек, маданиятнинг мафкурага таъсири ҳам бир маъноли эмас. Уларнинг ўзаро ҳаракати муайян тарихий шароитларга боғлиқ.

8. Фанда мумтоз деб ном олган, энг кучли таъсирга эга уч мафкура – либерал, консерватив ва социалистик мафкура Европада вужудга келгани боис, буларнинг ўртасидаги эҳтимолий алоқаларни аниқлаш учун европача маданиятнинг ўзига хосликларини, унинг манбалари ва асосий қадриятларини аниқлаб олиш зарурати вужудга келди. Европача маданият грек-рим маданияти асосида вужудга келган, унинг қадриятларини, энг аввало антик демократик полислик жамияти қадриятларини ўзлаштириб олди, бу қадриятлар кейинги даврда хусусан Ўйғониш даврида ривожлантирилди ва бойитилди. Тадқиқот жараёнида бу қадриятлар юқорида тилга олинган мафкураларнинг асосини ташкил этгани маълум бўлди.

9. Мафкура сифатида мумтоз либерализмнинг шаклланиши гарчи бунга шароитлар Қадимги Грециядаёқ пайдо бўлган бўлсада Европада XVII-XVIII асрларда юз берган буржуазия инқилоблари ва янги турдаги маданиятнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. Маданият ривожланишида энг аввало давлат зулмидан озод шахс сифатидаги қадрият олдинги ўринга чиқди. Мазкур қадрият ҳам либерал мафкуранинг асосий унсурига, ҳам ижтимоий ҳаётнинг бошқа жиҳатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш мезонига айланди.

Дастлабки босқичда либерализм феодалликка қарши йўналишга эга эди. Буржуазия жамияти қарор топиб боргани сари либерализм унинг ҳимоячисига айлана бошлади. Бу энди неолиберализм эди. Буржуазия жамияти, унинг иқтисодиётиннинг монополистик босқичга кўтарилиши давлатнинг либераллар фикрига кўра ўсиши лозим бўлган жамият иқтисодий ҳаётидаги ролини аввалги ўринга олиб чиқди. Бир қатор сабабларга кўра XIX асрда либерал мафкура рус маданиятига кириб кела бошлади. Рус маданиятининг ўзига хосликлари, унинг либерал мафкура вужудга келиши ва ривожланиши давридаги аҳволи рус либералларининг қадриятлари мазмунига ва қадриятли мақсадларига таъсир кўрсатди, бу XX аср бошидаги либерал қарашларга эга сиёсий партияларнинг дастурларида ўз аксини топди. Аммо бугунги ҳаёт муаммолари, унинг маданиятининг етарли даражада чукур мулоҳазадан ўтказилмаганлиги, ғояларнинг халқ менталитетига, унинг психологик ўзига хосликларига мос келмаслиги боис либерал мафкура кенг қўллаб қувватланмади. Бу мафкурани ёқлаб чиқсан сиёсий

партиялар ҳам ўз фаолиятини тұхтатди.

Эндилиқда асосан Америка Құшма Штатларида вужудға келган, түғрироғини айтганды қайта ўзлаштирилған либерал мафкура россиялық (шуролар) маданий ва сиёсий элитасининг катта бўлмаган қатлами орасида ўзига тарафдорлар топди. Ҳукумат тепасига келган россиялық янги либерал-демократлар хориждаги маслаҳатчиларнинг тавсияларига асосан жадаллик билан жамиятни ислоҳ қилишга киришдилар, бу иқтисодиёт ва умуман маданият учун маълум салбий оқибатларга айланди. Россиялық янги либераллар ўзларидан олдингиларнинг хатоларини такрорладилар - улар Россияни, унинг халқи менталитетидаги ўзига хосликларни яхши билмас әдилар ва ҳокимиятдан фойдаланган ҳолда ислоҳотларни тиқиширдилар. Ислоҳотларнинг асосан салбий натижалари, аҳолининг бойлар ва камбағаллар қатламига бўлиниб қолиши россияликларнинг сиёсат ва сиёсатчиларга нисбатан ҳавсаласини пир қилди.

Тарих такрорланиб туради – либерал мафкура маданиятга мустаҳкам таянмаганлиги боис бу сафар ҳам жамиятда ўз ўрнини топа олмаяпди. Бундай таянчга эга бўлиш учун либераллар мафкуруни эмас маданиятга турли Ғарбона, энг аввало америкача қадриятларни киритган ҳолда маданиятни ўзгартиришни, мафкура остига бошқа маданий асосни олиб киришга ва шу йўл билан уларнинг бир бирига мос келишини таъминлашга интилмоқдалар.

10. Консерватив мафкура либерал мафкурага жавоб сифатида XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларида шаклланди в феодал-аристократик синфнинг манфаатларини ифодалади. Унинг асосий ғоялари – ижтимоий ҳаёт негизларини сақлаб қолиш, тараққиётга, рационал билим имкониятларига ва ижтимоий муносабатларни ўзгаришига ишонмаслик эди. Консерватизм мафкурасининг давомли ҳаёт кечириши ўзгарувчан ижтимоий шароитларга тез мослашиши билан изоҳланади, буржуазия тузимининг қарор топиши натижасида консерваторлар либералларга нисбатан ҳам уларнинг ҳимоячисига айланди.

Социалистик ғоя ҳам европача маданият, унинг ғоялари билан бевосита боғлиқдир. Дастрлабки социалистик мафкуравий таълимотлар янги буржуазия жамият ва унинг маданияти шаклланган даврда вужудга келди. Аммо утопик социализм унсурлари қадимги Греция ва Римда шаклланган. Бу унсурлар христианлик мафкурасида, феодализм давридаги деҳқонларнинг би қисм оммаси онгода (тengлаштирувчи коммунизм) мавжуд бўлган. Европача маданият ривожланишига қараб социалистик таълимотларнинг кўриниш турлари ўзгариб борди. Бу таълимотларда маданият қадрияти сифатидаги мулк муаммоси асосий муаммо эди. Аксарият социалист-утопистлар барча ижтимоий кулфатлар манбай сифатидаги хусусий мулкчиликни бекор қилиш тарафдори бўлиб чиқдилар.

Утопик ғоялар Россияда кенг тарқалди ва ривожланди. Россия асосан дәхқонлар мамлакати бўлиб шунга мос маданиятга эди, социалистлар (Герцен Чернышевский ва ҳ.к.) дәхқонча социализм сифатидаги қадриятга ва бу орқали дәхқонлик жамиятини яратишга умид боғладилар. Улар ўз замонасидағи европача жамият ва маданиятнинг хусусан энг ривожланган мамлакатлардан бўлмиш Англия ва Франциядаги аҳволига таянган ҳолда утопик социализмни фанга айлантиришга, илмий социализм ғоясини шакллантиришга интилдилар. Улар кўп жиҳатдан бунга эришди, аммо ўзларидан олдингиларнинг утопик ғояларини тўла бартараф эта олмадилар.

Европада унинг маданий ривожининг ўзига хосликларидан вужудга келган ва йўқсиллар ва мазлумларнинг манфаатларини ифодалаган ҳолда бир қатор сабаблар боис истча ғоя дунёда кенг тарқалди. Унинг инқилобийлиги ҳамда Шарқдаги кўплаб Шарқ мамлакатларнинг Ғарблашуви, шунингдек, Россиядаги инқилоб ва унинг ижтимоий соҳадаги ютуқлари, иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Иттилоқининг етакчи роли остида фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан ғалабаси ва ҳ.к.лар сингари тарихий ҳодисалар бунга имкон яратди.

Истча социализмни буткул рад этиб бўлмайди, негаки измда чуқур асл илмий ғоялар (тарихни материалистик тушуниш, иқтисодий ижтимоий формация тўғрисидаги таълимот ва ҳ.к.) унча кам эмас. Ҳар бир жиддий тадқиқотчи изм, социалистик таълимотни четлаб ўтмайди, улардан нафақат бугунги шароитларга мос келмайдиган жиҳатларни эмас балки бугунги кундаги ижтимоий жараёнларни чуқурроқ тушунишга имкон берувчи кўплаб фундаментал рационал ғояларни топади.

11. Биз юқорида иқтибос келтирган британиялик тарихчи Э. Хобсбаум замонавий интеллектуал ҳаётга таъсир кўламини тадқиқ қилиб чиқди. У Google қидириш тизимида айrim машҳур мутаффакирларнинг номларини қидириш билан шуғулланди. Маълум бўлишича унинг исми Чарльз Дарвиндан сўнг га 1 млн га яқин "Карл" - 3,7 млн. иқтибос келтирилади. Агар "Чарльз Дарвин", то терилса бу 1,2 млн., "Дарвин" - 4,9 млнни ташкил этган. Агар унинг номини социологиядаги мумтоз арбоблар билан таққосланса у Эмил Дюргейм, Макс Вебер ва ҳокозоларни орқада қолдириб кетади. Леопольд фон Ранке ёки Арнольд Тойнбилар билан солишишимаса ҳам бўлади. Излаш тизимида унинг исми 32 минг марта, Тойнби 38минг марта тилга олинади. Миллионларга таққослагандага анчагина кам-а! шу тарзда деб хуроса ясайди Э. Хобсбаум, сиз назарияга қандай муносабатда бўлманг унинг исми бугунгача ўта долзарблигича қолмоқда (қаранг: Свободная мысль. 2004. №9. С. 3). Мамлакат ўз йўлидаги жиддий мушкилотларни, шу жумладан атрофидаги капиталистик муҳит яратган қийинчиликларни бартараф этган ҳолда қудратли ўта буюк мамлакатга айланди. Ички ва ташқи вазият

туфайли ва тарихан қисқа муддатларда измнинг гуманистик ғояларини янада тўлароқ амалга оширишнинг имкони бўлмади, измнинг Россиядаги социалистик ўзгаришларга, унинг маданиятига таъсири нисбий хусусият касб этди.

Иқтисодиёт ва маданиятдаги 70 йилларнинг охири 80 йилларнинг бошларида пайдо бўлган инқирозли вазиятлар мамлакат раҳбарияти томондан умуман бартараф этилмади. Натижада Совет Иттифоқи барбод қилинди. Либераллар капитализм йўлини танладилар. Шунга қарамасдан ҳамда мамлакатимиизда ва ҳорижда мафкура ва социализм амалиёти танқидга тортилаётганига қарамасдан социалистик мафкура тарафдорлари кам эмас. Бу мафкуранинг олдинги таъсирини тиклаш жамият, миллий ва жаҳон маданияти ривожидаги замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда уни ижодий қайта ишлашни кўзда тутади.

12. Либерал мафкура жамият ва маданиятнинг замонавий талабларига кундан кунга камроқ мос келмоқда ҳамда барчанинг ҳавсаласини пир қилмоқда. мафкура айрим либерал ғояларни қабул қилди ва унга нисбатан фаол ҳимоячи функциясини бажара бошлади. Либераллар кундан кунга ўзларининг асл мақсадларидан четлашиб бормоқда. Кўпгина нуфузли тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра агар келажак сўл кучлар ва социализм Ғарбдаги кўпгина олимлар, гарчи либерализм тарафдорлари бўлсада, либерал мафкурадаги чуқур инқирозни эътироф этмоқда. Уларнинг фикрига кўра либерал мафкуранинг келажаги йўқ, вақти келиб у тарих саҳнасидан тушиб кетиши лозим. Буржуазия жамияти шароитларидаги консерватив қўлида бўлса унда консерваторларга яна бир марта қайта мослашишга тўғри келади, бу консерватизм ҳамда буржуазия жамиятияга нисбатан унинг ҳимоячилик функцияси ҳалокатга учраганини англатади. Соғлом консерватизм инқилобий кучлар учун ҳам зарурдир.

Социалистик, энг аввало истча ғояларга келганда эса унинг ўзи ва социалистик амалиёт тўқнаш келган муаммо социализм назарий таълимот сифатида тарих мулкига айланганлигини англатмайди. СССРда ва бир қатор бошқа мамлакатларда амалга оширилган издан чиққан модел мағлубиятга учради ҳолос. Социализм хом ҳаёл эмас, у европа жамияти учун хос бўлган объектив тенденциялар таҳлилига таянади. Ривожланган буржуазия мамлакатларида мулкчиликнинг жамоавий шакли сифатидаги айрим унсурларининг ривожланиши кўплаб олимларга жамият ривожи социализм йўналишидан бориши тўғрисида таҳминлар қилишга асос бермоқда. Сўл кучлар мафкурасига ҳам эҳтиёж ортиб боради. Афтидан социалистик мафкура бу эҳтиёжни қондирса керак, унинг мазмuni айрим мамлакатларда ва умуман жаҳонда юз бераётган жараёнлар ва уларнинг ривожланиш тенденцияларига мос равишда кўринишини ўзgartириб боради. Социализмга кўз тиккан замонамиз зиёлилари

келажакдаги социалистик жамият борасидаги ўз тасаввурларини тавсия этишга интилмоқда.

13. Саноатлашувдан кейинги ва устига устак ахборотлашган жамият шароитларида ўз мазмунига кўра анъанавий мафкуравий тизимларни рад этувчи бошқача мафкуравий тизимлар вужудга келишига имкониятлар вужудга келмоқда. Энг янги даврда бунга ўхшаш мафкуравий тузилмаларнинг ёрқин мисоли сифатида глобализм юзага чиқмоқда. Унинг ҳимоячилари мумтоз либерализм, мумтоз консерватизм ва мумтоз социализм қадриятини шубҳа остига олмоқдалар. Бу мафкура Гарбий Европа маданий анъаналар доираларида вужудга келган. Глобаллашув – интеграция жараёнларига онгли равишда бошқарув таъсири ўтказиш мафкурасидир, у маданият билан нафақат ўз келиб чиқишига кўра, балки бутун жаҳонга Гарбча, энг аввало америкача маданий қадриятларни бугунги кунда тарқатиш билан боғлиқдир.

АҚШнинг етакчи ва белгиловчи роли остидаги глобаллашув жараёни йирик сармоя, трансмиллий уюшмалар ва энг ривожланган Гарб давлатлари манфаатлари учун янгича дунёвий тартибот яратиш шиори остида амалга оширилмоқда. Бундай глобаллашувдан қолган барча дунё зарар кўради. Кўпгина олимлар ва сиёsatчилар ҳозирги мавжуд мафкуравий концепцияларга буткул зид мафкуравий концепциялар ишлаб чиқаётгани ва тавсия этаётганлари бежиз эмас. Бошқариладиган жараён сифатидаги глобаллашув барча халқлар ва давлатлар манфаатлари йўлида амалга оширилиши, уларнинг маданияти сақланиши ва ривожланишини таъминлаши лозим. “еттилик” мамлакатлари ва хусусан АҚШ ни глобаллашув йўналишини бутун инсоният манфаатлари томон буришга ундаш учун кўпгина давлатларинг саъй-ҳаракатлари зарур бўлиши яқъол кўриниб турибди.

14. Турли мафкуралар ва маданиятларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилиш ҳар қандай мафкура маданият қадриятларига таянгандагина ўзининг ижобий функциясини адо эта олишини кўрсатмоқда. Акс ҳолда у ижтимоий қўллаб қувватланмайди ва изсиз йўқолиб кетади.

Мафкуранинг у ёки бу тури маданият тури билан белгиланади. Бир миллий маданият асосида бир неча мафкуралар вужудга келиши ва фаолият кўрсатиши мумкин, бу жамиятнинг ижтимоий бир турлик эмаслиги, ўзига хос манфаатларга эга бўлган турли ижтимоий уюшмалар мавжудлиги билан боғлиқдир. Маданият доимий ўзгаришда ва ривожланишда бўлгани учун унинг қадриятлари бағрида мавжуд бўлган мафкура ҳам кўринишини ўзгартиши ва такомиллашуви лозим. Акс ҳолда у ақидалар йиғиндисига айланади ва кишиларнинг онги ва хатти-ҳаракатига таъсирини йўқотади. Амалга ошмайдиган лойиҳалар яратиш, мафкура мазмунига утопик ғоялар киритиш сингари ҳаддан ошишнинг ҳам фойдаси йўқ.

Уларнинг амалга ошмаслиги умуман мафкурага нисбатан хафсалани пир қилади.

Мафкура маданият билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли унда ижтимоий воқеъликни, унинг ўтмиши, бугуни ва келажагини мулоҳаза қилиш ва баҳолаш, мафкурачиларнинг замона даъватларига жавоб топишга интилиши маданиятга киритилаётган ҳиссадир. Кўплаб кишиларнинг онгини эгаллаган ҳолда мафкура моддий кучга эга бўлади, бу кучнинг ҳаракати маданиятдаги ривожланиш ва сифат ўзгаришларини таъминлайди. Аммо қадриятларнинг кўтариб чиқилаётган олами у ёки бу халқ томонидан яратилган маданиятнинг асосий қадриятларида мос келгандагина мафкуравий таълимот сафарбар қилувчи кучга айланади. Лавров, Плеханов, дан бошлаб Бердяев, Федотов, Ильингача бўлган ҳам материалистик, ҳам идеалистик йўналишга мансуб бўлган рус мутаффакирлари эътибор қаратган ҳолат – рус маданиятининг асосий қадриятлари социалистик мафкуранинг асосий қадриятларида мос эканлиги айнан шу ҳолатлар билан изоҳланади.

15. Ривожланган миллий маданиятга эга бўлган ҳар қандай миллий давлат қўйидагилар: мазкур миллат тақдири ва вазифаси тўғрисидаги тасаввур; тарихий тараққиёт йўли; турли ижтимоий гуруҳларга тегишли бўлган ижтимоий бойлик улуши; ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эстетик ва маънавий мақсадлар; элитар, халққа мансуб ва оммавий маданиятлар нисбати; миллатда мавжуд бўлган тарихий тажрибани баҳолаш; энг яқин ва ўрта муддатли истиқболда жамият ва давлат ҳал қилиши лозим бўлган тактик мақсадлар ва вазифалар; тарихий жараённинг етакчи субъекти тўғрисидаги ғоялар асосий унсур бўлиб юзага чиқадиган ўз давлат мафкурасини яратади.

16. Янгича ижтимоий воқеъликнинг вужудга келиши, янги турдаги маданиятнинг – ахборотлашга жамият маданиятининг пайдо бўлиши Ғарбча турига ёки атлантик тамаддунга мансуб барча мамлакатлар маданиятида инқирозли ҳодисаларни вужудга келтиради. Ҳозирги мафкуралар бошидан кечираётган инқирозлар маданиятлардаги ушбу инқирозлар оқибатидир.

Неолиберализмнинг, еврокоммунизм, неоконсерватизм ва унинг кўп сонли турларидаги социалистик таълимотнинг турли кўринишлари вужудга келиши ушбу ҳолат билан боғлиқдир.

ХУЛОСА